

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЗИЁДА МАШАРИПОВА

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ
(ўқув қўлланма)**

Бакалавриат йўналиши: 5141100 - Ўзбек тили ва адабиёти

ТОШКЕНТ – 2007

Ушбу қўлланмада ўзбек халқ оғзаки ижодининг моҳияти, унинг асосий жанрлари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, оғзаки адабий намуналарнинг халқ ҳаётида тутган ёрни, аҳамияти, миллий қадриятлар ва урф-одатлар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилган.

Қўлланма олий ўқув юр்தларининг ўзбек тили ва адабиёти факультети талабалари учун мўължалланган.

В данном учебнике пособия дается сведения о сущности узбекского устного народного творчество, о его основных жанрах. Также, речь идет об образцах фольклора, их значениях и местах в культурной жизни народа, о национальных ценностях и обычаях.

Данное учебное пособие рассчитан студентом факультета узбекской филологии.

Information about the specialties of uzbek folk creation, its main genre is given in this manual. Herewith, the significance of oral literary examples in folk's life, importance, national values and customs are also spoken about.

The manual is assigned for the students of the faculty of uzbek language and literature in high schools.

ТАҚРИЗЧИЛАР: филология фанлари доктори, профессор Б.Саримсоқов
филология фанлари номзоди, Ш.Исаева

Мазкур ўқув қўлланма Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг 2007 йил «___» _____даги ___-сонли қарори билан ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия қилинсин.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Ўзбек халқининг асрлар давомида яратган оғзаки сўз санъати намуналари миллий маданиятимизнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар бир халқнинг асрлар идеалини акс эттирувчи оғзаки ижоди бўлганидек, ўзбек халқи ҳам қадимий тарихга бой ва ранг-баранг оғзаки адабиёт дурдоналарига эга бўлган халқлардан биридир.

Халқ оммаси томонидан яратилиб халқнинг талантили вакиллари ижросида сайқал топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган афсона ва ривоятлар, мақол ва маталлар, олқиш ва дуолар, топишмоқ ва қўшиқлар, латифа ва нақллар, эртак ва дostonлар ўзбек халқ оғзаки ижодини ташкил қилади.

Юксак нафосат ва мангу ҳикмат хазинаси бўлган ана шу асарларда аجدодларимизнинг урф-одатлари ва анъаналари, одоб-ахлоқи ва маданияти, тарихи ва миллий қадриятлари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, бадиий-фалсафий ва диний қарашлари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Халқ яратган асарлар ўз навбатида қадимги ўзбек халқининг эътиқоди ва дунёқарашини ўрганишда, фольклор намуналарида илгари сурилган илғор ғоялар, умуминсоний аҳамиятга эга бўлган қадриятларни билиб олишда асл манба бўлиб ҳам хизмат қилади.

Оғзаки адабиёт, халқ оғзаки бадиий ижоди ёки «фольклор» деб юритилади. «Фольклор» термини биринчи марта XIX аср тадқиқотчиси Вильям Томс томонидан 1846 йилда қўлланган бўлиб, инглизча folk – халқ, lore – билим, донолик деган маъноларни билдиради.

Фольклор – синкретик хусусиятга эга бўлиб, хилма-хил санъат турларига ҳос элементларни ўзига мужассамлаштирган. Унинг баъзи намуналари сўз ва куй уйғунлигида ижро этилади. Дoston ва термаларни дўмбира жўрлигида куйлаш анъанвий бўлса, қўшиқ дотор ва чилдирма жўрлигида куйланади.

Халқ оғзаки ижоди асрлар мобайнида тарихнинг йўлдоши, унинг акс садоси бўлиб келган. Халқ турмуши, ҳаёт тарзи, руҳий дунёсининг ойнаси ҳисобланган фольклор асарлари йиллар бўйи тўпланган ижодий тажрибалардан иборат бадиий-эстетик қадриятлардан биридир. Фольклор асарларини ўрганиш ва тартибга солиш орқали халқ турмуши, орзу-истаклари ҳақида маълумотлар олиш билан бир қаторда бадиий фикр ибтидоси ва унинг ривожланиш қонуниятлари, тараққиёт босқичлари, ҳаёт ҳодисаларини бадиий тасвир объекти сифатида ҳис этиш анъанасининг эстетик омиллари, халқона поэтик фикр тавсифига оид қимматли илмий кузатишлар олиб бориш мумкин.

Халқ оғзаки ижоди ўзининг баъзи хусусиятлари билан ёзма адабиётдан фарқланиб туради. Куйида мана шу хусусиятлар ҳақида сўз юритамиз.

Фольклор – оғзаки ижод. Халқ поэтик ижоди ёзув пайдо бўлмасдан кўп замонлар илгари юзага келган. Унинг яратилиши ва тарқалиши жонли оғзаки анъана билан боғлиқдир. Фольклор асарларининг узоқ асрлар давомида оғзаки яратилиши ва оғзаки ижро этилиши унинг шакл ва мазмунига таъсир кўрсатади. Маълумки, айрим тарихий фактларнинг тўлиқ эсда қолмаслиги, замон тақозоси билан унутилиши натижасида уларнинг асардан тушиб қолиши ёки ўзгариши мумкин.

Фольклорнинг оғзакилик хусусияти унинг кенг тарқалишига, халқ орасида кенг оммалашувига сабаб бўлади. Аммо шу билан бирга, оғзаки ижод намунаси ўтмиш замонларда ёзма тарзда мавжуд бўлмагани учун уни ижро этувчи шахснинг вафоти билан йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин.

Фольклор асари оғиздан оғизга ўтиши туфайли шаклан ва мазмунан қандай ўзгаришларга учрамасин, бу ҳол унинг ғоявий-бадиий ва ижтимоий-эстетик қимматини туширмайди. Чунки унда ижодкор халқнинг воқеликка муносабати акс этади.

Фольклор – халқ ижоди. Фольклор халқ томонидан асрлар давомида яратилиб авлоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб келган жамоа ижоди маҳсулидир. Маълумки, қадим замонларда илк бор юзага келган фольклор асарлари халқ томонидан ижод қилинган ва ижро этилган. Кейинчалик эса талантли кишилар томонидан яратилган. Улар ўз ижодида қабила ва уруғ одатлари, дунёқараши, эътиқоди, табиат билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳикоя қиладилар.

Халқ куйчиси (бахши, эртақчи, кўшиқчи) халқ жамоаси томонидан яратилган асарларни механик тарзда бошидан охиригача сўзма-сўз ёд айтмайди, балки унга ижодий муносабатда бўлиб, ўзидан нимадир қўшади, бойитиб боради. Шунинг учун ҳам у куйлаётган асарини ҳамиша «халқники» деб тан олади. Демак, фольклор асарларида халқ жамоаси ижоди тушунчаси, ҳеч маҳал индивидуал ижод ролини инкор этмайди.

Ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг такомиллашуви, халқ эстетик тафаккурининг ўсиши жараёнида даврлар ўтиши билан алоҳида ижрочилар – кўшиқчи, эртақчи, бахши, қизикчи ва халфалар ўз маҳоратлари билан яққол кўрина бошлаганлар. Аммо бу талантлар ҳам халқ заковатидан озиқ олиб оғиздан-оғизга ўтиб келган асарларни ижро этганлар ва албатта ўзлари ҳам нимадир қўшиб, шахсий маҳоратларини намоён этганлар.

Фольклорда анъанавийлик. Анъанавийлик – халқ ижоди маҳсули. У ўзининг ижтимоий-тарихий манбаларига эга. Маълумки, фольклорнинг дастлабки намуналари ибтидоий жамиятда яратилган, уларда ўша замон кишиларининг нисбатан қарор топган урф-одатлари ва ўзига хос дунёқарашлари акс этган. Бу ҳол фольклор асарлари шакли, сюжети, образлари ва мотивларининг муайян барқарорлик касб этишини таъминлаган.

Халқнинг асрлар давомида шаклланган бадиий завқи – эстетик диди бор, фольклор ҳамиша шу халқона эстетик принципларга амал қилиб яшайди. Бу халқ оғзаки ижоди учун объектив қонуниятдир.

Фольклор асарларининг оғзаки яратилиши ва оғзаки ижро этилиши уларнинг ўзгармас барқарор шакллари – анъаналарни юзага келтирган. Масалан, қахрамонлик эртақ ва дostonлари ўртасида жанр эътибори билан маълум даражада тафовут мавжуд бўлса ҳам, бадиий услуб анъанавий шаклга эга. Фольклорнинг ушбу ҳар икки жанрида ҳам

композиция анъанавий бошлама, сюжет баёни ва тугалланмадан иборат бўлиб, образлар контраст тарзда ифодаланади.

Анъанавий дostonларнинг қахрамонлари кўпинча ғайритабиий туғилишлари, чексиз куч-қудратга эга эканликлари билан ажралиб турадилар. Халқ орзу-умиди ва интилишларини ифодаловчи бундай идеал қахрамонларга адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришда илоҳий ҳомийлар (Ҳазрати Хизр, қирқ чилтон, Ҳазрати Али, Бобо Қамбар ва ҳоказо) руҳий мададкорлик қиладилар.

Халқ дostonларидаги қахрамонларнинг сафар олдидан от эгарлаши, ота-онадан оқ фотиҳа олиши, қахрамон ва отнинг узоқ сафар йўлидаги ҳолати, пойгада қатнашиши, душман билан жанг олиб бориши каби лавҳалар асардан асарга, ижродан ижрога (кичик ўзгаришлар билан) кўчиб юрувчи барқарор анъанавий шакллар ҳисобланади. Халқ дostonларидаги мана шундай ўзига хос хусусиятлар ҳақида профессор Т.Мирзаев, С.Мирзаева каби фольклоршунослар махсус тадқиқотлар яратганлар.¹

Масалан: От эгарлаш анъанаси моҳият эътибори билан ўзбек романик дostonларида деярли бир хил характерга эга. Одатда жанговар от эгарланиб бўлгач, қахрамон унга мурожаат қилиб, ўзининг соғ-омонлиги, шу жониворга боғлиқлигини айтиб, ундан ўз мақсадига илдам етказишни сўраб, мурожаат қилади. Ушбу мурожаат баъзан бироз шаклий ўзгаришлар билан барча бахшиларда бир хил қўлланилади. Масалан, «Далли» дostonида Ҳасанхон Ғиротни уйин кўрсатишга даъват этар экан, ундан мадад сўраб шундай мурожаат қилади:

Отим Ғирот, жоним Ғирот,
Еминг кишимиш, тўрванг банот,
Сени минган топар мурод,
Қўлтигингда яшил қанот.
Қойил қилгин хоннинг қизин,
Ҳаммани ўзингга қарат. (Б.Т., 2-том, 106-бет)

Юқорида мурожаатда отнинг содиқ ҳамроҳлиги, унинг емиши ва тўрваси, қахрамоннинг тақдири шу отга боғлиқ эканлиги кабилар таърифу тафсир этилади. Айни шу хилдаги мурожаат Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Малика айёр» дostonида ҳам сал бошқачароқ шаклда учрайди:

Жоним Ғирот, молим Ғирот,
Еминг кишимиш, тўрванг банот,
Сени минган топар мурод,
Дам-бадам еткиз Чамбилга. (М.А., 10-бет)

Барқарор эпик анъана ўзига хос бадиий тасвир ҳамда ифода усулларини яратишга хизмат қилади. Мана шунга кўра сафар вақтида тасвир гоҳ қахрамоннинг руҳий ҳолатини, хатти-ҳаракатини, гоҳ отнинг елиб боришини кўрсатишга қаратилади:

Гоҳ созини созлайди,
Гоҳ бўтадай бўзлайди,

Энди кўринг мард Ҳасан,
Хон Даллини излайди.

Пўлкан шоирда («Гўрўғлининг туғилиши») айни шу шакл (формула) Гўрўғлининг сафар пайтидаги ҳолатини тўла очиб беришга хизмат қилган:

Гоҳ созини созлайди,
Бўтадай бўп бўзлайди,
Қамчи боса лайли ғир,
Тоғнинг бошин кўзлайди. (Г.Т., 137-бет)

Барқарор анъанавий шакл юқорида таъкидланганидек, қахрамоннинг «созини созлаш» унинг дилидаги туғёнларни очишга хизмат қилади (Унинг қўлида ҳеч қандай соз

¹ Қаранг: Мирзаев Т. «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари. Т.: «Фан», 1968;
Мирзаева С. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси. Т.: «Фан», 2004.

йўк). Демак, эпик формуладаги «соз» сўзи метафорадан иборат. Анъанавий шаклнинг иккинчи мисрасидаги «бўтадай бўзлаш» бирикмаси ҳам метафорик маънога эга бўлиб, у қаҳрамоннинг азобу қийноқда йўл босаётганлигини, мақсадга етишиш йўлидаги, иштиёқини, интилишини ифодалашга хизмат қилади.

Фольклорда анонимлик. Маълумки, узоқ асрлар, минг йиллар ўтса ҳам ёзма адабиёт намунасининг муаллифи ҳам, ёзилган вақти ҳам аниқ бўлади. Чунки ўша асарни яратган ижодкор ўз исми шарифини асарда зикр этади. Халқ ижодида эса биз бундай ҳолатни кўрмаймиз. Фольклор асарлари муаллифининг ноаниқлиги – анонимлиги, ўша асарнинг қачонлардир индивидуал ижодкор томонидан яратилганлигини инкор этмайди. Фольклор асарлари қачонлардир алоҳида талантли бир шахс (индивид) томонидан тўқилса-да оғзаки ижод бўлгани, номи бирон жойда зикр этилмагани боис, авлоддан авлодга ўтиш жараёнида халқ ижоди намунасига айланиб кетади. Халқнинг талантли вакиллари томонидан қайта-қайта ишланиб, сайқал топиб, мукаммаллашиб боради.

Фольклорда вариантлик. Вариант – маълум бир асарнинг жонли оғзаки эпик анъана заминида вужудга келган, бир-бирини инкор этмасдан, ёнма-ён яшай оладиган ва ўзаро фарқланувчи турли туман нусхаларидир.

Бир асарнинг турли туман вариантларда намоён бўлишига халқ ижодкорларининг дунёқараши, ижодий салоҳияти, ўзига хос усул ва услуби сабаб бўлади. Масалан, «Алпомиш» достонини Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан Жонмурот ўғли каби ўнлаб номдор бахшилар ижро этганлар. Лекин уларнинг ижролари баъзи бир ўзига хос жиҳатлари билан бир-биридан фарқланиб туради. Фозил шоир қаҳрамонлик йўналишига алоҳида урғу бериб асарни мукаммаллаштирса, Пўлкан шоир диний-фалсафий ўринларга алоҳида диққатни қаратади, Эргаш Жуманбулбул эса ишқ-муҳаббат йўналишини жўшиб куйлайди. Мана шу тариқа битта асарнинг хилма-хил намуналари пайдо бўлади. Фольклоршунос олимларнинг маълумотларига қараганда «Алпомиш» достонининг ўттиздан ортиқ вариантлари мавжуд. «Гўрўғли» туркумидаги достонларнинг эса юздан ортиқ вариантлари бор.

Вариантликнинг муҳим бир хусусияти версия ичида мавжуд бўлишидир. Демак, версия моҳиятан бир мунча кенг ҳодиса бўлиб, у асарда олға сурилган ғоявий концепция, шунингдек, асарнинг композицияси ва бадиий тасвир воситалари жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилувчи халқ оғзаки ижодининг бир сюжет ва бир жанрдаги намуналаридир. Масалан, «Алпомиш» достонининг ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ ва бошқа халқларга мансуб версиялари мавжуд. Маълум бир достоннинг бир халқнинг ўзида ҳам бир неча версияда бўлиши мумкин. Чунончи, «Алпомиш», «Ширин ва Шакар», «Соҳибқирон» достонлари ўзбек халқи орасида иккитадан версияда тарқалган. Шунингдек, «Гўрўғли» туркуми достонлари ҳам ўзбеклар орасида бир-биридан фарқ қилувчи икки версияда тарқалган. Бу версиялардан бири Хоразм «Гўрўғли» достонлари бўлиб, улар туркман версиясига жуда ўхшаш, озарбайжон «Кўрўғли»сига анча яқин туради. Ўзбекистоннинг Хоразмдан бўлак ерларида тарқалган «Гўрўғли» достонлари ҳам алоҳида мустақил бир версияни ташкил этади.

Фольклорда ижодий метод. Халқ бадиий тафаккурида реаллик ҳаёлот уйғунлигида фантастикага йўғрилиб акс этади. масалан, халқ эртақ ва достонларида гўзал аёллар образларини кўздан кечирганимизда, уларда халқ ўзининг эстетик идеалинигина эмас, балки реал ҳаётини аёлга хос энг яхши фазилатларни ҳам умумлаштириб акс эттиради. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, дунёни абстракт – идеалистик ва реалистик тасаввур қилишнинг ўзаро қўшилиб кетиши фольклорнинг яна бир ўзига хос хусусиятидан дарак беради.

Фольклордаги кўплаб жанрларда, чунончи, маиший-ҳаётини эртақларда, тарихий ва лирик кўшиқларда воқелик ҳам, қаҳрамон ҳам реал ифодаланади.

Фольклор жанрларига оид кўплаб асарларда қаҳрамонни бадиий тасвирлаш принциплари муштаракдир. Халқ идеал фазилатлар эгаси бўлган,

оммани эргаштира оладиган қаҳрамоннигина тан олади. Шу боис фольклор асарларидаги қаҳрамонлар беқиёс идеаллаштирилган.

Фольклор асарларида ижобий қаҳрамон ёзма адабиётдагидек психологик характеристикаларда эмас, балки алоҳида ҳаётӣ лавҳаларда ўз хулқи, хатти-ҳаракати ва фаолияти билангина кўрсатилади.

Хуллас, халқ оғзаки ижоди ёзма адабиётдан фарқли ўлароқ юқорида таҳлил қилинган қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Аммо инсон тарбиясида беқиёс маънавий-маърифий аҳамиятга эга эканлиги жиҳатидан ёзма адабиёт билан муштараклик касб этади.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Халқ оғзаки ижоди деганда нимани тушунасиш?
2. Фольклорнинг синкретик хусусияти ҳақида тушунча беринг.
3. Фольклорнинг оғзакилик ва жамоавийлик хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.
4. Фольклорда анъанавийлик деганда нимани тушунасиш?
5. Анонимлик хусусиятига хос белгиларни изоҳланг.
6. Ягона сюжетдаги асарнинг турли вариантларда яратилишига сабаб нимада?
7. Халқ оғзаки ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти ҳақида сўзланг.

Адабиётлар:

1. К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Ўқитувчи», 1990.
2. О.Мадаев, Т.Собитова, Халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Шарқ», 2001.
3. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, 1-том, Т.: «Фан», 1988.
4. С.Мирзаева, Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси. Т.: «Фан», 2004.

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ ТАРИХИ

Халқ оғзаки бадиий ижодини ўрганувчи фан — фольклоршунослик бўлиб, у оғзаки сўз санъатининг ўзига хос хусусиятлари, фольклорнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиёт босқичлари, ижтимоий табиати ва ғоявий моҳияти, шунингдек, жанрлар спецификаси каби масалаларидан баҳс юритади.

Фольклорни ўрганиш тарихи унга нисбатан фақат илмий мақсадларда ёндашилганликни кузатиш билан чекланмайди, балки инсоният тафаккури тараққиётида унга турлича муносабатда бўлган илм-фан ва маданият арбобларининг адабий қизиқишларини ҳам ҳисобга олишни тақозо этади. Шу маънода фольклоршунослик асослари қадимги дунё эстетик тафаккурига бориб тақалади.

Қадимги дунё сайёҳлари ва тарихчиларининг афсона ва ривоятлар, турли урф-одат ва маросимлар ҳақидаги қайдлари, ёзувчи ва бастакорларнинг фольклор тўғрисидаги илк фикрлари фольклоршунослик тарихида муҳим ўрин тутаяди.

Фольклор намуналарини ёзиб олишдаги дастлабки тажрибалар XI асрдан бошлаб кўзга ташланади. Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асаридаги халқ оғзаки ижоди намуналари бунинг ёрқин мисолидир. XI асрнинг машҳур тилшунос олими Махмуд Қошғарий туркий сўзларнинг луғавий маъносини изоҳлаш мақсадида қъшиқ, мақол, афсона каби фольклор намуналаридан ҳам фойдаланган. Унда XI аср оғзаки адабиёти намуналари билан бирга энг қадимги даврларда, ҳатто эрамиздан олдинги замонларда яратилган, асрдан-асрга, авлоддан-авлодга кўчиб юрган кўплаб халқ мақоллари, ранг-баранг қўшиқлар, афсона ва нақллар тўпланиб изоҳланганки, бу асар муаллифининг фақат тилшунос олим бўлиб қолмасдан балки ўз даврининг адабиётшуноси, этнографии ва фольклоршуноси бўлганлигидан ҳам далолат беради.

Ўзбек фольклоридан айрим намуналарни дастлаб ёзиб олувчи, текширувчи ва нашр этувчилар XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида яшаган Европа сайёҳлари, элчилари ва олимлари бўлдилар. А.А.Кушакевич, Н.Ляпунова, А.Васильев, А.Н.Самойлович каби олимларнинг кундаликлари ва асарларида ўзбек халқининг маиший турмуши, урф-одатлари, оғзаки ижоди бўйича муҳим қайдлар учрайди. Чунончи, халқ қўшиқлари, масхарабозлик, қизиқчилик санъати, халқ сайиллари ҳақидаги таассуротлари баён қилинган; баъзи оғзаки драма, айрим эртакларнинг тафсилотлари берилган.

Ўзбек халқ эртаклари, топишмоқлари, мақол ва маталлари ҳамда оғзаки театр намуналарини тўплаш ва нашр этишда Н.П.Остроумовнинг фаолияти салмоқлидир. У аслида миссионерлик мақсадларини кўзлаган бўлса-да, бу соҳадаги ишлари объектив равишда ўзбек фольклорини ўрганишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Худди шу даврлардан бошлаб ўзбек фольклорининг айрим намуналари дунё миқёсида ҳам танила бошлади. Бунда можор (венгер) олими ва сайёҳи Ҳ.Вамберининг хизматлари каттадир.

У 1867 йилда Лейпцигда нашр этилган «Чиғатой тили дарслиги» хрестоматия-қўлланмасида юздан ортиқ халқ мақолларини, «Юсуф ва Аҳмад» достонидан олинган парчаларни немисча таржимада ўзбекча матн билан биргаликда нашр этди. 1911 йилда эса «Юсуф билан Аҳмад» достонининг Хоразм версиясини тўлалигича нашр эттирди.

XIX асрда айрим фольклор ва китоб ишқибозлари, шунингдек, бахшилар ташаббуси билан халқ достонларининг айрим кўлёзма нусхалари юзага кела бошлади. Бундай нашрлар таржима қилиш ёки халқ достонлари ва эртакларини қайта ишлаш натижасида яратилди. Шу хилдаги асарлар жумласига «Ҳикояти Гўрўғли султон», «Юсуфбек билан Аҳмадбек», «Тулумбий», «Чор дарвеш», «Рустами достон», «Тоҳир ва Зухра», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Санобар», «Бўзўғлон», «Баҳром ва Гуландом», «Хурлиқо ва Ҳамро», «Алдаркўса» кабиларни киритиш мумкин.

Халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш ва тадқиқ қилиш ишлари асосан, XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб жонланди.

Ўзбек билим ҳайъатининг топшириғи билан Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида халқ ижоди юзасидан кузатишлар олиб борган Ғози Олим Юнусов 1922 йилларда шу жойда тарқалган кўплаб эртақ, кўшиқ, топишмоқ ва мақолларни тўплади. Эпосунослик тарихида биринчи марта Фозил Йўлдош ўғли ва Ҳамрокул бахшидан «Алпомиш» достонининг бир қисмини ёзиб олди. Олим ўз кузатишларининг натижасини умумлаштириб мақола ёзди ва унда ўзбек эпосининг юксак намуналари: «Алпомиш», «Гўрўғли», «Юсуф ва Аҳмад» каби достонлар ҳақида илк бор фикр юритилди. Шу нарса диққатга сазоворки, тадқиқотчи «Алпомиш» достонини жаҳон адабиётида муҳим ўрин тутган машҳур «Одиссея», «Илиада» каби эпосларга қиёслаб ўрганади.

Йигирманчи йилларнинг охирига келиб халқ санъатининг турли томонларини текширувчи тадқиқотлар юзага кела бошладики, бу ўзбек фольклоршунослиги ўз илмий йўналишига эга бўлиб, унинг асоси яратилганлигидан далолат берарди. Бу асоснинг яратилишида айниқса таниқли фольклоршунос Ҳоди Зариповнинг хизматлари салмоқли бўлди.

Ўттизинчи йилларгача қатор мақолалари билан танилган Ҳ.Зарипов 1939 йилда олий ўқув юртлари учун «Ўзбек фольклори» қўлланмасини яратди. Мазкур ўқув мажмуаси олимнинг чуқур изланишлари, муҳим илмий хулосалари натижасида юзага келди.

Ўттизинчи йилларда ўзбек фольклоршунослигига Мансур Афзалов, Шарифа Абдуллаева, Миёнбузрук Солиҳов, Юсуф Султоновлар кириб келишди. Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Шокир Сулаймон, Шариф Ризо каби ёзувчи ва шоирлар ҳам фольклор билан шуғулландилар.

Мансур Афзалов (1910-1973) атоқли ўзбек шоири Ислон Назар ўғли репертуарини, ижодини кунт билан ўрганди. Достончи ижоди ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилди. Ундан «Орзигул» достонини ёзиб олиб, уни 1941 йилда нашр эттирди.

Бу йилларда фольклоршунос Буюк Каримов (1906-1945) ўзбек халқ эртақлари устида самарали тадқиқотлар олиб борди ва ўз изланишларининг самараси ўлароқ 1939 йилда «Ўзбек халқ эртақлари» тўпламини нашр эттирди. Мазкур асар эртақлар бўйича тузилган дастлабки йирик тўплам эди.

Йигирманчи асрнинг 40-йилларида халқимиз орасида оғзаки ҳолда кенг тарқалган «Далли», «Хуш келди», «Зулфизар билан Авазхон», «Чамбил қамали» каби «Гўрўғли» туркумига кирувчи достонларнинг баъзи намуналари китоб ҳолида нашр этилди.

Ўзбек халқ ижодини тўплаш ва ўрганишда сезиларли ютуқлар қўлга киртилган бўлса-да, бу ютуқларни умумлаштирувчи монографик тадқиқотлар яратилмаган эди. 1947 йилда академик В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар ҳамкорлигида яратилган «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китоби мана шу эҳтиёжлар туфайли юзага келди. Ушбу монументал тадқиқотда биринчи марта ўзбек халқ достонлари илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинди. Бу китобнинг яратилиши ўзбек фольклоршунослигида муҳим воқеа бўлди. Кейинчалик мазкур китоб ўзбек

халқ достонлари ҳақида янги-янги тадқиқотларнинг юзага келишида асосий манба бўлиб хизмат қилди.

«Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китобининг биринчи бобида ўзбек халқ достонлари ва бахшичилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берилган.

Асарнинг иккинчи бобида ўзбек халқ достонлари жанр хусусиятига кўра қаҳрамонлик, романик, жангнома, тарихий ва китобий каби турларга ажратиб тасниф қилинган.

Учинчи бобда эса халқ достонларининг ғоявий мазмуни, образлари, поэтик хусусиятлари таҳлил қилинган. Достонларнинг яратилиш даври ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Китобнинг сўнгги боби кейинги даврларда яратилган янги достонлар таҳлиliga қаратилган.

«Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китоби 1958 йилда Германияда немис тилида нашр этилди. Бу манументал тадқиқотнинг яратилиши билан ўзбек фольклоршунослигида, хусусан, халқ достонларини ўрганишда янги этап бошланди.

Эллигинчи йилларда Ўзбек халқ эпосини ҳар жиҳатдан ўрганиш ва тўплаш борасида Ҳоди Зарипов, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Зубайда Ҳусаиновалар самарали иш олиб бордилар. Уларнинг сайъ-ҳаракатлари натижасида «Ўзбек фольклоридан намуналар» тўплами босилиб чиқди. «Ойсулув», «Равшан», «Малика айёр», «Кунтуғмиш», «Ёдгор», «Орзигул», «Ширин билан Шакар», «Рустамхон», «Интизор», «Муродхон» каби достонлар ҳамда «Алпомиш» достонининг Фозил шоир варианты, шунингдек, «Ўзбек халқ достонлари» икки томлигининг нашр этилиши фольклоршуносликдаги муҳим воқеалардан бири бўлди.

1959 йилда фольклоршунос олима Музайяна Алавиянинг ўзбек халқ кўшиқлари борасида олиб борган тадқиқотлари натижаси сифатида «Ўзбек халқ кўшиқлари» китоби босилиб чиқди.

1960-80 йиллар орасида ўзбек фольклорини илмий-назарий ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Айниқса, жуда катта маданий бойлигимиз бўлган халқ достонларни ҳар томонлама ўрганиш фольклоршуносликнинг диққат марказида бўлди. Фольклоршунос олимлар М.Саидовнинг «Малика айёр» достони, «Ўзбек халқ достонларида бадий маҳорат», Т.Мирзаевнинг «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари» монографиялари, М.Муродовнинг «Гўрўғли» туркуми достонлари ҳақидаги тадқиқотлари Ўзбек фольклоршунослигига қўшилган муносиб ҳисса бўлди. Айниқса, Ҳ.Зарифовнинг «Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари», «Халқ ижодини нашрга тайёрлаш принциплари» каби мақолалари фан тараққиётида муҳим ўрин тутди.

Академик В.М.Жирмунскийнинг 1974 йилда нашр этилган «Туркий халқлар эпоси» китобида «Манас», «Алпомиш», «Эдига» достонлари ҳақида, шунингдек, «Ўғуз» қаҳрамонлик эпоси ва «Китоби дада Қўрқут» каби тадқиқотлари, «Ўрта Осиё халқ бахшилари» ҳақидаги тадқиқотлари жамланган.

Кейинги йилларда фольклоршуносликда халқ бахшилари ижодини ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Фольклоршунослар Т.Ғозибоевнинг «Ғозил Йўлдош ўғли», О.Собировнинг «Ислом Назар ўғли», Т.Мирзаевнинг «Халқ бахшиларининг эпик репертуари», М.Муродовнинг «Сарчашмадан томчилар» каби монографиялари яратилди.

Ўзбек халқ эртаклари ҳақидаги дастлабки йирик тадқиқот М.Афзаловнинг «Ўзбек халқ эртаклари ҳақида» номли китобидир. Муаллиф унда эртақ турлари, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида атрофлича фикр юритган.

Фольклоршунос К.Имомовнинг «Ўзбек сатирик эртаклари» монографиясида бу хилдаги эртақларнинг жанр хусусиятлари, уларда анъанавий синов мотиви, эртақ ва дoston муносабатлари каби муҳим масалалар ёритилган.

Ғ.Жалоловнинг «Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси» монографиясида эса, сеҳрли фантастик эртақларнинг генезиси ва морфологияси масалалари таҳлил қилинган.

Кейинги йилларгача оғзаки прозанинг эртақдан бошқа намуналари тадқиқотчилар назаридан четда қолмоқда эди. Шу жиҳатдан қараганда Қ.Имомовнинг «Ўзбек халқ оғзаки прозаси», Б.Саримсоқовнинг «Ўзбек адабиётида сажъ» каби монографиялари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек халқ кўшиқларини ўрганишда М.Алавиянинг «Ўзбек халқ маросим кўшиқлари» китоби алоҳида ўрин тутди. Унда олима турли маросимлар билан боғлиқ кўшиқларнинг тарихий илдизи ва асосий хусусиятларини илк марта тасниф қилган. Шунингдек, Ш.Турдимовнинг лирик кўшиқлар, У.Жуманазаровнинг тарихий кўшиқлар, Ж.Қобулниёзовнинг «Хоразм халқ кўшиқлари» тўпламлари босилиб чиқди. Яқин йилларга қадар маросим фольклори ҳақидаги текширишлар бир томонлама бўлиб, улар асосан кўшиқ доирасида ўрганиб келинар эди. Бундай чалкашликларга Б.Саримсоқов тадқиқотлари барҳам берди. Унинг «Ўзбек маросим фольклори» монографиясида мавсумий маросим ва сўз сеҳри билан боғлиқ фольклор турлари атрофлича таҳлил этилди.

Фольклоршуносликда топишмоқ, мақол сингари кам ўрганилган жанрларни тадқиқ этиш ва нашр қилишда ҳам муайян ютуқларга эришилди. Бу борада З.Хусаинова ва М.Афзалов хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. З.Хусаинова дастлаб ўзбек халқ топишмоқлари тўпламини сўз боши билан нашр эттирди, кейинчалик эса мазкур жанр устида олиб борган кузатишларини махсус монографик тадқиқот сифатида нашр эттирди. Монографияда топишмоқ жанрининг асосий хусусиятлари, турлари, уларнинг келиб чиқиши, маърифий-эстетик аҳамияти чуқур таҳлил этилган.

«Ўзбек халқ мақоллари» (1987-1988) икки томлигини юзага келиши ўзбек фольклоршунослигининг жиддий ютуқларидан биридир. Ўн уч мингга яқин мақолни ўз ичига олган бу тўплам академик характердаги салмоқли ишлардан биридир.

Ўзбек фольклоршунослигида кам ўрганилган жанрлар бўйича ҳам катта-кичик тадқиқотлар олиб борилди. М.Қодировнинг «Ўзбек халқ оғзаки

драмаси» (1963) монографияси худди шундай тадқиқотлардан бўлиб, муаллиф унда ўзбек халқ театрининг характери, турлари, халқ актёрларининг маҳорати, ғоявий йўналиши, масхарабозлар репертуари каби масалаларни батафсил таҳлил қилади.

Фольклор асарларида ҳажвий йўналиш муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан қараганда, Ҳ.Раззоқовнинг Фарғона водийси маълумотлари асосида яратган «Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор» монографияси (1965) характерлидир.

Ёзма адабиёт ва фольклорнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш фольклоршуносликнинг маълум бир қисмини ташкил қилади. Бу борада 70 йилларда яратилган О.Собировнинг «Сарчашма адиб ижодида», «Ойбек ижодида фольклор», «Реалистик проза ва фольклор», Ғ.Жалоловнинг «Ҳамза поэзияси ва халқ оғзаки ижоди» рисоалари, А.Жўраоновнинг «Ўзбек демократик адабиёти ва фольклор», Қ.Қодировнинг «Мақсуд Шайхзода поэзиясида фольклор анъаналари», С.Алимовнинг «Ўзбек адабий эртакларининг шаклланиши ва тараққиёти», И.Ёрматовнинг «60-80 йиллар ўзбек адабиётида фольклоризмлар типологияси» каби тадқиқотлари шу масалага бағишлангандир.

Профессор Н.М.Маллаевнинг «Алишер Навоий ва халқ ижодиёти» монографияси бу соҳада қилинган ишлар орасида салмоқли ўрин эгаллайди. Мазкур тадқиқотда Алишер Навоийнинг фольклорга муносабати, Алишер Навоий асарларида мифология, «Ҳамса» қаҳрамонларининг фольклордаги замини, Навоий дostonларининг халқ вариантлари, халқ оғзаки ижодида Алишер Навоий образи каби масалалар атрофлича ёритилган. (1974)

М.Ҳакимовнинг «Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди» монографияси ҳам фольклоршунослик ва адабиётшунослик учун муҳим бўлган тадқиқотлардан биридир. Олимнинг ушбу монографиясида Алишер Навоийнинг халқ оғзаки ижодига илмий-назарий қарашлари, Навоий лирикасининг етакчи жанри бўлган ғазалларга халқ ижодининг таъсири ҳамда Навоий шеъриятида халқ мақолларининг тутган ўрни ва аҳамияти ўрганилган (1979).

Оғзаки ва ёзма адабиёт муносабатларини ўрганишда муҳим йўналишлардан бири фольклор ва ёзма адабиёт заминида юзага келган қиссаларни (Халқ китоблари) тадқиқ этишдир. Шу нуқтаи назардан қараганда В.Абдуллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигидаги мулоҳазалар, Р.Мажидовнинг «Хуршед ва маликаи Дилором», Ҳ.Оқбўтаевнинг «Тоҳир ва Зухра» қиссалари асосидаги кузатишлари диққатга сазовордир.

Болалар фольклорини ўрганиш борасида ҳам муҳим тадқиқотлар юзага келди. Чунончи, Ғ.Жаҳонгировнинг «Ўзбек болалар фольклори» (1974) монографиясида болалар фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, турлари, тез айтишлар, топишмоқлар, болалар кўшиқлари ва эртаклари, ўйин фольклори кабилар таҳлил қилинган.

Бундан ташқари ушбу йўналишда О.Сафаровнинг «Болаларни эркаловчи халқ поэзияси» (1981), «Ўзбек болалар поэтик фольклори» (1985)

монографияларида ўзигача ўрганилган алла, болалар кўшиқлари, ўйинлари ва бошқа жанрларни янги маълумотлар билан тўлдириб, болалар фольклорига хос турли хусусиятлар аниқланган.

Ўзбек фольклоршунослиги тараққиётидаги муҳим ютуқлардан бири шундаки, фольклор асарларини илмий тадқиқ қилиш ва нашр этишда самарали натижаларга эришилди. 1964 йилдан бошлаб «Ўзбек халқ ижоди» кўп томлигини нашр этишга киришилди. Ҳозиргача халқ оғзаки ижодининг дoston, эртақ, кўшиқ, мақол ва бошқа жанрларига кирувчи кўплаб тўпламлар босилиб чиқди.

Аждодларимиз оғзаки ижодини ўрганишдаги зарур ишлардан бири «Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар» сериясининг юзага келиши бўлди. «Эргаш шоир ва унинг дostonчиликда тутган ўрни» (1971), «Фозил шоир» (1973), «Пўлкан шоир» (1976), «Ислom шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни» (1978) каби давомли тадқиқотларда, халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятлари, атоқли бахши-шоирларнинг ҳаёти ва ижоди, репертуари каби масалалар ўрганилди. Шунингдек, «Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари» (1981), «Ўзбек фольклори очерклари» (1988-1990) уч томлиги яратилдики, умумлаштирувчи характердаги ушбу тадқиқотларда халқ оғзаки ижоди жанрларига хос хусусиятлар, уларнинг тараққиёт босқичлари каби масалалар чуқур илмий асосда ёритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда халқнинг азалий орзуси бўлган мустақиллик амалга оширилгач, турли соҳаларда бўлганидек фольклоршуносликда ҳам янги давр бошланди.

Энг аввало республикаимиз маданият ва маънавиятини давр талабига мослаштириб ривожлантириш учун халқимизнинг маданий меросини чуқурроқ ўрганиб, уни ўзлаштириб олиш билан бир қаторда маориф, фан ва бошқа соҳаларда турган кўпгина вазифаларни амалга ошириш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири бўлиб қолди.

Маънавиятимиз ва маданиятимиз тарихини чуқур ўрганиб, тарғиб қилиш, кишиларни халқпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида улардан фойдаланиш, маданий ёдгорликларни тиклаш, тарихий обидаларни асраш, миллий урф-одатларни, халқ оғзаки ижодини кенг миқёсда объектив ўрганиш ва уларнинг намуналарини тўплаш, ҳозирги кунда яратилаётган моддий ва маънавий мулкни келажак авлодларга тўла етказиш учун барча зарур чораларни кўриш, ёш истеъдодларнинг камол топишига ҳар томонлама кўмаклашиш ана шу вазифалар сирасига киради.

Мана шу нуқтаи назардан қараганда истиқлол йилларида миллий кадриятларимизнинг ажралмас бир қисми бўлган халқ ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш учун ҳам кенг имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилнинг 13 январида қабул қилган «Алпомиш» дostonи яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори» ва унинг ЮНЕСКО томонидан кўллаб-қувватланиб, 1999 йилнинг 5-7 ноябрида Термиз шаҳрида ўтказилган халқаро миқёсдаги тантанали юбилей миллий кадриятларимизга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромнинг ифодасидир.

Ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлган «Алпомиш» достонининг тўла равишда халқимизга етказилиши маданий тараққиётимиздаги улкан воқеалардан бири бўлди.

Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Алпомиш» достонининг мукаммал наشري 1998 йили таниқли эпосшунос Тўра Мирзаевнинг «Достонларнинг гултожи» номли сўз бошиси билан чоп этилди.

«Алпомиш» достонининг 1998 йилда проф.Т.Мирзаев томонидан амалга оширилган академик наشري Ойсу Шимшек ва Ойнур Оз томонидан турк тилига ўгрилиб, 2000 йилда Анқарада босилиб чиқди. Шунингдек, достон рус, немис, инглиз ва бошқа тилларга таржима қилинди.

Аждодларимиз ижодий даҳосининг бебаҳо бадиий ёдгорликларидан яна бири «Гўрўғли» туркумидаги достонлардир. Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги 27 та бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган силсила достонлар ҳам истиқлол йилларида нашр этилди. Мазкур туркумдаги достонлар тўрт қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми 1996 йили «Гўрўғлининг туғилиши» номи билан, иккинчи қисми 1997 йили «Авазхон» номи билан эълон қилинди. Ва ниҳоят 2006 йилда достоннинг тўрт жилди ҳам яхлит ҳолда чоп этилиб ўқувчилар оммасига тақдим этилди.

Истиқлол йилларида халқ ижодига бўлган эътиборнинг кучайиши натижасида фольклоршуносликда илмий-назарий аҳамиятга молик бўлган кўплаб тадқиқотлар яратилди ва яратилмоқда.

И.Ёрматовнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти» (1994), С.Мирзаеванинг «Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси» (2002), Ж.Юсуповнинг «Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати» (1997), М.Жўраевнинг «Ўзбек халқ эртакларида сеҳрли рақамлар» (1991), М.Муродов, А.Эргашовларнинг «Алпомишнома» (1999), О.Мадаевнинг «Алпомиш» билан суҳбат» (1999), «Халқ оғзаки поэтик ижоди» (2001), А.Мусакуловнинг «Ўзбек халқ лирикаси» (1995), Ш.Турдимовнинг «Соқибулбул» (1996), «Ўзбек фольклоршунослиги масалалари» (2006), М.Жўраев, У.Сатторовнинг «Боболардан қолган нақллар» (1998), Хоразм достонлари «Гўрўғли» (2004) каби халқ оғзаки ижодининг турли жанрларини ўрганишга қаратилган монография ва рисоаларнинг яратилиши, кўплаб халқ ижоди намуналарининг чоп этилиши ўзбек фольклоршунослигининг янги тараққиёт босқичига кўтарилганлигидан далолат беради.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Фольклоршунослик фани нимани ўргатади?
2. Маҳмуд Қошғарийнинг фольклоршунос сифатидаги фаолияти ҳақида тушунча беринг.
3. XIX асрда фольклоршунослик соҳасида қандай ишлар амалга оширилган.
4. XX асрнинг 20-йилларидан бошланган фольклоршунослик соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида маълумот беринг.
5. Ҳ.Зарифовнинг ўзбек фольклоршунослиги асосчиси сифатидаги хизматлари нималардан иборат?

6. Ўзбек халқ эртаклари тадқиқотчилари ҳақида маълумот беринг.
7. Ўзбек халқ дostonлари тадқиқотчилари ҳақида маълумот беринг.
8. Истиқлол даврида фольклоршунослик соҳасида қандай муҳим ўзгаришлар бўй берди.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов, Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда. Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. И.А.Каримов, Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Ўқитувчи», 1990.
4. О.Мадаев, Т.Собитова, Халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Шарқ», 2001.
5. Алпомиш. Т.: «Шарқ», 1998.
6. С.Мирзаева, Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси. Т.: «Фан», 2004.

ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРЛАР ФОЛЬКЛОРИ

Марказий Осиё жаҳоннинг илму фан, фалсафа, дин, адабиёт ва санъат қадимдан ривожланган, тарихи ниҳоятда бой минтақаларидан биридир. Сўнгги тарихий ва археологик тадқиқотлар ана шу муқаддас заминда одамзотнинг илк фаолияти бир миллион йилга яқин эканлигидан далolat беради.

Жуда кўплаб оғзаки ва ёзма манбалар, турли осори-атика обидаларидан маълум бўлишича, Днепрдан Олтойгача бўлган ҳудудда скифлар, Каспий орти текислигида массагетлар, улардан шарқроқда саклар, сўғдлар, бактирияликлар, хоразмийлар, парфиёнлар яшаганлар. Ҳозирги Марказий Осиёликларнинг ўтмишдаги ана шу аجدодлари асримиздан бир неча минг йиллар илгари суғоришга асосланган деҳқончилик ҳамда чорвачилик, овчилик, балиқчилик билан шуғулланганлар.

Ҳозирги ўзбек, тожик, туркманларнинг аجدодларида суғорма деҳқончилик маданияти шу қадар ривож топганки, ҳатто биргина Аракс (ҳозирги Амударё) хавзаларида жуда кўплаб сунъий суғориш каналлари, сув иншоатлари қазилиб чўл ва саҳроларга сув олиб чиқилган.

Шу тариқа моддий ва маънавий қадриятлар яратилган. Ота-боболаримиз яшаган ҳудудларда қадимда хилма-хил маданият ўчоқлари таркиб топган ва ривожланган.

Марказий Осиё халқларининг, хусусан, ўзбекларнинг маданияти, тарихий илдизлари, ижтимоий, фалсафий, ахлоқий, диний, бадий қарашлари ва фикрлари шакллана ва ривожлана боришининг илк даврлари қадим замонларга бориб тақалади.

Аждодларимизнинг қадим ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, урф-одатлари, анъаналари, маданияти, тили ва тарихи бадий-фалсафий жиҳатдан ўзига хос тарзда акс эттирадиган оғзаки ижодиёти ниҳоятда бой ва хилма-хилдир. Мифлар, афсоналар, қаҳрамонлик эпослари, қўшиқлар, мақол ва маталлар, эртак ва топишмоқлар халқ оғзаки ижодиёти маданиятнинг энг қадимги ва узоқ тарихга эга бўлган соҳаларидир. Уларнинг ижодкори, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга авайлаб асраб ўтказувчи асосий куч – барча моддий ва маънавий бойликларнинг яратувчиси бўлган халқдир.

Тарих қаъридан, неча-неча ўтмиш даврлардан бизгача етиб келган мифлар, афсона ва ривоятлар, достонлар, эртак ва қўшиқлар ўтмишнинг шунчаки бир акс садоси эмас, балки халқ кўнглидаги қайғу-ҳасрат ва шодликнинг йўлдоши, унинг билим қомуси, унинг диний ва фалсафий китоби ҳамдир.

Энг қадимги фольклор намуналари ёзув юзага келмасдан анча олдин пайдо бўлган ва ёзма адабиётнинг вужудга келишига асос бўлган. Ҳар бир фольклор асари турли хил ижтимоий-иқтисодий босқичларни босиб ўтганлиги сабабли унинг шакл ва мазмунида янги-янги қатламлар юзага келади. Шу боисдан ҳам анъанавий фольклор намуналарини конкрет тарихий давр, воқеа ва шахслар фаолияти билан боғлаб ўрганиш мумкин эмас. Чунки фольклор халқнинг конкрет тарихи эмас, балки бадий тарихидир. Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги фольклор намуналари баъзи тарихий ёдгорликлар, илмий асар ва ёдномалар («Авесто», «Девону луғотит турк», юнон тарихчилари асарлари ва бошқалар) орқалигина бизга етиб келган.

Энг қадимги фольклор мифлар, жангнома типдаги афсоналар ва ривоятлар, эртак ва нақллар, қаҳрамонлик эпослари, қўшиқ ва мақоллар иборат.

Аждодларимиз томонидан яратилган фольклор асарлари ва урф-одатларида уларнинг анимистик ва тотемистик қарашлари излари ҳам сақланиб қолган.

Одамларнинг табиат ҳақидаги тасаввурида ўзини табиат кучлари ва ходисалари билан айнан бир нарса деб ҳисоблаши, жонсиз нарсаларга жонли сифатида қараши анимистик қараш дейилади. Анимистик қарашлар асосини қадимги инсонларнинг жон ва руҳлар ҳақидаги тасаввурлари, уларнинг жонли ва жонсиз табиатда яшаши ҳақидаги қарашлари ташкил қилади. Бундай тасаввур ва қарашларнинг излари эртакларнинг қадимий мотивларида сақланиб қолган. Масалан, «Ёрилтош» эртагида қизнинг мурожатидан кейин тошнинг ёрилиши мўъжизаси ва қизни бағрига олиши, «Ялмоғиз кампир» эртагида одамларнинг тошга айланиб қолиши, «Қилич

ботир»да қаҳрамоннинг жони қиличда эканлиги кабилар шулар жумласидандир.

Тотемизм эса ибтидоий жамиятда пайдо бўлган диннинг алоҳида шакли бўлиб, кўпинча одамнинг ҳайвон ёки ўсимлик, баъзан жонсиз нарса ёки табиат ҳодисалари билан алоқаси борлиги ҳақидаги ишонч-эътиқодни англатади. Туркий халқлар куёш, сув, оловга топинганлар, от, ит каби баъзи ҳайвонларга эътиқод қўйганлар. Тотем – у ёки бу уруғнинг эътиқод қўйган ҳимоячисидир. Ўзбек халқ эртаклари ёки достонларида қаҳрамонларнинг тақдири кўпинча унинг отига ёки қушларга боғлиқ бўлади. Инсон қийин ҳолатда, иложсиз қолганда, от ёки сеҳрли жонзотлар ёрдамга келади. Масалан, «Қирон ботир» эртагида парилар Қирон ботирни ва унинг хотинини керакли жойга кўз очиб юмгунча элтиб қўйган бўлса, «Бахт излаган йигит» эртагида балиқ одамни устига миндириб, дарёдан ўтказиб кўяди. Достонларда Рахш, Бойчибор, Ғирот каби отлар ўз эгаларига садоқат билан хизмат қилиб, хатарли дамларда уларни бало-қазолардан ҳимоя қилишади.

От култи қадимги кишиларнинг турмуш тирикчилиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, отларни хонакилаштириш, уларни иш ҳайвони сифатида хўжаликда фойдаланиш давомида юзага келган. Қадимги Бақтриядаги Зариасп, Хоразмдаги Ҳазорасп сингари жой номлари аслида от култига алоқадор бўлган уруғ номлари билан боғланади. Хуллас, тотемизм фақат диний қарашларнинг мажмуи бўлиб қолмасдан, балки қадимги аجدодларимиз дунёқараши, жамиятнинг ижтимоий тузилишини ҳам гавдалантиради.

Мифлар. Қадимги давр фольклорида ибтидоий тасаввурлар асосида яратилган мифлар алоҳида ўрин тутди.

Миф юнонча – сўз, ривоят деган маънони билдириб, дунёнинг пайдо бўлиши, табиат ҳодисалари, яратувчи маъбуд ва паҳлавонлар ҳақидаги афсоналардир. Мифологик қарашлар инсоннинг табиатни, олам сирларини билишга бўлган интилишининг натижаси сифатида пайдо бўлган. Дунёдаги яхшилик билан ёмонлик, нур билан зулмат, бахт билан бахтсизлик ўртасидаги курашлар бу курашларда эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси ҳақидаги қарашлар мифларнинг асосини ташкил қилади. Мифларда баён қилинишича, яхшилик оламига Ахурамазда, ёмонлик оламига эса Ахриман бошчилик қилади. Бахт ва бахтсизлик, ҳаёт ва мамот шу қарама-қарши кучлар ўртасидаги кураш ва унинг оқибатларига боғлиқ.

«Авесто»да талқин қилинишича, агар одамлар Ахурамазда юборган қонунлар ва ўғит-насихатларга амал қилсалар, имонли бўлсалар, эзгулик ёмонлик устидан, ёвузлик тимсоли бўлган Ахримандан ғолиб келадилар, дейилади.

«Авесто»да жамики эзгуликлар ниҳоятда улуғланган, ёмонликлар эса кескин қораланади. Унда «мадҳ этаман эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал ила эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амални. Жамиъ эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амалга бағишланаман, жумла ёвуз фикрат ёвуз калом ва ёвуз амаллардан юз бураман» дейилади.

Ҳаёт ва ўлим, ёруғлик ва қоронғулик, эзгулик ва ёвузлик, адолатли қонунлар билан адолатсиз қонунлар ўртасидаги кураш «Авесто»да бутун табиат ва жамиятга хос деб қаралган. Мана шу жиҳатдан «Авесто» хитойларнинг «Даосизм», ҳиндларнинг «Веда» каби диний-фалсафий китоблари билан муштараклик касб этади.

Масалан, «Даосизм» фалсафасига кўра гўзаллик ва ҳунуклик, баландлик ва пастлик, яхшилик ва ёмонлик, борлик ва йўқлик, узун билан калталиқ бир-бирини туғдиради, бирин-кетин келади, бир-бирига боғлиқ бўлади, табиатдаги барча мавжудот, барча ҳодисалар қарама-қаршиликларни ўз ичига олади. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги жангу-жадаллар эзгулик учун курашадиган Митра, Анахита, Каюмарс, Жамшид, Гершасп образида ва бахтсизлик ва ёвузлик тимсоли бўлган Ахриман, дев, ажда, жинлар билан боғлиқ мифларда ўз ифодасини топган.

Ахурамазда буюк яратгувчи куч, у оламларни ва одамларни, ҳайвонот ва набототни яратган. Ахриман эса бузғунчи куч, у инсонларга фақат фалокат келтиради. Ахриман ҳозирги исломий тушунча билан изоҳлайдиган бўлсак иблис – шайтонни лаиндир. «Авесто»да талқин қилинишича, *Мумра* кишиларга нур ва иссиқлик, бахт-саодат бахш этадиган, ёвузлик оламига даҳшат соладиган, кишиларни офатдан қутқарадиган қуёш маъбуди сифатида талқин қилинган.

Анахита ер, сув ва ҳосил маъбудаси, қаҳрамонларга куч-қувват ва муваффақият бахш этувчи илоҳий куч тимсоли. «Авесто»да Анахита забардаст, хушқомат, камарини белига маҳкам боғлаган, марҳаматли гўзал киз сифатида намоён бўлади. Ёвузликка қарши чиққан паҳлавонлар жанг олдида ғалаба қозонишини сўраб, илоҳий ҳомийга шундай илтижо қилганлар: «О, марҳаматли, забардаст Ардивисура, Анахита менга мадад бер, уч оғиз ва уч бошли, олти кўз ва минг хил кучлар султони баҳайбат Ажи Даҳок устидан ғолиб чиқай».

Анахита образи қадим даврларда ясалган тош ва сопол ҳайкалчаларда ҳам ўз ифодасини топган. Зардуштийлар сув ва ҳосилдорлик маъбудасининг бундай ҳайкалчаларини ўз уйларида, шунингдек, ибодатхоналарда сақлаганлар. Маросимлар чоғида унга сиғинганлар ҳамда Анахита шарафига ибодат қилиб, унинг учун қурбонлик маросимларини ўтказиб турганлар.

Анахита ҳақидаги мифга кўра кимда-ким эзгу ният билан қурбонлик келтирса, унинг илтимоси ижобат қилинади.

Мифларда талқин қилинишича, Каюмарс Ахурамазда яратган одам ва инсоният ибтидосидир. Каюмарс ҳақидаги афсоналар Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган бўлиб, унинг хилма-хил намуналари «Авесто», «Тарихи Табарий», Абу Райҳон Берунийнинг «Ўтмиш аждодлардан қолган ёдгорликлар», Фирдавсийнинг «Шоҳнома» каби асарларида сақланиб қолган. Мавжуд барча мифларда Каюмарс ер юзида пайдо бўлган дастлабки одам сифатида талқин қилинади. Каюмарс эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси ҳақидаги ибтидоий ишончнинг образли ифодасидир.

Жамшид ҳақидаги миф намуналари ҳам Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган. «Авесто»да талқин қилинишича, у адолатли подшо бўлган.

Жамшид ҳукмронлик қилган пайтларда мамлакатда қаҳратон совуқлар ҳам, жазирама иссиқлар ҳам бўлмаган. Ҳатто касаллик ва ўлим ҳам чекинган. У ер юзини уч барабар кенгайтириб, одамлар учун турли емишлар ва молларни кўпайтиради. Мамлакатни сув босганда тўғонлар қуриб, одамларни офатдан сақлаб қолади.

Жамшид образи кейинчалик ёзма адабиётга ҳам кириб келди. Жамшид ҳақидаги афсоналар «Шоҳнома» ва «Тарихи Мулки Аҷам» асарларидан ҳам ўрин олган.

Фирдавсий достонида Жамшид ўз ҳукмронлигининг дастлабки даврида адолатли, инсонпарвар подшо сифатида тасвирланади. Турли ҳарбий қурооллар кашф этади, шаҳарлар бино қилади, наврўз байрамини одат тусига киритади. Кейинчалик эса шайтоннинг макри туфайли мутакаббирликка берилиб ўзининг сурати билан бутлар ясаиб, одамларни ўзига сиғинишга буюради. Мана шу гуноҳ ишлари туфайли Аллоҳнинг қаттиқ жазосига гирифтор бўлиб Заҳҳок томонидан арра билан иккига бўлиб ташлаб ўлдирилади.

«Авесто»да талқин қилинган маъбудлар, паҳлавонлар ҳақидаги афсона ва мифларнинг излари халқ оғзаки ижодида сақланиб қолган. «Эр Хўбби» ҳақидаги миф шулар жумласидандир. Ушбу миф Хоразм ва Фарғонада кенг тарқалган. Мифда Эр Хўбби сув пири сифатида намоён бўлади.

Ҳикоя қилинишича, Фаридун ва ҳатто Жамшид даврларидан илгари дарёда Эр Хўбби деган йигит яшаган. Бу йигит дарёнинг илоҳий ҳомийси бўлган. Хўбби балиқ билан овқатланган, у бир қўли билан балиқ тутиб оларкан-да, уни узун қўллари билан қуёшга узатиб, пишириб ер экан. У етти юз йил давомида Амударёда яшаган. Бу вақт ичида ҳеч қандай инсу-жинслар, ёмон руҳлар, ҳатто чивинлар ҳам дарёга яқинлаша олмаган. Амударё тўлиб тошиб оққани туфайли халқ сувга маъмур ва фаровон яшаган. Жамшид тахтга чиқиши билан Хўбби дом-дараксиз ғойиб бўлган. Минг йил давомида Хўббининг онаси аза тутган ва у билан бирга дарё, саҳро, тоғ ва қоялар ҳам йиғлаган; одамлар, қушлар ва ҳайвонлар йиғлаган; осмонда фаришталар, ер остида девлар йиғлаган. Лекин одамлар Хўбби тирик, у қиёматгача яшайди ва бизга нажот беради, деган ишонч билан яшаганлар.

Ўрта Осиё халқлари орасида қадимда ер, осмон, қуёш ва бошқа сайёралар ҳақида космогоник мифлар вужудга келган. Уларда кишиларнинг табиий муҳит, коинот, самовий ҳодисалар ҳақидаги ўй-фикрлари, ҳаёлотлари ифодаланган. Инсонлар қисмати, тақдирини юлдузларга қараб башорат қилиш мумкинлиги, бахт юлдузи ҳақида қанчадан-қанча афсона ва ривоятлар яратилган. Мифологияда инсонларга ризқ берадиган ер, нур ва иссиқлик берадиган осмон бениҳоя улуғланган, ота қуёшга, она эса ойга қиёсланган.

Ўрта Осиёда неча минг йиллар оша юзага келган тарихий тараққиёт давомида миф ва афсоналар ижодий қайта ишланган, янги-янги воқеа ва маълумотлар, фикр-тушунчалар ва ғоялар билан бойиб, такомиллашиб инсоният маънавий маданиятига ҳисса бўлиб қўшилган.

Халқ орасида оғиздан оғизга кўчиб юрган мифологик образлар кейинчалик қаҳрамонлик типига эрта ва дostonларнинг яратилишига асос

бўлди. «Тўмарис», «Широқ», «Зариadr ва Одатида», «Зарина ва Странгия», «Уч оғайни ботирлар», «Қаҳрамон», «Алпомиш», «Қирққиз», «Гўрўғли», «Ойсулув» каби эпик асарлар шулар жумласидандир.

Қаҳрамонлик типига бу асарларнинг асосий негизини ташкил этадиган умумий ғоя – инсон учун жондан азиз ҳисобланган муқаддас даргоҳ – Ватаннинг истиқлоли, истиқболи, эрки ва мустақиллиги учун чет эллик босқинчиларга нисбатан мурасасиз курашиш ҳар эрқагу аёлниги, каттаю кичикнинг олий инсоний бурчи эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалардир.

Ҳазар денгизидан тортиб, Орол бўйига қадар чўзилган катта минтақада яшаган узоқ аجدодларимиз бўлган сак ва массагет қабилалари тарихий манбалардаги маълумотларга қараганда¹ чорвачилик ва деҳқончилик билан кун кечирувчи мағрур ва жанговар қабилалар бўлган. Тарихий воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда юзага келган жангнома типига «Тўмарис» ва «Широқ» каби тарихий ривоятлар ушбу фикрларнинг ёрқин далили бўла олади.

«Тўмарис» ҳақидаги ривоят: Геродотнинг «Тўққиз китобдан иборат тарих» асарида битилган бўлиб, унда массагетлар ҳукмдори бўлган бу жасоратли аёлниги мардлиги, унинг босқинчи аҳмоний шоҳларидан бири Кирга қарши ўз қабиласининг мустақиллиги учун, ор-номус йўлида олиб борган жанглари, ғалабаси ҳақида ҳикоя қилинади. Бу маълумот биз учун узоқ ўтмишда ота-боболаримизнинг, жасоратли аёлларнинг ўз озодликлари учун олиб борган мардонавор курашларини акс эттирувчи асарлари билан қиёсий ўрганишда нодир манба бўлиб ҳисобланади.

Геродотнинг (484-425) «Тарих» китобида ҳикоя қилинишича, Эрон шоҳи Кир массагетлар юртини ўзига қарам қилиш, бойликларини талаш мақсадида Тўмарисга уйланмоқчи бўлиб, элчилар жўнатади. Малика шоҳнинг асл мақсадини тушуниб, унга қайлиқ бўлишни, ўз элини қул қилиб топширишни истамаслигини қатъий қилиб айтади. Шундан сўнг Кир очик тажовуз йўлига ўтади ва массагетлар томон қўшин тортади. Шоҳ дарёдан ўтиш учун кўприклар қурдира бошлайди. Унинг бу хатти-ҳаракатидан хабардор бўлган Тўмарис Кирга элчи юбориб шундай дейди: «Эй шоҳ қилаётган ишингни тўхтат! Ҳали сен бошлаган ишингнинг қандай тугашини билмайсан-ку!? Қўй, сен ўз юртингда подшоҳлик қилавер, бизни ҳам ўз ҳолимизга қўй. Лекин сен бунга кўнмайдиган кўринасан. Агар биз билан куч синашмоқчи бўлсанг, у ҳолда кўприклар қуриб овора бўлма, биз дарёдан уч кунлик нарига кетамиз, сен бизнинг еримизга ўт, ёки ўз юртингда учрашишни истасанг, шуни хабар қил».

Тўмарис раҳбарлигидаги массагетлар Эрон қўшинлари билан бўлажак қонли тўқнашувга, ҳаёт-мамот жангига ҳозирлик кўра бошлайдилар. Кир эса ҳийла найранг билан Тўмариснинг ўғли Спарганис бошлиқ бир гуруҳ массагетларни асир қилиб олади. Тўмарис ғазаб билан: «Эй, қонхўр Кир! Қилган ишинг билан мақтанмай қўя қол! Сен менинг ўғлимни юзма-юз

¹ Қаранг: Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т.: 1964, 112-117-бетлар;
Геродот. История в девяти книгах. Издание второе. Т-1 М.: 1988, стр. 113-114.

жангда енганинг йўқ, уни маккорлик билан шароб ичириб қўлга туширдинг. Энди менинг насиҳатимга кир, ўғлимни менга топшириб, зиён-заҳматсиз келган ерингга қайтиб кет! Агар сўзимга кирмасанг, массагетлар тангриси Қуёш номи билан қасамёд қиламанки, мен сендай очкўз юҳони қон билан суғораман», - дейди.

Кир бу сўзларга аҳамиятсиз қарайди. Тўмариснинг ўғли ўзига келиб, алданганини билади ва ор-номусга чидай олмай ўзини-ўзи ўлдиради.

Тўмарис ҳаёт-мамот курашига киради. Қўшинлар ўртасида қонли жанглар бошланади. Узоқ давом этган тенгсиз жангларда оз сонли массагетлар Кирнинг сон-саноксиз қўшинлари устидан ғалаба қозонадилар. Жангда Кирнинг ўзи ҳам ҳалок бўлади. Фарзанд доғида қолган она – Тўмарис бир мешни инсон қони билан тўлдиради ва Кирнинг калласини қонли мешга тиқиб, шундай дейди: «Сен маккорлик билан мени ўғлимдан жудо қилиб, қайғуга солдинг. Мен ўз онтимга амал қилиб сени қонга тўйдираман».

Ривоятда талқин қилинган Тўмарис тўғрисўз, инсонпарвар ва адолатли, доно ва тадбиркор аёл сифатида гавдаланади. Қабила мустақиллигини сақлаб қолиш асарнинг мавзусини, босқинчилик сиёсатини қоралаш асарнинг ғоявий мазмунини ташкил этади.

Ўзбек халқ эпоси сирасида массагетлар ҳаёти билан боғлиқ қадимий тарихий сюжетлар деярли сақланиб қолмаган. Аммо ўтмишда бу қабилаларнинг эркин ва фаровон ҳаёти, кураш ва интилишларини акс эттирган жуда кўп асарлар яратилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай асарлар эпик анъана орқали бизга қадар етиб келмаган бўлса-да, уларнинг характерини белгилашга имкон берувчи айрим сюжетларнинг излари сақланиб қолган. Фольклоршунос олимларнинг фикрича, Тўмарис ривоятининг бизга қадар оғзаки етиб келган ягона варианты «Ойсулув» достонидир.¹ Албатта, «Ойсулув» достони Тўмарис тарихининг тўла ва айнан ифодаси эмас. Бироқ, унда муайян тарихий воқеаларнинг излари бадиий ифодаланган. Шу жиҳатдан қаралса, массагетларнинг ҳукмдори гўзал Ойсулув образида ўз ифодасини топганлиги, тарихий шахс Кирнинг Тўмарисга кўнгил қўйганлиги достондаги паҳлавон Қайсарнинг Ойсулувга ошиқлиги билан мос келади. Массагетлар қўшинининг бошлиғи Тўмариснинг ўғли Спарганиснинг ҳийла билан қўлга олиниши достондаги Ойсулувнинг ўғли туронликларнинг лашкарбошиси Кунботирнинг банди қилинишига ўхшаб кетади. Бироқ достонда Кунботир тақдири халқ эпосига хос анъана асосида бутунлай бошқача ҳал қилинган. Паҳлавон Қайсарнинг кизи Офтобойнинг ёрдами натижасида Кунботир бандиликдан, Доро қатлидан қутулади. Бу ҳол «Ойсулув» достонининг массагетлар тарихи билан боғлиқ ҳолда яратилиб, узоқ вақтлар мобайнида турлича талқинларга учраган ҳолда бизгача етиб келганлигини инкор қилишга асос бўла олмайди.

¹ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. М.: 1947, стр. 128-131; Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. Т.: «Фан», 1991, 18-19-бетлар.

Ватанни ҳимоя қилиш, эрксеварлик, юртпарварлик руҳи аجدодларимизнинг қон-қонига сингиб кетганлиги **Широқ** ҳақидаги тарихий ривоятда ҳам чуқур ва ҳар томонлама очиб берилган.

«Широқ» ривоятининг юзага келишига Эрон шоҳи Доро билан Шак қабилалари ўртасида юз берган тарихий жанглар асос бўлган. Бу ривоятнинг қисқа мазмуни юнон тарихчиси Полиэннинг «Ҳарбий ҳийлалар» китобида келтирилган. Китобда нақл қилинишича, эрадан бурунги V аср охирларида Доро бошчилигидаги Эрон қўшинлари Турон элига бостириб кириб, унинг ҳудудидаги турли уруғ ва қабилаларни бирма-бир босиб ола бошлайди. Шак ҳукмдорлари Саксфар, Омарг, Тамарис ҳарбий ҳолатни ўзаро муҳокама қилиб турган пайтда уларнинг олдида Широқ номли отбоқар келиб, агар болалари ва оиласининг тирикчилиги таъминланса, Доро қўшинларига қарши бориб, уни енгишини айтади. Уларнинг ваъдасини олгач, Широқ ўша ердаёқ кулоқ бурнини кесади. Сўнг шаклардан Эрон қўшинлари томонга қочиб ўтган киши сифатида эронийлар турган жойга келади. Широқ Дорога арз қилиб ўзини шаклардан алам кўрган киши қилиб кўрсатади. Эрон қўшинини йўлга бошлайди. Атрофи сувсиз қуруқ қум саҳрога бошлаб боради. Душман қўшини сувсизликдан саҳрода ҳалок бўлади. Шу тариқа душманни якка ўзи енгади. Широқ ўз эл-юртини ҳимоя қилиш учун жонидан кечади. Борса келмас жойга келиб қолганини билган иложсиз ва мағлуб босқинчи Дорога қарата Широқ шундай дейди: «Мен ғалабани қўлга киритдим, чунки ватандошларим бўлган шаклар бошидаги фалокатни бартараф этдим, эронийларни сувсизлик ва очликдан ўлдирдим». Шак элининг мард ғўлони ўзининг оқилона тадбирини амалга ошириб душманлар қўлида ҳалок бўлади. Лекин қабиласи ва шаклар қўшини омон қолади.

Қадимги қўшиқлар. Туркий халқларнинг қадимги оғзаки ижодини ўрганишда айниқса, XI асрнинг машҳур тилшунос олими Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари муҳим аҳамиятга эга. «Девон»да Хитойдан Хоразмга қадар бўлган ҳудудларда яшаган уруғ ва қабилаларнинг тили ўрганилади, текширилади.

Тил ўрганиш асносида Маҳмуд Қошғарийнинг тўплаган афсона, мақол ва қўшиқлари мана шу ерда яшаган уруғ ва халқларнинг энг қадимги даврдаги оғзаки ижод намуналаридир. «Девони луғотит турк»даги қўшиқларни асосан, овчилик, чорвачилик, мавсум-маросим ва қаҳрамонлик қўшиқлари ташкил этади. Меҳнат қўшиқлари аجدодларимизнинг маънавий ва меҳнат фаолиятининг самараси сифатида юзага келган бўлиб, улар меҳнат жараёнини тасвирлаш билан бирга, кишиларнинг тинч ва фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу-умидлари ва кечинмалари ҳам акс эттиради.

«Девон»да айниқса, овчилик билан боғлиқ қўшиқлар катта ўрин эгаллайди:

Чағри бериб қушлату,
Той ғон изиб тишлату,
Тилки, тўнғиз тошлату,
Ардам била ўклатим.

Мазмуни:

Ов қушларин ушлатиб,
Тулки, тўнғиз тишлатиб,
Итларимиз ишлатиб,
Хунар билан гердайдик.

«Девон»даги қўшиқларда халқнинг ҳаёт тажрибалари, баҳор, ёз, қиш фасллари, табиат ҳодисалари билан боғлиқ руҳий кечинмалари акс этган. Мавсум билан боғлиқ қўшиқларда одамларга хос хусусиятларни табиат ҳодисаларига боғлаб талқин қилиш усуллари кўзга ташланади. Йил фаслларида ҳам инсонга хос жон, яхши ва ёмон хусусиятлар бор деб, тасаввур қилинган. Шунинг учун ҳам қиш мавсумида халқнинг маъюслиги ва зорланиши, ёз мавсуми талқинида эса шодлик ва хушнудлик кайфиятлари сезилиб туради. Бу хилдаги қўшиқларда қиш ва ёз жонлантирилади, бир-бирига зид қўйилади, улар тасвирида яхши-ёмон хусусиятлар таъкидланади:

Қиш ёй била тўқушти,
Қинир кўзунуғ бақишти,
Тутушқали яқишти,
Утғалимат ўғрашур.

Мазмуни:

Ёз билан қиш тўқнашди,
Қинғир кўзла боқишди,
Бир-бирини тутишга интилишди,
Бир-бирини ютишга тиришишди.

Қиш билан ёз ўзаро мунозара қилиб, улардан ҳар бири ўз фазилати билан мақтаниб, иккинчи томонни камситади:

Қиш ёйғиру сувланур,
Эр ат манин явруюр,
Иклар ема савруюр,
Ат йин тақи тағришур.
Санда кўпар чазанлар,
Кўзғу сингак, йиланлар,
Дук минг қую туманлар,
Қузруқ тикриб югрушар.

Мазмуни:

Қиш ёз билан тортишур,
Эр от менда ортишур,
Касалликлар қайтишур,
Куч қувватга тўларлар.
Сенда барча ёмонлар,
Чивин, пашша, илонлар,
Думи гажак чаёнлар,
Ҳамла қилиб югурушур.

Ўз навбатида ёз ҳам, қишнинг камчиликларини айтиб ўз фазилатларини мақтайди:

Балчиқ балиқ югурулур,
Жиғой ёвуз йиғрилур,
Арингаклари ўғрулур,
Ўзғуч била овришур.

Санда қочар сундилач,
Манда тинар қарғилач,
Татмағ ўтар сундувач,
Эркак тиши учрашур.

Мазмуни:

Балчиқ ҳамма ёқни қоплайди,
Камбағал, юпунлар қийналади
Бармоқлари совқотиб
Оғиз ели билан иситадилар.

Сендан саъвалар кетар,
Менда қалдирғоч тинар,
Булбуллар сайраб қўнар,
Нару мода учрашар.

Мазкур қўшиқларда ҳаёлий дунёқараш билан бир қаторда ҳаёт ва инсон улуғланади, ҳар бир фаслнинг ўзига хос хусусияти ёрқин лавҳаларда очиқ берилади. Баҳор келиши билан табиатда содир бўладиган уйғониш, теваарак атрофнинг кўм-кўк майсалар билан қопланиб, гулларнинг очилиши, рутубатли совуқ киш кунларидан қутилган кишиларга завқ уйғотади.

Турли чечак ярилди,
Барчин язим қарилди,
Учмоқ яри кўрулди,
Тумлуғ яна калгусуз.

Мазмуни:

Турли чечаклар очилди,
Ер юзи кўк гиламларга буркалди.
Жаннат ери кўринди,
Совуқ қайтмас бўлиб кетди.

«Девону луғотит турк»да жангнома характеридаги қўшиқлар ҳам мавжуд. Уларда баҳодир, мард йигитларнинг қахрамонликлари тасвирланади. «Девон»даги бу хилдаги қўшиқларга дастлаб ўзбек миллатининг фидоийларидан бири бўлган Фитрат алоҳида эътибор билан қараб, уларни муайян сюжетга эга бўлган эпик асарларнинг парчалари эканлигини аниқлаган эди. «Девону луғотит турк»даги Фитрат томонидан тикланган «Бир уруш майдони ҳақида», «Овдан урушга», «Тангут бегининг уруши», «Уйғурлар билан уруш», «Уч уруш» каби жангу жадаллар эпизоди берилган қўшиқлар туркий халқлар қадимги эпосининг сақланиб қолган парчалари эканлиги ҳақида баъзи фикр-мулоҳазалар мавжуд.¹

Аран ориг урнашур,
Учин какин ирташур.

¹ Қаранг: Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. Т.: «Фан», 1991, 29-55-бетлар.

Соқол тутиб тортишур,
Кўкси оро ўт тутар.

Мазмуни: ботирлар ғазабландилар, гина билан ўч олиш мақсадида майдонга чиқдилар. Бир-бирининг соқолидан тутиб тортишдилар. Юракларига олов туташган эди.

Демак, икки томон лашкарларидан майдонга тушган ботирларнинг ғазаб ва нафрат билан бир-бирларига ташланиши юқоридаги тўртликнинг мазмунини ташкил қилади. Навбатдаги тўртлик эса ўша жангнинг кечиш жараёнини ифодалайди:

Олплар ориғ олқашур,
Куч бир қилиб орқашур.
Бир-бир уза олқашур,
Азгарлазиб ўқ отор.

Мазмуни: ботирлар бир-бирларини бутунлай йўқ этдилар, кучларини бирлаштирмоқ учун ўзаро орқа таянадилар. «Ҳай баракалла» деб бир-бирларини алқайдилар, ҳеч ўйламасдан ўқ отишадилар.

Маълум бўляптики, майдонга тушган ботирлар бир-бирлари билан басма-бас келиб жанг қилмоқдалар. Тарафлар чарчаб қолганларида шерикларига таяниб куч йиғиб оладилар. Тасвир ўз характери билан Ўғуш қабиласининг ўзини ҳимоя қилиш учун олиб борган тарихий жангларнинг реал ифодаси сифатида таассурот қолдиради.

«Девону луғотит турк»да халқ оғзаки ижодига хос марсия жанридан парчалар келтирилган. Марсиялар жанг майдонида мардона курашиб ҳалок бўлган қаҳрамонларга бағишланган. Алп Эртўнгага бағишланган марсияларда инсон қалбининг чуқур изтироблари, айрилиқ азоблари акс этган. Баъзи манбаларда Алп Эртўнга эрамиздан олдинги VI асрларда туркийлар тарихида дастлабки давлатни барпо этган, афсонавий баҳодир сифатида талқин қилинади.

Маҳмуд Қошғарий «Девону луғотит турк» асарини ёзиш учун Ўрта Осиёда яшайдиган қабилаларни кезиб чиқаркан Алп Эртўнгага бағишланган марсияларни халқ оғзидан ёзиб олади.

Алп Эр Тўнга ўлдими,
Ёмон дунё қолдими,
Замон ўчин олдими,
Энди юрак йиртилур.

Замона фурсат кузатди,
Ўғри тузоқ узатди,
Беглар бегини оздирди,
Унинг қўлидан қандай қочиб қутулди.

Замона кучсизланди,
Ёмон, ёвузлик кучайди,
Фазилат соврулиб битди,
Дунё беги қўлдан кетди.

Улушиб эрлар бўрилардай,
Ёқа йиртиб қичқирдилар,

Ашула айтиб нола қилдилар,
Сиктагани чун кўрмай қолди.¹

Шундай қилиб, ибтидоий дунёқараш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган қадимги фольклор намуналари аجدодларимизнинг ҳаёт тарзи, кураш ва интилишлари, урф-одатлари, орзу-умидлари ҳақида муайян тасаввурлар ҳосил қилади. Энг қадимги даврларда яратилган фольклор асарлари кейинчалик янги-янги афсона, ривоят, эртак ва достонларнинг яратилишига замин бўлди.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Қадимда Ўрта Осиё халқлари яратган моддий ва маънавий қадриятлар деганда нимани тушунаси?
2. Қадимги фольклор намуналари бизни нималардан хабардор қилади?
3. Анимистик қарашлар ҳақида маълумот беринг.
4. Тотемистик қарашларни қандай изоҳлайсиз?
5. Қадимги мифлар ва мифологик образлар ҳақида маълумот беринг.
6. Мифларнинг ғоявий асосини нималар ташкил қилади?
7. Қаҳрамонлик эпослари ҳақида маълумот беринг.
8. Бизгача (тўлиқ бўлмаса ҳам) етиб келган қаҳрамонлик характеридаги афсона ва ривоятларнинг аҳамияти нимада?
9. Қадимги қўшиқлар ва уларга хос хусусиятлар нималардан иборат?
10. Қадимги давр фольклорининг илмий, маърифий ва маънавий аҳамияти ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?

Адабиётлар:

1. К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Ўқитувчи», 1990.
2. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. Т.: «Фан», 1991.
3. Насимхон Раҳмон. Турк ҳоқонлиги. Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993.
4. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, 1-том, Т.: «Фан», 1988.

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИНИНГ ЖАНРЛАР ТИЗИМИ

Қадимги юнон файласуфи Аристотель (эрадан ол. 384-322) «Поэтика» асарида адабиёт асарларини уч гуруҳга ажратиб тасниф қилади ва уларга хос хусусиятларни белгилайди. Кейинчалик немис файласуфи Гегель (1770-1831) ва таниқли рус танқидчиси В.Г.Белинскийлар (1811-1848) ҳам Аристотель қарашларини ривожлантириб бадиий ижоднинг уч тури – эпос, лирика ва драма мавжудлигини эътироф этадилар.

Адабий турларнинг бу таснифи «Поэтика»дан бошланган бўлиб, ҳозиргача илмий таомилда кенг қўлланиб келинмоқда.

¹ Алп Эртўнга ҳақидаги марсия қадимги туркий тилдан ҳозирги ўзбек тилига Насимхон Раҳмон томонидан ўгирилган. Қаранг: Раҳмон Н. Турк ҳоқонлиги. Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993, 5-6-бетлар.

Шу нуқтаи назардан қараганда фольклоршунослик ҳам фольклор жанрларини шу уч адабий тур доирасида ўрганиб келади. Тур тушунчаси кенг маънога эга. У ўз ичига турли жанрларни қамраб олади. Турлар воқеликни тасвирлаш характериға кўра бир-биридан фарқ қилади. Эпос воқеликни объектив ҳолда сюжетли-ҳикоявий шаклда акс эттирса, лирика субъектив ҳолда инсоннинг воқеликдан олган таассуротларини, ички кечинмаларини тасвирлайди; драма эса персонажлар нутқи ва ҳаракати орқали ҳаёт лавҳаларини акс эттиради.

Профессор Б.Саримсоқовнинг фикрича, адабиётдаги ушбу уч турни фольклор асарларига ҳам қўллаш мумкин, лекин бу уч адабий тур доирасига сиғмайдиган, фақат фольклорға хос мақол, топишмоқ, турли хилдаги айтимлар, олқиш ва қарғишлар алоҳида тур сифатида ажратиб ўрганилмоғи лозим.¹ Шу нуқтаи назардан олим ўзбек фольклори жанрлари таркибини қуйидаги турларға ажратади:

1. Эпос: афсона, нақл, ривоят, эртак, достон, терма, тарихий қўшиқ, латиға, лоф;
2. Лирика: севги-муҳаббат қъшиқлари, маросим қўшиқлари, меҳнат қўшиқлари, лапарлар;
3. Драма: оғзаки драма, кулги ҳикоя, қўғирчоқбозлик, аския;
4. Махсус тур: оддий ўтириш олқишлари, қарғиш, сўкиш, мақол, матал, топишмоқ ва бошқа хилдаги юмуқ иборалар.

Ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби бой ва хилма-хил бўлиб, бошқа халқлар фольклорининг жанрлар таркибидан фарқ қилади. Шунингдек, унда ҳамма халқлар фольклорида учровчи умумфольклор жанрлари – эртак, мақол ва топишмоқ мавжудлигига қарамай, руслардаги билина, скандинавияликлардаги саға, олтойликлардаги қайлардан фарқ қилувчи достон жанри бор. Лоф ва аския қабилар, асосан ўзбек фольклорига хос жанрлардир. Бир неча халқлардаги бир-бирига ўхшаш жанрлар ҳам характер хусусиятларига кўра ўзаро фарқ қиладилар. Бу хусусият ҳар бир халқнинг тарихи, урф-одати, маиший турмуши, орзу-умидлари, диний эътиқоди, дунёқарашининг ифодаси бўлган фольклорнинг ўзига хослиги билан изоҳланади.

Ўзбек фольклорида мавжуд барча жанрларнинг мажмуи тарихан вужудға келган ягона бадиий тизим бўлиб, хилма-хил типдаги асарларнинг мураккаб ва ўзига хос алоқалари ҳамда ўзаро таъсири замирида бунёд топган. Жанрлар тизимининг шаклланиши ва мавжудлиги фольклор тараққиётининг энг муҳим қонуниятларидан бири ҳисобланади.

Ўзбек фольклорининг жанрлар тизими, биринчидан, улардаги ғоявий-бадиий принциплар умумийлигига; иккинчидан, уларнинг тарихан тараққий этган ўзаро муносабатларига; учинчидан, жанрлар тарихий тақдиридаги умумийликка боғлиқ ҳолда вужудға келади.

¹ Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг жанрлар состави. //Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик, 1-том. Т.: «Фан», 1988, 64-85-бетлар.

1. Жанрлардаги ғоявий-бадiiй принциплар умумийлиги. Ҳар бир жанр моҳиятини белгиловчи фарқли хусусиятларга қарамай, уларни муштарак этувчи жиҳатлар ҳам мавжудки, ана шу муштараклик уларни ягона тизимга бўйсундиради. Булар қуйидагилардан иборат:

а) ўзбек халқ оғзаки ижодиётидаги барча жанрлар ғоявий моҳиятига кўра ўзаро муштарак бўлиб, уларнинг ҳаммасида ҳам халқ ҳаёти, руҳияти, орзу-умидлари, шодлик ва кулфатлари ифодаланган;

б) фольклор жанрлар орасидаги ўзаро алоқа уларнинг воқеликни акс эттиришдаги муштараклигида ҳам кўринади. Ҳар бир жанр ўз хусусиятидан келиб чиқиб ҳаётнинг маълум бир томонини ифодалайди. Масалан, маълум бир гуруҳдаги жанрлар халқ тарихини акс эттиради: достон, тарихий кўшиқ, ривоят, афсона кабилар. Бошқа бир гуруҳдаги жанрлар халқ турмуши ва меҳнатини ифодалайди: меҳнат кўшиқлари, маросим кўшиқлари ва ҳоказо. Лирик кўшиқлар шахсий инсоний кечинмаларни акс эттирса, мақол ва нақллар халқнинг ахлоқий қарашлари ва ҳаёт тажрибаларидан олган сабоқларини ифода этади;

в) фольклор жанрлари ғоявий муштараклиги, шунингдек, воқеликни ифодалашдаги вазифасининг муштараклиги уларда мавзу, сюжет ва қаҳрамонлар ўхшашлигини, умумийлигини юзага келтирган;

г) фольклор жанрлари учун халқ эстетик принциплари ҳам умумийдир: соддалик, қисқалик, ихчамлик, сюжетлилиқ, табиатни поэтиклаштириш, қаҳрамонлар ахлоқий баҳосининг аниқлиги (ижобий ва салбий)ни таъминлаган;

д) халқ оғзаки ижоди жанрлари бадiiй-тасвирий воситалар тизимининг умумийлиги билан ўзаро алоқадордир: рамзлари, мажозийлиги, сифатлашдаги ўзгачаликлари ҳам муайян тизимни ташкил этади.

2. Жанрларнинг ўзаро муносабатларига оид муштаракликлари. Жанрларнинг ўзаро муносабатлари ғоят мураккаб жараён бўлиб, у ўзаро таъсир, бир-бирига мувофиқлашиш ва бир-бирини бойитиш тарзида кечади.

а) Жанрларнинг генетик алоқаси. Фольклордаги ҳар бир жанрнинг юзага келишида иккинчи бирининг манбалик вазифасини ўташи, генетик алоқанинг асосий хусусияти ҳисобланади. Масалан, достон жанрига мансуб айрим намуналарнинг юзага келишида халқ эртаклари манба бўлган, ўз навбатида, достонлар заминида тарихий кўшиқ жанри юзага келган. Фольклоршуносликдаги фикр-мулоҳазаларга қараганда мақол нақлнинг якуний ҳулосаси сифатида юзага келган;

б) бир жанрга мансуб асарнинг, бошқа бир жанрдаги асар таркибида учраши. Фольклордаги бу хусусиятни мақол жанрининг достон, эртак ёки кўшиқ таркибида учратиш мумкинлигида кўриш мумкин. Баъзи эртакларда эса қаҳрамоннинг ақл-фаросатини синаш шарти сифатида топишмоқлар учраса, достонлар таркибида йиғи-йўқлов кўшиқларидан айрим намуналарни учратиш мумкин. Баъзан эса ёзма адабиётга хос жанр – ғазал ҳам учраши мумкин;

в) бир асарнинг бир неча жанр таркибида учраши. Жанрларнинг узок муддат давомида мавжудлиги уларнинг ўзаро қўшилилувига ёхуд бирор

асарнинг биридан иккинчисига ўтишига йўл очади. Масалан, аслида, йиғи-йўқлов намунаси бўлган тубандаги тўртлик алла жанрига ўтган:

Нидо қилдим, нидо қилдам, алла,
Сени йўқдан бино қилдим, алла,
Бу йўлда дўсту душманга алла,
Ўзимни ошино қилдим, алла.

Тўртликнинг жанрдан жанрга кўчиши сабаби шундаки, йиғи-йўқлов таркибида у жудолик изтиробини ифодалаган бўлса, аллада бу мотив фарзандсизлик алами мазмунини ифодалаган.

3. Жанрлар тарихий тақдирдаги муштараклиги. Ўзбек фольклори жанрлари бирданига ва бир вақтда юзага келмаган. Фольклорнинг энг қадимий жанрлари – миф, афсона, ривоят, сўз сеҳрига асосланган қўшиқлар, шунингдек, Суст хотин, Чой момо сингари мавсумий маросим қўшиқлари, улардан кейинги босқичда эса, эртак, достон, мақол ва топишмоқ, улардан кейин латифа, лоф халқ драмасы, аския, тарихий қўшиқ каби жанрлар юзага келган. Тарихан шу тахлитда шаклланган ўзбек фольклорининг жанрлар тизими ўз тараққиёти давомида ривожланди, такомиллашди ва хатто сўниш жараёнларини ҳам кечади.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Фольклор асарлари қандай тур ва жанрларга бўлинади?
2. Махсус тур деганда қандай жанрлар назарда тутилади?
3. Фольклор жанрларидаги ғоявий-бадий принциплар умумийлиги нималардан иборат?
4. Жанрларнинг ўзаро муносабатларига оид муштараклик деганда нимани тушунаси?
5. Жанрларнинг генетик алоқаси ҳақида тушунча баринг.
6. Жанрлар тарихий тақдиридаги муштараклик ҳақида маълумот беринг.

Адабиётлар:

1. К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Ўқитувчи», 1990.
2. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, 1-том, Т.: «Фан», 1988.

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Ҳар бир халқ асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тўплайди, шу тажрибани турли воситалар билан келажак авлодга мерос қилиб қолдиради. Мақол ва ҳикматли сўзлар ана шундай бебаҳо маънавий меросимиз ҳисобланади.

Ўзбек халқ мақоллари мукаммал бадиий ижод намунаси сифатида фольклоршунослар, адабиётшунослар томонидан ўрганилган ва ўрганилмоқда. Чунончи, бундан минг йиллар олдин яратилган «Девону луғотит турк» асарида халқ мақолларидан юзлаб намуналар келтирилган ва бу мақоллар XI асрнинг қомусий олими Маҳмуд Қошғарий томонидан ўрганилган, изоҳланган. Ўтган даврлар мобайнида ўнлаб мақоллар тўпламлари чоп этилди: «Ўзбекча оталар сўзи» (1924), «Мақоллар ва ҳикматли сўзлар» (1939), «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» (1947), «Ўзбек халқ мақоллари» (1978), «Ўзбек халқ мақоллари» (2 жилдлик, 1987-88) кабилар шулар жумласидандир. Халқ мақолларини тўплаш ва ўрганишда Ҳоди Зарипов, Буюк Каримов, Ғози Олим Юнусов, Ғулом Зафарий, Мансур Афзалов, Охунжон Собиров, Зубайда Хусаинова, Ғани Жаҳонгиров, Тўра Мирзаев, Баҳодир Саримсоқов, Малик Муродов, Иброҳим Ҳаққулов, Асқар Мусоқулов каби олимларнинг ҳиссаси каттадир.

Халқимиз минг йиллар давомида доно фикрни, ўткир ҳақиқатни, теран мазмунни, сўз хазинасининг гавҳарларини ўзида мужассамлаштирган сон-саноксиз мақоллар яратган. Уларнинг кишилик жамияти ва ҳар бир инсон ҳаёти учун нақадар қимматли аҳамиятга эга эканлигини жаҳон донишмандлари қадим-қадимдан эътироф этиб келганлар. Милоддан аввалги IV асрларда яшаган юнон мутафаккири Аристотель халқ ҳикматларини юксак баҳолар экан, «барча кишиларнинг кучи овқатдандир, ақлнинг кучи эса ҳикматдандир», - дейди.

Бундан ўн аср муқаддам яшаган донишмандлардан бири Унсур ал-Маолий Кайковус эса «Қобуснома» асарида шундай дейди: «Эй фарзанд, умидим шуки, сен шу пандларни қабул қилгайсен. Бу билан мен оталик вазифасини бажо келтирган бўлурман. Билгилки, халқнинг расми-одати шундайки, югуриб-елиб, қидириб-ахтариб, дунёдан бирор нарса ҳосил қиладилар ва бу топган нарсаларини ўзларининг яхши кўрган кишиларига қолдириб кетадилар».

Дарҳақиқат, аждодларимизнинг асрлар давомида ҳаёт тажрибалари асосида югуриб-елиб, қидириб-ахтариб топган энг ноёб нарсаларидан бири бу буюк тафаккур маҳсули бўлган халқ мақолларидир.

Мақол қадимдан халқ донишмандлиги, ақл-заковатининг ифодаси сифатида юзага келган. Мақолларни «Ҳаёт қомуси», ўзига хос бир бадиий-тарихий солнома дейиш мумкин. Улар кишиларнинг ақлини ўткирлаштиради, нутқини равшан ва таъсирчан қилади, ҳаётда тўғри йўлни танлай билишга, ҳаётий жумбоқлар ва муаммоларни тўғри ечишга ўргатади, турмушнинг жамики катта-кичик масалалари хусусида қимматли маслаҳатлар беради:

Онаси мақтаган қизни олма,
Янгаси мақтаган қиздан қолма.

х х х
Бирни кессанг, ўнни эк.
х х х
Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин.
х х х
Меҳнатдан қўрқма, миннатдан қўрқ.

Огоҳлантиради:

Бировга кулмагин зинҳор,
Сенга ҳам кулгувчилар бор.
х х х
Шошган қиз эрга ёлчимас.

х х х
Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан.
х х х
Икки шунқор урушса, бир қарғага ем тушар.

Танбеҳ бериб шошма-шошарлик билан хулоса чиқармасликка ундайди:

Чолни кўриб бувам дема.

х х х
Бир қарға билан қиш келмас.
х х х
Санамай саккиз дема.

Мақоллар меҳнатсеварликни улуғлайди:

Интилганга толе ёр.
х х х
Ишлаганнинг оғзи ошга тегар,
Ишламаганнинг боши тошга тегар.

х х х
Дарё сувини баҳор тоширар,
Одам қадрини меҳнат оширар.
х х х

От суринмай йўл топмас,
Йигит уринмай мол топмас.
х х х
Юк кўтарган – юзага чиқар.

Мақоллар халқ идеалига тўғри келмайдиган ярамас иллатларни танқид қилади:

Иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулар.

х х х

Ўйламай гапирган – оғримай ўлар.

х х х

Ясанчоқ мардона бўлмас,

Капалак парвона бўлмас.

х х х

Совуқ-совуқ сўзласанг, қилич чиқар қинидан,

Илиқ-илиқ сўзласанг, илон чиқар инидан.

Кўрамизки, мақолларда чуқур мазмун, халқ донолиги, узоқ асрлик турмуш тажрибаси, табиат ва жамият ҳодисалари, инсонларга хос хатти-ҳаракатлар ва уларнинг оқибатлари ҳақидаги баҳоси, хулосаси, ҳаёт фалсафаси мужассамлашган.

Халқ оғзаки ижодининг энг ҳозиржавоб, энг оммавий жанрларидан бири бўлган мақолларда у ёки бу халқнинг бир неча юз йиллик ҳаёти, кураши, орзу-интилишлари, шунингдек, фалсафий-эстетик қарашлари акс этади. Халқ мақолларининг қачон ва қандай пайдо бўлиши ҳақида аниқ бир фикр айтиш мушкулдир, лекин ҳар қалай, ҳар бир мақол узоқ ўтмиш сабоқлари, халқнинг орзу-умиди маҳсули эканига шубҳа йўқ.

Мақол араб тилидаги «қавлун»дан олинган бўлиб, «сўз» тушунчасини англатади, лекин шунчаки оддий сўз эмас, балки ҳикмат ва ибратлар билан зийнатланган доно сўз маъносида тушуниш лозим.

Мақол ўз номи даражасига келгунча узоқ даврларни бошидан кечиради, қайта-қайта сайқал топади, ҳаёт тажрибаларида бот-бот синовдан ўтади. Ана шундан кейингина биз оддийгина қилиб айтадиган мақол, яъни халқ мақоли – фикрлар қаймоғи юзага келади. Шунинг учун ҳам ундаги ҳар бир сўз доим узукка қўйилган кўздек ўз ўрнида ярқираб, жилоланиб туради.

«Шундай фикрлар борки, уларни бениҳоя кенг маънода қўллаш мумкин; шу сабабдан бундай фикрлар қанчалик кўпчиликка мос шаклда ифодаланган бўлса, ақл ва юракка шунчалик кўп озик беради, улар шу даражада чуқур ҳис этилган фикрлар бўлиб чиқади», - дейди Л.Н.Толстой.¹

Дарҳақиқат, ақлга қувват берувчи бундай доно фикрлар – мақоллар қадим-қадимдан аждодларимиз орасида кенг тарқалган ва энг таъсирчан тарбия воситаси бўлиб келган. Таниқли шарқшунос олим Г.Вамбери XIX асрнинг иккинчи ярмида ўлкамиз бўйлаб қилган саёҳат таассуротлари ҳақида шундай ёзган эди: «...Шарқ қадимдан шеърият туйғулари ўлкаси бўлиб келган... Шунинг учун ҳам ўтовда истиқомат қилувчи кишиларда шеъриятга бўлган иштиёқ Париж ёки Лондондаги маълумотли жамият аъзоларидагига қараганда кучлироқ эканлигига ҳеч бир ажабланмаслик керак... Ўрта Осиёда бир-бирига муҳаббат қўйган ёш ошиқ-маъшуқалар, руҳонийлар ва оқсуяклар

¹ Воронцов В. Тафаккур гулшани. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981, 16-бет.

ҳам — ҳуллас, ҳамма-ҳамма поэтик ижодиётга бир хилда қизиқади. Мақолларни ёзма тилда ҳам, жонли тилда ҳам учратиш, юрт казоларининг саройида ҳам, кўчманчининг ўтовида ҳам эшитиш мумкин... Сахро ўғлони бундай «оталар сўзи»ни ҳамма вақт юзига жиддий тус киритган ҳолда тинглайди. Мақол маъносига зид бўлган ҳеч қандай оқилона гап, ҳеч қандай инонтирувчи сўз унинг фикрига таъсир қила олмайди, унинг табиатдаги туғма мутаассиблик ҳеч нарсага аждодлари ва улар қолдирган ҳикматларнинг донолик билан айтилганига, нотўғри айтилмаганига астойдил, қаттиқ ишончидан бошқа ҳеч бир нарсада бунчалик кучли тарзда намоён бўлмайди».

Халқимизнинг асрлар давомида тўплаган бой ҳаётий тажрибаси, сон-саноксиз мақолларда умумлаштирилган ва типиклаштирилган. Уларда ота-боболаримиз босиб ўтган йўлни, кечирган турмушларини, шодликлари ва кайғусини, теран мазмунли панд-насихатини, қадимги даврларда, ўрта аср ва ундан кейинги асрларда яшаган аждодларимизнинг урф-одатларини, анъаналарини кўрамиз, ҳис этамиз. Мақол қатор хусусиятлари билан халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларидан қатъий фарқланиб туради. Негаки, халқ дoston ва эртаклари, афсона ва ривоятлари, нақл ва латифалари воқеликни эпик планда, ранг-баранг образларнинг хатти-ҳаракатлари, кечинмалари орқали акс эттирса, мақоллар воқеликни халқнинг бевосита ана шу воқелик ҳақидаги хулосалари, баҳоси ва ҳукмлари орқали акс эттиради. Мақоллардаги хулоса — бу кескин ҳукм бўлиб, уни инкор этиб бўлмайди. Мақолларда кенг тасвирийлик, чўзиқ баён бўлмайди. У ихчам шаклда кенг ижтимоий маъно ташиши, мўлжалга аниқ тегиши ҳамда ўзидаги образлилик қудрати билан нутқни безаб туради.

Кўшиқ, лапар, ўлан, ёр-ёр каби лирик жанрларда воқелик шахснинг кечинмалари фонида ўз ифодасини топса, халқ мақолларида ана шу кечинмалар ҳақидаги лўнда хулосалар ифодаланади. Юқорида айтилган хусусиятлардан шу нарса маълум бўладики, ҳажман ихчам бўлган халқ мақолининг ҳар бир намунасида олам-олам кечинма баёни улкан дostonларга жо бўлувчи воқеалар мужассамлашган бўлади. Бошқача айтганда, ҳар бир мақолнинг мазмуни реал воқеликдаги фактлар орқали шарҳланса улкан ҳажмдаги асарлар яратилиши мумкин. Мана шунинг учун ҳам халқ донолиги рамзи ҳисобланган мақол ва маталлардан фойдаланиш ўзбек адабиётида ўзига хос анъанага айланган. Юсуф Хос Ҳожибдан Лутфийгача, Алишер Навоийдан Огаҳийгача бўлган сўз санъаткорлари ўз асарларини халқ мақоллари билан музайян қилганликларини кўрамиз. Бу анъана ҳозирги замон ўзбек адабиётида ҳам давом этмоқда.

Алишер Навоийнинг деярли барча асарларида — шеърини ва эпик ижодида халқ мақолларининг қўлланиши бадиий нафосат даражасига кўтирилган. Алишер Навоий шеърини халқ ижоди анъаналарини ўрганган адабиётшунос олим М.Ҳакимовнинг маълумотларига қараганда улуғ мутафаккирнинг шеърини ва насрий, тарихий ва илмий асарларида уч мингдан зиёд халқ мақоли, таъбирлари мужассам бўлган. Бу нарса бир томондан, шоирнинг халқ ижоди ва анъаналарини жуда чуқур билишини, иккинчи томондан эса, унинг халқ ҳаётига нақадар яқин бўлганлигини кўрсатади.

Шоир шеъриятида халқ мақолларини ранг-баранг услубда қўллаб, асарга шундай сингдириб юборганки, кўп ўринларда ўша мақол ёки ҳикмат айтмоқчи бўлган ғоя ва мақсадни ғоят мухтасар бир шаклда ёрқин ифода этади:

Етти жон оғзимаким чиқмас уйидин ул хур.¹

«Чиқмагон жонга умид» - ушбу масалдур машхур.

«Чиқмаган жондан умид» деган халқ ҳикмати ҳозир ҳам халқ орасида кенг истифода қилинади. Ушбу мақол лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаларини, руҳий ҳолатини ифодалашда жуда қўл келган.

Лабинг кўргач илигим тишларам ҳар дам таҳайюрдин,
Ажаб ҳолатки: «болни тутмайин бармоғ ялайдурман».²

ёки

Оразин кўрдим ниҳон ашк айлади сирримни фош,
«Ёшурин қолмас ўғурлуқ уй ароким бўлса ёш».³

«Болали уйда сир турмайди», «Болали уйда ўғирлик бўлмас» каби мақоллар орқали халқ ёш боланинг олдида оиладан ташқарига чиқмаслиги лозим бўлган сирли гапларни гапирмаслик кераклигини таъкидлайди. Шоир ушбу мақолни санъаткорлик билан қўллаб, бир томондан ошиқнинг руҳий ҳолатига халқ мақолини параллел қўйиш орқали ўз фикр-мулоҳазасини халқнинг доно сўзи билан тасдиқлаган.

Хуллас, маълум мақсад ва ғоялар ифодаси сифатида халқ мақоллари Атоий, Лутфий, Навоий, Гулҳаний, Огаҳий, Абдулла Қаҳҳор каби сўз санъаткорлари томонидан маҳорат билан қўлланган. Мақол мустақил фольклор жанри бўлиб, қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар уни бошқа афористик жанрлардан, хусусан, маталлардан кескин фарқлаб туради. Бу фарқлар қуйидагиларда кўзга ташланади:

1. Мақол ҳамма вақт аниқ, тугал фикр англатади. Бу фикр эса қатъий, лўнда, ихчам хулоса сифатида ифодаланади. Шунинг учун ҳам мақолда бирорта ортикча тасвирийлик учрамайди. Чунки мақолдаги ихчам фикрнинг ўзи эстетик жиҳатдан катта моҳият касб этади. Маталда эса бундай хусусиятлар кўринмайди. Улар образли бирикма ёки ибратли гапдир.

2. Мақол учун маълум бир фикрни мантикий изчилликда ва қатъий кутбийликда ифодалаш характерлидир. Мақолда воқелик ё изчил ижобий, ё кескин салбий жиҳатдан баҳоланади:

Яхшидан боғ қолар, ёмондан доғ,
Билган топиб сўзлар, билмаган қопиб.

3. Мақол асосида ибратомуз тугал фикр ётса, матал асосида чиройли, образли, аммо тугал бўлмаган ифода ётади. Бинобарин, матал ихчам, бир компонентли композицияга эга.

4. Мақоллар ўз ҳамда кўчма маъноларда қўллана олиш имкониятига эгадир. Бу хусусият мақолларнинг тематик доирасини, қўлланиш чегарасини кенгайтиради.

¹ Алишер Навоий. Наводируш-шабоб, 146-бет.

² Ўша манба.

³ Ўша манба.

Маталлар эса фақат кўчма маънода қўлланади: «Сулаймон ўлди, девлар кутилди», «Бурнини ерга ишқади».

5. Матал нутқда кўрсатиш воситаси бўлса, мақол далиллаш, исботлаш воситаси сифатида қўлланилади.

Кўпгина тадқиқотчилар мақолдан маталнинг фарқини кўрсатишга, уларнинг чегараларини белгилашга ҳаракат қилганлар. Чунончи, XIX асрнинг улкан тадқиқотчиси В.Даль ўзининг машҳур «Пословицы русского народа» тўпламининг кириш қисмида шундай фикр билдиради: «Матал, халқнинг таърифича, ғунча, мақол эса мева; бу таъриф жуда тўғри». Унинг фикрича, мақол тўлиқ, тугал мазмун, ҳукм англатувчи гап бўлса, матал кўчма маъно ифодаловчи ибора; у мақолнинг ярмидир.¹ Фольклоршунос олим Б.Саримсоқовнинг фикрича, мақол ва маталлар ўзаро фарқланувчи жиҳатларга асосланган икки мустақил, лекин бир-бирига ўтиб турувчи жанрлар ҳисобланади.²

Мақоллар ва ҳикматли сўзлар ўртасида ҳам ўзаро ўхшашлик ва муштараклик бор. Бу муштараклик шундан иборатки, ҳар икала жанрда ҳам ибратли, доно фикр мужассамлашган бўлади. Лекин ҳикматли сўз ёзма адабиёт маҳсули. Унинг муаллифи аниқ: ёзувчи ёки шоир. Ижодкорлар томонидан яратилган кўпгина ҳикматли сўзларнинг юзага келишида халқ мақоли таъсири борлиги ҳам сезилади.

Алишер Навоий: Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур,
Ва лекин бири туз, бири қанд эрур.

Халқ мақоли: Одам оласи ичида.

Саъдий Шерозий: Яхшига яхши бўл, ёмонга ёмон.
Гулга гул бўлгину тиканга тикан.

Халқ мақоли: Эгилганга эгил бошинг ерга теккунча,
Кеккайганга кеккай бошинг кўкка етгунча.

Хуллас, мақоллар жуда кўп ўзига хос хусусиятлари билан фольклорнинг бошқа жанрларидан фарқланиб туради, бироқ аноним яратилиши, кенг вариантлашуви билан оғзаки ижоднинг барча жанрлари билан умумийлик касб этади.

Мақолларда ибратли фикр айтилади. Бироқ ҳар қандай ибратли фикр мақол бўла олмайди. Шундай экан, ибратли фикрнинг мақолга айланиши учун муайян шартлар мавжуд. Ана шундай шартлардан бири мақолга айланивчи ибратли фикр халқнинг узоқ йиллар мобайнида ҳаётий тажрибасида синалган бўлишлигидадир. Ҳаётий тажрибада синалган фикр эса кишини ишонтира олади. Иккинчи шарт шуки, мақолда ифодаланган ибратли фикр умуминсоний характер касб этиши лозим. Ниҳоят, учинчи шарт – ибратли, синалган умуминсоний фикр ихчам, мукамал бадий шаклга эга бўлиши билан белгиланади. Кўрсатилган ана шу уч шарт тўла

¹ Даль В. Напутное //Пословицы русского народа. М.: 1957, стр. 20.

² Саримсоқов Б. Мақоллар. //Ўзбек фольклори очерклария Уч томлик, биринчи том. Т.: «Фан», 1988, 88-бет.

юзага чикқандагина, ибратомуз фикр мақолга айланади. Мана шунинг учун ҳам мақоллар жуда секинлик билан яратилиш ва унитилиш хусусиятига эга.

Ҳақиқий халқ мақолларида умумбашарий орзу-умидлар акс этар экан, мақолга мурожаат қилган ҳар бир киши ўз халқи ва ватанига илиқ меҳр билан қарашга ўрганади, мардлик, баходирлик, юксак инсонийлик, дўстлик, ҳамкорлик каби эзгу ҳислатларни эгаллашга интилади.

Халқ мақолларининг мавзу доираси ниҳоятда кенг, образлар дунёси бой ва ранг-барангдир. Аниқроқ қилиб айтганда, ижтимоий ҳаётнинг бирор соҳаси йўқки, у халқ мақолларида ўз ифодасини топмаган бўлсин.

Аксарият халқ мақолларида инсонни камол топтирувчи ҳалол меҳнат, фойдали фаолият улуғланади, бекорчилик ва текинхўрлик қораланади:

Қимирлаган – қир ошар.

х х х

Иш қўлингдан кетмасин,

Ёв йўлингдан тушмасин.

х х х

Қолган ишга қор ёғар.

х х х

Бели оғримаганнинг нон ейишини кўринг.

х х х

Меҳнат қилсанг яшарасан,

Катта-катта ошарсан.

х х х

Бекорчидан Худо безор.

Халқ мақолларида она-Ватанга муҳаббат ва ватанпарварлик мавзуи етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Булбул чаманни севар, одам – Ватанни.

х х х

Она юртинг омон бўлса,

Ранги рўйинг сомон бўлмас.

Мақолларда юксак инсоний фазилатлар – севги-муҳаббат, дўстлик, илм-ҳунар, мардлик каби ҳислатлар улуғланади:

Севги вафоси билан яхши,

Меҳнат – роҳати билан.

х х х

Қалбга қаримоқ йўқ, севгига ўлим,

х х х

Ишқи йўқ – эшак, дарди йўқ – кесак.

х х х

Дўстсиз бошим – тузсиз ошим.

х х х

Бир йигитга қирқ ҳунар оз.

х х х

Ботир қийинни енгар, номард бўйинни эгар.

х х х

Баланд тоғда қор бўлар, эр йигитда ор бўлар.

Фольклор жанрлари сирасида ҳамиша барҳаёти, мудом бойиб борувчиси мақол ҳисобланади. Мақоллар хазинасининг бойиб боришини таъминловчи манбалардан бири бу – ижтимоий ҳаётнинг ўзидир.

Мақоллар хазинасини бойитувчи иккинчи манба халқнинг йирик сўз санъаткорлари, мутафаккирлари айтган ҳикматли сўзлардир. Ибратормуз фикрлар ташувчи афоризмларнинг кенг оммалашиши уларни бевосита халқ мулкига айлантириб юборади.

Турли халқлар оғзаки ижодидаги мақолларни ўрганиш бу жанр намуналари мазмунан деярли ҳамма халқларда бир хил такрорланишини кўрсатмоқда. Аммо бундай яқинликни бир халқ иккинчи халқдан мақолни ўзлаштирганлиги билан изоҳлаш тўғри бўлмайди. «Бизнингча, бундай яхшиликни оддий турмуш тарзининг ўхшашлиги, инсонлар ҳаётидаги муносабатларнинг яқинлиги ва умуман, ҳаётнинг кўп ҳолатларида бир хил вазият ҳосил қилиши билан изоҳлаган маъқулроқ.

Масалан: «Илон чакқон арқондан кўрқар» (инглиз), «Жўжани тухум очгандан сўнг сана» (инглиз), «Бигизни қопда яшириб бўлмас», «Сем раз отмер, один раз отреж» (рус), «Куйган мушук совук сувдан кўрқар» (француз) мақоллари «Кўрққанга арқон илон кўринар», «Сутдан куйган қатикни пуфлаб ичади», «Жўжани кузда санаймиз», «Етти ўлчаб бир кес», «Ойни этак билан ёпиб бўлмас» каби ўзбек мақоллари билан ўхшаш маънони билдиради».¹

Мақоллар воқеликни ихчам шаклда, ўта умумлаштирилган ҳолатда акс эттиради. Демак, мақол жанри учун образни индивидуаллаштириш эмас, балки, аксинча, умумлаштириш хос. Масалан, «Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ» мақолида конкрет яхши ёки алоҳида олинган ёмон киши образи акс эттирилмайди, балки минглаб яхши ва ёмон кишиларнинг умумлашма образи акс этади.

Мақоллар шаклига кўра насрий ҳамда шеърий тузилишга эга.

«Номарднинг кўпригидан ўтгандан кўра сувга ғарқ бўлган яхши», «Гап билан ош пишмас», «Сабр таги сариқ олтин», «Еган оғиз уялар» каби мақоллар насрий тузилишдаги мақоллардир.

Ўзбек халқ мақоллари орасида шеърий тузилишдаги мақоллар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бу турдаги мақолларда ўзига хос вазн, қофия ва оҳангдорлик мавжуд.

Олтовлон ола бўлса,
Оғзидагини олдира.
Тўртовлон тугал бўлса,
Тепадигин эндира.

¹ Мадаев О. Халқ оғзаки поэтик ижоди. «Шарқ», Т.: 2001, 36-бет.

Ёки:

Яхши билан юрсанг.
Етарсан муродга.
Ёмон билан юрсанг,
Қоларсан уятга.

Ифодада, бадий-тасвирий воситаларда қисқаликка интилиш мақолларга беҳад улкан эстетик қудрат бағишлайди. Мақол учун хос бўлган тасвирий стилистик воситалардан бири тазоддир. Бунинг бош сабаби шундаки, тазод мақолда акс этган воқеа-ҳодисанинг табиатидаги зиддиятни акс эттириш баробарида томонлардан бирини халқ идеали нуқтаи назаридан ё тасдиқлайди, ё инкор этади. Масалан, «Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб», «Кўп ўйла, оз сўзла», «Тўғри ўзар, эгри тўзар» ва ҳоказо.

Бадий ифода воситаларидан метафора, метонимия, синекдоха каби кўчимлар ҳам мазкур жанрнинг бадий шаклини маълум даражада белгилаб беради. Бундан ташқари, мақолда аллитерация сингари фонетик воситалар, ўхшатиш, қиёслаш, сифатлаш, жонлантириш каби бадий-тасвирий усуллар, такрор каби стилистик шакллар ҳам кўп қўлланади.

Метафора (истиора) халқ мақолларида энг кўп учрайдиган бадий-тасвирий воситалардан биридир. Масалан, «Эгрининг омочи ерга ботмас» мақоли бутундай истиоравий мақолдир. Аслида гап эгри одам омочининг ерга ботиш ёки ботмаслиги устида кетаётгани йўқ, балки унда эгри одам қилган тухмат, бўхтон тўғри одамга – ҳақиқатга ўтмаслиги ҳақида бормоқда. Янада аниқроқ қилиб айтганда, ушбу мақолда нопок ва нотўғри йўл билан мақсадга эришиб бўлмаслиги ҳақидаги халқнинг доно хулосаси ифодаланган.

«Эт билан тирноқни ажратиб бўлмас» мақолида эса истиоравий кўчимнинг синекдоха шакли қўлланган. Мақолдаги «эт», «тирноқ» сўзлари бутуннинг қисми бўлган яқин қариндош-уруғларининг қондошлик ришталари билан боғланиб, бирикиб кетганига ишора қилади.

Халқ мақоллари жонлантириш усули орқали ҳаётий мазмун касб этади. Бунинг сабаби шундаки, айрим мақоллардаги образлар кўчма маънода қўлланади. Чунончи, «Ўтин айирган болта майдонда қолар» мақолида юзаки қараганда жонсиз нарса – болта ҳақида гап кетаётгандай туюлади. Аслида эса болта образи орқали адолатсиз, одам айирадиган, одамлар ўртасига раҳна соладиган бузғунчи кишилар назарда тутилганлиги маълум бўлади. Шуниси характерлики, ушбу мақолда полифония кўп овозлик, кўп маънолилиқ ҳам кўзга ташланиб турибди. Мақолни юқорида таҳлил қилинганидан бутунлай бошқа маънода ҳам тушуниш мумкин: Болта ўтин ёради, иш битиради. Унинг майдалаган ўтинлари фойдаланиш учун олиб кетиладию ўзи эса ўша жойда чанг босиб, эътиборсиз ҳолда ташлаб кетилади. Демак, масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, болта образини ҳаммага манфаат етказадиган, бироқ меҳнати қадрланмайдиган, ниҳоятда камсуқум ва ҳокисор инсон тимсоли сифатида ҳам тушуниш мумкин. Дарҳақиқат, мўъжизагина бита мақол замирига кўплаб маънолар сингдирилганки, бу ҳам бўлса аجدодларимиз даҳосининг нақадар юксак бўлганлигидан далолатдир.

Мақолларда халқ тажрибасида синалган эзгу идеаллар кучайтирилиб, халқ идеалига мос келмайдиган хислатлар салбий жиҳатдан бўрттириб баҳоланади. Бундай ҳолатда муболаға усули жуда ҳам қўл келади. Масалан, «Нафси бузуқ ҳайитда ўлар», «Ёлғон гапирган ёрилиб ўлар» каби мақолларда, очкўзлик, ёлғончилик каби иллатлар қораланган.

Мақоллар замонлар оша тобора сайқалланади, мазмуни теранлашади. Баъзи ҳолларда эса, бунинг аксича эшитувчи ва қайта талаффуз этувчиларнинг мақолда айтилмоқчи бўлган маънони тушунмаслиги, ёки эшитганини эслай олмай, ўзича қўшиб чатиши, ёинки маълум бир фикрни исботламоқ учун мақол таркибидаги сўзлар ўрнига атайин бошқа сўзлар қўйиб, унинг асл маъносини бошқа томонга буриб юбориш оқибатида кўпгина мақоллар мантикқа зид тарзда қўлланадиган бўлиб қолган.

Масалан, «Ҳайт» деган – туяга мадад мақолини «Ҳай» деган – туяга мадад шаклида учратиш мумкин.

Баъзан эса «Отамнинг ўлишини билсам, бир қоп кепакка алмашиб ердим» деган мақолни ҳам кимдандир эшитиб ё қаердандир ўқиб қоламиз. Бундоқ ўйлаб қаралса, бу мантикқа ҳам, одамийликка ҳам, ахлоққа ҳам зид фикр. Доно халқ бундай ғайриинсоний ва ғайриахлоқий гапни айтмайди. Изланишлардан маълум бўлишича, ушбу мақолнинг тўғри варианты туркман халқида сақланиб қолган ва у: «Атымын олжегини билсем, дуза чалкашардым»¹ яъни «Отимнинг ўлишини билсам, тузга алмашардим», деб қўлланар экан. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

У ёки бу мақолнинг кўчма маъносини, унда нима дейилмоқчи бўлаётганлигини аниқлаш учун мақолда келтирилган образларнинг моҳиятини тўғри англамоқ лозим.

Хуллас, мақоллар халқ донолигининг қомуси бўлиб, кишиларни эзгуликка, олийжанобликка ундаши билан ҳамма вақт ҳаёт дарслиги бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек халқ мақоллари халқимизнинг кўп асрлик даҳосидан, ақлу маънавиятининг етуқлигидан нишонадир. Ибратли иборалар, панд-насихат, яширин маъноли сўзлар орқали халқимиз инсонларни фақат яхшиликка даъват этади.

Мақол халқ ҳаёти, орзу-интилишлари ва дунёқарашини кўп асрлик тажрибаларда синовдан ўтказиб акс эттириши туфайли кундалик турмушимизда катта ғоявий-тарбиявий роль ўйнайди. Ҳақиқий халқ мақолларида халқ оммаси манфаатлари, идеаллари акс этар экан, мақолга мурожаат этган ҳар бир киши ўз халқи ва ватанига илиқ меҳр билан қарашга ўрганади; адолат, озодлик, ҳақиқат, мардлик ва баҳодирлик, тинчлик ва инсонпарварлик, дўстлик ва биродарликка интилади.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Ўзбек халқ мақолларининг асосий мавзулари нималардан иборат?

¹ Туркменского – русский словарь. М.: 1968, 502-бет.

2. Мақол халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларидан қандай хусусиятлари билан фарқ қилади?
3. Мақолларнинг ғоявий-бадиий жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
4. Ибратли фикрларнинг мақолга айланиши учун қандай шартлар лозим?
5. Халқ мақолларида қўлланадиган бадиий-тасвирий воситалар ҳақида маълумот беринг.
6. Мақоллар хазинасини бойитувчи манбалар нималардан иборат?
7. Халқ мақолларининг маърифий-эстетик аҳамияти ҳақида сўзланг.

Адабиётлар:

1. Ўзбек халқ мақоллари. Икки томлик. Т.: «Фан», 1988-89.
2. Ҳикматнома. Тўплаб нашрга тайёрловчилар: Ш.Шомаксудов, Ш.Шораҳмедов. Т.: Ўзбек энциклопедияси бош редакцияси. 1990.
3. Қанотли сўзлар. Тўплаб нашрга тайёрловчи: Э.Сиддиқов. Т.: «Фан», 1986.
4. Б.Саримсоқов. Мақоллар. //Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик, 1-том. Т.: «Фан», 1988.
5. О.Мадаев. Халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Шарқ», 2001.

ТОПИШМОҚЛАР

Мақоллар сингари топишмоқлар ҳам ўтмишда халқ ўртасида кенг тарқалган. Топишмоқлар орқали инсон тафаккур доирасининг кенглиги, воқеликдаги нарса ва ҳодисалар билан қанчалик таниш эканлиги аниқланади.

Топишмоқ халқнинг ҳаётини, тушмуш маданиятини, урф-одатларини, нарсаларнинг бадиий-эстетик томонларини ўзида акс эттирувчи халқ оғзаки ижодининг энг қадимий, оммавий ва ихчам жанридир. Халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда вужудга келган топишмоқларнинг асосий манбаи борлиқдаги мавжуд бўлган барча нарсалардир.

Топишмоқ қадим-қадимдан жонли ва жонсиз мавжудот, нарса ва ҳодисаларни бир-бирига солиштириш, таққослаш, ўхшатиш орқали борлиқни, ундаги мавжуд нарсаларни кўпроқ билишга, англашга, фикр қилишга катта ёрдам берган. Шу нуқтаи назардан қараганда топишмоқ алоҳида бир мустақил жанр ҳисобланади.

Ўтмишда халқимиз орасида топишмоқлар ҳар хил номлар билан: топишмоқ, топар чўпчак, топ-топ, жумбоқ, жумоқ, ушук, матал, масала деб юритилган.

Топишмоқларнинг услуби метафора (истиора), кўчим, киноя, қочирма йўли билан сўзларни кўчма маънода ишлатиб, яширилган нарса, ходисаларнинг белгиларига иккинчи бир нарса ходисаларнинг белгиларини қиёслаш, имо-ишора қилишдан иборатдир. Топишмоқларнинг ана шу хусусиятини назарда тутган юнон файласуфи Аристотель «Топишмоқ яхши тузилган метафорадир» деган экан.

Қадимда ота-боболаримиз, бувиларимиз одатда узун киш кечаларида ғўза чувиш, чарх йигириш, олача тўқиш каби турли-туман ишларни амалга ошириш давомида эртақлар айтиб оғир меҳнатни енгиллатишга, топишмоқлар айтишиб, кўнгил очишга, маданий ҳордиқ чиқаришга ҳаракат қилишган.

Топишмоқ айтиш қайси бир халқда бўлмасин, у ақл ва зийраклик мусобақаси, кўнгил очиш, ўйин-кулгу воситаси бўлган.

Инглиз олими Э.Б.Тайлорнинг фикрича, топишмоқ маданият тарихида мақол билан бирга пайдо бўлган, унинг гуллаган даври цивилизациянинг куйи ва ўрта босқичларига тўғри келади. Унингча, топишмоқ анъанавий савол-жавоб шаклидаги одатда қуруқ ҳазилга олиб борувчи шунчаки сўз ўйини эмас, балки у жиддий жавоб беришни талаб қилган қадимий шаклда тузилган топшириқдир. Сфинкс топишмоғи бунинг ёрқин намунасидир.¹

Қадимги юнон мифида Сфинкс боши аёл, танаси шер бўлган қанотли маҳлуқ сифатида тасаввур қилинган. У Фив шаҳри яқинида жойлашиб олиб: «Ким эрталаб тўрт, кундуз икки, кечқурун уч оёқда юради?» - дея топишмоқ айтади ва жавоб топа олмаганларни ўлдиради. Ниҳоят, Эдип: «Инсон болалигида эмаклайди, улғайганда тик юради ва қариганда ҳассага суяниб қолади», - деб бу жумбоқни ечади ва Фив шаҳрига шоҳ бўлади.

Кўплаб ўзбек халқ топишмоқларини тўплаб ўрганган фольклоршунос олима З.Хусаинова топишмоқларнинг юзага келиш жараёни жуда ҳам мураккаб эканлигини таъкидлар экан, топишмоқларнинг яратилишида эртақлар ҳам асосий манбалардан бири бўлганлигини айтади ва буни баъзи эртақлар мисолида далиллашга интилади.²

Масалан, «Аёз» эртагида яширин жумбоқли сўзлашиш жараёнини кўрамиз: «Аёз йўлда кетаётганда бир чолга учраб: - Ота, йўл бўлсин? – дебди. Чол: Нима бўлса, мўл бўлсин, - дебди. – Ота, узоқ йўлни яқин қилиб кетайлик, - деса чол индамабди. Аёз: - Ота, от бўлмаса ҳам той миниб кетайлик, - дебди. Чол индамабди. Бу жумбоқ гапнинг маъносини чолнинг қизи ечиб берибди. Қиз: - Йигитнинг «Узоқ йўлни яқин қилиб кетайлик» дегани «гаплашиб кетайлик» дегани «От бўлмаса ҳам, той миниб кетайлик» дегани «Кекса экансиз, бита-яримта ёғочдан ҳасса қилиб берай» дегани, - дебди.¹ Эртақлардаги мана шундай яширин савол-жавоблар, улардаги бир қатор ўхшатиш ва тасвирлар айрим топишмоқларнинг юзага келишига замин яратган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

¹ Тайлор Э.Б. Первобытная культура. М.: стр. 78.

² Хусаинова З. Топишмоқлар. //Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик, 1-том. Т.: «Фан», 1988, 102-бет.

¹ Аёз. //Олтин олма. Эртақлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Т.: 1966, 67-бет.

Ўзбек халқ топишмоқлари орасида «ер тагида олтин қозоқ», «тап-тап этади, тагидан карвон ўтади», «қозик устида қор турмас» каби кўплаб топишмоқлар борки, улар айтилиши билан дарҳол жавоби топилади. Аммо шундай топишмоқлар ҳам борки, жавобини топиш анча қийин бўлиб, ҳатто катта турмуш тажрибасига эга зукко кишиларни ҳам ўйлантириб қўяди.

Топишмоқ айтишнинг ҳам муайян тартиб қоидалари мавжуд. Бу ақл-заковат мусобақасида мағлуб томоннинг шаҳар бериш, ғолиб томоннинг шаҳар олиш анъанаси бўлган. Шаҳар сўзи араб тилидан олинган бўлиб, фольклоршунос З.Хусаинованинг маълумот беришича, бу сўз эълон қилиш, машҳур қилиш, маълум қилиш маъноларини билдирган. Демак, «шаҳар бериш»нинг маъноси топишмоқнинг жавобини топа олмаган томонни одамларга маълум қилишдан иборат экан.

Ўзбек халқ топишмоқларининг асосий қисмини метафорага асосланган топишмоқлар ташкил этади. Масалан, сабзи ҳақидаги «Ер тагида олтин қозик» топишмоғида сабзининг ранги олтинга, шакли қозикқа ўхшатиш. Мазкур топишмоқнинг жавоби сабзи бўлса, унинг кўчими олтин қозикдир. Мазкур топишмоқнинг «ер тагида қатор қозик» вариантыда эса сабзининг фақат кўриниши назарда тутилган. «Қизил қиз ер остида, сочлари ер устида», «Сарибой акам ичкари, соқоллари ташқари» каби вариантларида метафора жонлантириш усули билан биргаликда намоён бўлган.

Топишмоқлар орасида шундайлари ҳам борки, уларда ҳеч қандай бадиий-тасвир воситалари иштирок этмайди. Фақат эшитувчига савол берилади. Масалан, дунёда тўрт нарса йўқ – бу нима? Топишмоқнинг жавоби эса уни топувчи киши томонидан шундай изоҳланади:

Осмоннинг устун йўқ,
Ҳовузнинг қопғоғи йўқ,
Кўрпанинг енги йўқ,
Ошпичоқнинг қини йўқ.

Аслида дунёда йўқ нарсалар сон-саноксиз. Лекин юқоридаги топишмоқнинг жавоби кўрсатилган ушбу тўрт нарса сифатида оммалашган ва анъанавийлашган.

Метафорага асосланган савол топишмоқларнинг анча мураккаб турлари ҳам учрайди:

- У нимадир, ҳаводаги дўланган?
- У нимадир, ер юзини сув олган?
- У нимадир, орқасида оғзи бор?
- У нимадир, ўртасида мағзи бор?
- У нимадир, сув ичида жони бор?

Топишмоқнинг жавоби ҳам худди қўйилган саволга ўхшаб шеър шаклида ва кўп компонентли:

Булут бўлар ҳаводаги дўланган,
Ёмғир бўлар ер юзини сув олган.
Тегирмондир, орқасида оғзи бор,
Буғдой бўлар ўртасида мағзи бор.

Балиқ бўлар сув ичида жони бор.

Бу хилдаги топишмоқларнинг юзага келишида фольклоршунос олимларнинг фикрига қараганда, ёзма адабиёт намуналарининг, қиссаларнинг муайян таъсири бўлган.¹ Бу хилдаги топишмоқлар Хоразм «ошиқ» достонларида ҳам учрайди. Бундан ташқари Маҳтумқули ва Дурди шоир айтишувларида мавжуд бўлган топишмоқнома, жумбоқли шеърлар ҳам халқ орасида кенг тарқалган.

Масалан:

- Ул нимадир, емадилар тўйдилар?
Ул нимадир, қиёматга қўйдилар?
Ул ким эди, товонидан сўйдилар?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

- Ул дийдордир, емадилар тўйдилар.
Ул намоздир, қиёматга қўйдилар.
Насимийнинг товонидан сўйдилар,
Биздан салом бўлсин, жавоби шундайдир!

х х х
- Ул нимадир, тупроқ узра суринас?
Ул нимадир, одамларга кўринас?
Ул нимадир, ҳеч бир тўнга ёринас?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

Эранлардир, залил бўлиб суринас,
Ул балодир, келса кўзга кўринас,
Ёлғон гурунг ошкор бўлар, ёринас,
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир.

Маълумки, халқимиз қадим замонлардан бери деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келади. Шу боисдан ўзбек халқ топишмоқлари орасида уй ҳайвонлари билан боғлиқ топишмоқлар ҳам кўпчиликти ташкил қилади. Ўрта Осиё халқлари ҳаётида фойдали жониворлардан бири бўлган туя муҳим ўрин тутган. У инсонга гўшт, сут, жун берганидек, оғир юк ташишда, узоғини яқин қилишда катта роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам туя ва унинг хусусиятлари билан боғлиқ топишмоқлар яратилган.

Масалан, «Момом кетиб бораётир, кулчаси қолиб бораётир» топишмоғида туянинг юриш ҳаракати ва бу ҳаракат натижасида туя оёқларининг тупроқли йўлда қолаётган ялпоқ, думалоқ излари асосга олинган. Бу топишмоқда қадимий тушунчаларнинг изи бор. Унинг келиб чиқишини тўғри англашда унинг мураккаб қисми, топишмоқнинг биринчи мисрасининг биринчи сўзи бўлиб, унда туя – момо деб берилишидир. Инсон

¹ Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров р. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Ўқитувчи», 1990, 105-бет.

томонидан ҳайвонни, жумладан туяни момо, она дейиш, шубҳасиз, туя култи билан боғлиқдир.¹

Бундан ташқари туянинг сокин, салмоқдор қадам ташлаб юриш ҳаракати ва шакли – устидаги ўркачи қадди букчайган момонинг ҳаракати ва ҳолатига ўхшатиш.

Шунингдек, халқнинг маиший турмушида зарур бўлган иш қуроллари билан боғлиқ бўлган топишмоқлар ҳам кўплаб учрайди: «Пакана хотин, чачвони узун», «Кичкина келинчак, попуги қулочдек», «Кичкина хотин, лачаги узун» топишмоқларида игна кичкина хотин шаклида сифатланган бўлса, игнага ўтказилган ипнинг узунлиги чачвон, сочпопук ва лачакнинг узунлигига ташбеҳ қилинган.

Ўзи ернинг тагида,
Кучи ернинг устида.

Ўттиз икки оғайни,
Бир-бирининг устида

топишмоғида эса ўтмишда аждодларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутган чигир тасвирланган. Бунда чигирнинг жойлашган ўрни, ер сатҳидан пастда эканлиги, сув кучи билан юқорига – ер устига сув чиқарилиши кўзда тутилган. Топишмоқдаги «ўттиз икки оғайни» эса ер сатҳида сув чиқариш учун чигирикка жойлаштирилган қатор идишлардан иборат.

«Ер тагида ой юрар» топишмоғида эса, ерни ёриб, суриб юрадиган омончи тишининг ярим ой шаклида бўлганлиги унинг ойга қиёсланишига асос бўлган.

Бинобарин, мана шундай топишмоқлар орқали ота-боболаримизнинг ўтмишдаги ҳаёти, уларнинг меҳнат жараёнида қўллаган иш қуролларининг қадимий турлари ҳақида муайян тасаввурларга эга бўламиз. Уларни синчиклаб ўрганиш ижтимоий онгнинг ўсиши, халқнинг моддий ва маънавий ўсиш тарихини, унинг турмуш тарзини тўғри ёритишга катта ёрдам беради.

Фольклоршунос З.Хусайнованинг фикрича, топишмоқ маъно ва айтилиши жиҳатлари билан мақол бўлиб келиши мумкин. Бундай мақоллар дастлаб топишмоқ тарзида вужудга келиб, кейинчалик мақолга айланган. Масалан, тил ҳақидаги:

Бировни суйдирар,
Бировни куйдирар
Асалдан ширин,
Заҳардан аччиқ

топишмоқлари:

Суйдирадиган ҳам тил,
Куйдирадиган ҳам тил.

Ёки:

Ширин сўз – шакар,
Аччиқ сўз – заҳар

¹ Зарифов Х.Т. «Алпомиш» эпосининг асосий мотивлари. //Шарқ юлдузи. №1, Т.: 1957, 130-бет.

шаклида мақол сифатида қўлланилади. Аммо топишмоқда яшириб айтилган нарсанинг оти – тил топишмоқнинг текст қисмида эмас, балки жавобда очилади. Мақолда нарсанинг оти айтилган текстнинг ўзида мисраларнинг бошида, ўртасида ёки охирида очиқ-ойдин қўлланилади.

Баъзи ҳолларда топишмоқлар тез айтишлар билан муштараклик касб этади. Масалан, ангишвона ҳақидаги «Бир чуқурда минг чуқур, чуқурни игна чўқир» топишмоғи тез айтиш ўрнида ишлатилади. Шунингдек, карам ҳақидаги «Қат-қат кулоқ, дум-думалоқ», кўз ҳақидаги «Қўш инда кўш чироқ», туя ҳақидаги «Оёғи попуқ, оғзи кўпик» каби кўплаб топишмоқлар тез айтиш шаклида ҳам келиши мумкин.

Ўзбек халқ топишмоқлари шаклан ихчамлиги, ритмиклиги, қофияга бойлиги, ранг-баранг бадиий образлари билан хотирада узоқ сақланади. Топишмоқлар тузилиши жиҳатидан шеърий ва насрий шаклга эгадир.

Шеърий топишмоқ:

Том устида пиёла,
Ичи тўла гул-лола.
Имо қилиб чақирсам,
Уялади қиз бола. (ой ва юлдузлар)

Насрий: Тушган ерини титар. (арра)

Топишмоқлар бадиий жиҳатидан шу даражада ихчамки, хатто иккитагина сўздан тузилганлари ҳам учрайди: «Сандикчада михча» (тиш ёки гурурт), «Яратганга ёпишган» (исм). Бу топишмоқлар бор-йўғи икки сўздан иборатлигига қарамай, тугал фикр, маъно англатади.

Топишмоқлар ниҳоятда ихчам, мухтасар бўлишига қарамай бадиий-тасвир воситаларига бой. Метафора топишлардаги асосий воситалардан бири бўлиб, у тасвирда образлиликни таъминлашда хизмат қилади. Метафора муайян бир нарсанинг ташқи кўриниши жиҳатидан бошқа бир нарсага ўхшашлиги асосида кўчишига асосланади. Масалан, «Ер тагида ёғли қамчи». Бу топишмоқда жумбоқланган нарса илон, кўчими – қамчи, «Тоғ устида ўрмон бор»да жумбоқланган нарса – соч, кўчими – ўрмон.

Топишмоқларда фаол қўлланадиган бадиий санъатлардан бири жонлантиришдир: «Онаси бита, боласи мингта» (ой ва юлдузлар), «Пакана хотин уй пойлар» (кулф), «Сарибой акам ичкари, соқоллари ташқари» (сабзи).

Топишмоқларнинг аксарияти ўхшатиш санъат асосига қурилган. Анъанавий топишмоқлардаги ўхшатиш кўпинча -дай, -дек кўшичалари, гўё, худди, янглиғ каби сўзлар ёрдамида шаклланади:

Ўтириши ўймоқдай,
Бақириси тайлоқдай. (чигиртка)

Баъзи топишмоқлар эса тазод – ўхшатиш асосига қурилган бўлади: «Асалдан ширин, заҳардан аччиқ».

Халқ топишмоқларини аллитерация санъатисиз тасаввур қилиш қийин. Аллитерация топишмоқнинг ритмик табиатини, мазмуни салмоғини юзага чиқаришнинг муҳим воситасидир. У товушлар оҳангдорлиги асосига қурилган бўлиб, топишмоқнинг бадиийлигини ва таъсирчанлигини

кучайтиради: «Қора, қора қорамуқ» (мош), «Қора товук, қорни тўқ» (қозон). Кўпчилик топишмоқларда ундош товушлар такрори аллитерацияни вужудга келтиради. Лекин баъзан унли товушлар такрори асосида ҳам аллитерация юзага келиши мумкин:

Узун-узун уламиқ,
Ундан узун уламиқ.

Хуллас, халқ оғзаки ижодининг энг кичик жанрларидан бири бўлган топишмоқлар ҳамма замонларда ҳам фикрни ривожлантириш, ақлни чархлаш воситаси бўлиб келган. Шу нуқтаи назардан қараганда топишмоқларнинг маърифий, бадий-эстетик аҳамияти бекиёсдир.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Ўтмишда топишмоқ жанрининг кенг тарқалишига сабаб нимада деб ўйлайсиз?
2. Топишмоқ ва мақол ўртасидаги ўзаро уйғун ва фарқли жиҳатларни изоҳланг.
3. Топишмоқларда вариантлилик хусусияти бўладими?
4. Насрий ва шеърий топишмоқларга хос асосий хусусиятлар нималардан иборат?
5. Топишмоқларнинг қандай аҳамияти бор?

Адабиётлар:

1. Топишмоқлар, Ўзбек халқ ижоди, Кўп томлик, Т.: Ё.Ўлом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
2. З.Хусаинова, Ўзбек топишмоқлари, Т.: «Фан», 1966.
3. Аристотель, Поэтика, Т.: «Фан», 1980.
4. З.Хусаинова, Топишмоқлар, //Ўзбек фольклори очерклари, Уч томлик, биринчи том. Т.: «Фан», 1988.
5. И.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т.: «Ўқитувчи», 1990.

ХАЛҚ ОЛҚИШЛАРИ ВА ҚАРҒИШЛАРИ

Олқиш олган омондир,
Қарғиш олган ёмондир.

Халқ фалсафаси ва диний таълимотида инсонни эъзозлаш, раҳм-шафқат, мурувват, одамийлик каби фазилатлар доимо улуғланиб, мадҳ этиб келинган. Одамийлик – бу кишининг бошқа одамларга, уруғ-аймоғига меҳр-шафқат кўрсатиши, яхшилик қилишини, инсонпарварлик муносабатида бўлишини тақозо этадиган фазилатдир.

Халқ билан ҳамнафас, ҳамдард бўлиш, унга яхши кунларда ҳам, бошига мусибат тушган қоронғи кунларда ҳам садоқатли бўлиб, астойдил хизмат қилишни аجدодларимиз ҳамиша ўзлари учун шараф деб билганлар.

«Яхши ҳаёт ва узоқ яшаш учун, халқнинг дуоסי ва шодлигидан яхшироқ посбон ва қўриқловчи йўк»¹ дейди, шарқ донишмадларидан бири бўлган Бархурдор ибн Маҳмуд. Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг келажак ҳаёти, унинг бахт-саодати узоқ асрлар давомида халқимиз томонидан яратилган миллий қадриятлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Халқ оғзаки ижоди маҳсули сифатида юзага келган, халқнинг эзгу сўзи – дуою олқишлар инсон ҳаётида муҳим ўрин тутган ана шундай асрий қадриятлардан бири ҳисобланади.

Қадим замонлардан бошлаб аجدодларимиз сўзнинг киши руҳиятига кўрсатадиган сеҳрли таъсирини чуқур ҳис қилганлар. Яхши сўз инсонга бахт-саодат ва шодлик бахш этса, ёмон сўз кайфиятнинг бузилишига, бахтсизликка сабаб бўлиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Халқимиз орасида кишиларнинг бир-бирини алқаб, эзгу ниятлар билдириб айтадиган ана шундай яхши сўзлари олқиш, ёмон сўзлари эса қарғиш номи билан юритилади.

Олқиш туркий тилларда «мақташ, шарафлаш, яхши истаклар тилаш» каби маъноларни англатади. Бу термин қадимги олтой турклари тилидаги «ал» - шарафламоқ, юксакка кўтармоқ, мактамоқ феъли ўзагига –қы буйруқ майли қўшимчасининг ҳамда –(а) ш ҳаракат номи суффиксининг қўшилиши орқали ясалган.¹

¹ Одоб бўстони ва ахлогъ гулистони. М.Қасаний таржимаси. Т.: 1994, 77-бет.

¹ Юдахин К.К. Киргизско-русский словарь. М.: 1965, стр. 51.

Ўзбек халқ олқишлари ижро ўрни, вазифаси ва поэтик табиатига кўра икки катта гуруҳга бўлинади:

1. Анъанавий маросимлар таркибида ижро этилувчи олқишлар;
2. Кундалик маиший олқишлар.²

Анъанавий маросимлар таркибида ижро этилувчи олқишлар муайян бир маросим билан боғлиқ бўлиб, ҳозирга қадар ўша маросимнинг таркибий қисми сифатида яшаб келади. Тўй, мотам ва рамазон маросимларида ижро этиладиган олқишлар шулар жумласига киради.

Кундалик маиший олқишлар эса инсон фаолиятининг турли соҳаларини ўз ичига қамраб олади. Шу сабабли бундай олқишлар ижро ўрнига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

1. Учрашув олқишлари;
2. Дастурхон олқишлари;
3. Бирор иш бошлашида айтиладиган олқишлар.

Учрашув олқишлари аввало «ассалому алайкум», деган хайрли сўздан бошланади.

Саломлашиш олқишининг энг қадимий ва кенг тарқалган тури ҳисобланади. Дунёдаги барча маданий халқлар нъзаро инсоний муносабат, муомала ва мулоқотни саломдан бошлайди. Ҳар бир халқнинг саломлашиш билан боғлиқ бўлган нъз урф-одатлари бор. Ҳиндлар қўл қафтларини бирлаштирганча, пешоналарига қўйиб, инглизлар бош кийимини олиб енгил таъзим қилишади ва ҳ.к.

Ўзбек халқи эса, барча ислом дунёси халқлари сингари бир-бирини кўрганда «Ассалому алайкум» дея қўл олишиб кўришади. «Ассалому алайкум» ибораси арабча «сизга тинчлик тилайман» деган маънони билдиради. «Ва алайкум ассалом» эса «Сизга ҳам тинчлик тилайман» жавоб саломи саналади.

Саломлашиш маданиятлилиқнинг дастлабки белгиси бўлиб, одатда ёшлар кексаларга салом берганда, улар «ва алайкум ассалом» дея, баъзан рағбатлантирувчи олқиш сўзларни ҳам қўшиб қўйишади: «Баракалла, мулло бўлинг, отангизга раҳмат, катта йигит бўлинг» ва ҳ.к.

Салом берган савоб олади, дейди халқимиз. Негаки, салом бериш билан алик олган иккинчи томоннинг кайфияти кўтарилади, ҳаётга муҳаббати, инсонга ишончи ортади, руҳи тетиклашади. Катта савоб ишлар ҳам, одатда, мана шу таъсирчан каломдан бошланади.

Ўзбек халқининг ахлоқ нормалари шу қадар мустаҳкамки, кишиларнинг бир-бирига нисбатан чуқур ҳурмат эҳтироми халқнинг урф-одатларида бизгача яхши сақланиб қолган. Масалан, одамлар бир-бири билан таниш ёки таниш эмаслигидан қатъи назар бирор жойда учрашиб қолишса дарҳол саломлашиб, олқиш айтишиб юзларига фотиҳа тортишади: «Омин, тинчлик-омонликни, хотиржамликни берсин» ёки «Омин, қадам етди, бало етмасин» ва ҳ.к.

² Саримсоълов Б. Олқишлар ва ғарфӣшлар. //Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик, 1-том, «Фан», 1988, 128-130-бетлар.

Дастурхон олқишлари таом ейишдан олдин ва таомдан сўнг олдин айтилади. Кишилар дастурхон атрофида тўпланар эканлар, дастлаб турлитуман неъматларни яратиб қўйган зот – Худога шукроналар айтадилар. Таомга қўл узатишдан олдин, албатта, «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим» калимаси айтилади ва таом ейишни оиладаги ёши улуғ киши бошлаб беради.

Таомдан сўнгги олқиш қўпинча, дастурхонга барака, кишиларга битмас-туганмас ризқ, сихат-саломатлик каби яхши истаклар тилашдан иборат бўлади. Бундай олқишлар ва дуолар дастурхон бошида ўтирган ёши улуғ кишилар томонидан хилма-хил шаклда айтилади: «Омин, кенг феъл, кетмас давлат, узоқ умр, тинчлик-омонлигини берсин» ёки «Омин, хайри барака, хотиржамлик, тўкин-сочинлик омонлигини берсин, Аллоҳу Акбар!». Таом емоқнинг якуни ҳисобланган бу эзгу сўзларда одатда ейилган таомни эккан-тиккан, етказган, еган-ичган кишилар олқишланади, беминнат неъматларни бандаларига етказиб қўйган Аллоҳ-Таолога шукроналар айтилади: «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Ширин наво, манзил обод, пайғамбар худога саловат хўп берсин, қўл берсин. Кенг феъл, кетмас давлат бергин. Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож қилмагин. Ўт балоси, сув балоси, ноҳақ тухматдан ўзинг асрагин. Эканни-тикканни, еганни-ичганни савобини даргоҳингда қабул қилгин. Омин, Аллоҳу Акбар!».

Бошқа халқларда бўлганидек, ўзбекларда ҳам таомлар хилма-хилдир. Шу боисдан ҳам қадимдан баъзи таомларнинг ўзига хос маҳсул олқишлари яратилган.

Масалан, қовун ейилгач, айтадиган олқишларда деҳқоннинг хайрли меҳнатидан халқнинг мамнунлиги, унинг бекиёс саховатидан миннатдорлик, қовунни еганларга узоқ умр, танисихатлик каби эзгу истаклар тиланади: «Ширин-шарбат, мазгил обод, пайғамбари худога саловат, эканнинг, тикканнинг ота-бобосига раҳмат, Аллоҳу Акбар!».

Ўғиштли маҳсулотлар еганда эса, таом эгасига ризқ-насиба, узоқ умр каби эзгу истаклар тиланган: «Олти уруғнинг ошини берсин, Лукмони Ҳаким ёшини берсин, қўшдай қўйиб берсин, тоғдай уйиб берсин. Омин, Аллоҳу Акбар!»

Бирор иш ёки тадбир бошланишида айтилувчи олқишлар. Аждодларимиз қадим замонлардан бошлаб сўзнинг илоҳий қудратига ишонганлар. Шу боисдан ҳам қандай ишга қўл урмасинлар, яхши ният ва умидбахш тилаклар билан олқишу дуоларга мурожаат қилганлар. Масалан, кишилар бирор катта тадбир бошида, дейлик, иморат қуришдан олдин дастурхон бошида ўтирган оқсоқоллардан, пиру бадавлат қариялардан фотиҳа олиб кейин ўша ишни бошлайди: «Омин, бошлаган ишингизга Аллоҳ мададкор бўлсин, ишларингиз бароридан келсин, Ҳазрати Нух ўзи қўлласин, қўлларингиз дард қўрмасин, мақсадингизга етинглар». Бу каби самимий тилаклар қийин ишни амалга ошириш олдида турган инсонга ишонч ва куч-қувват бағишлайди. Кишилар узоқ сафарга отланганда, ерга дастлабки қўш солишда, янги ой чиққанда ёки қабристон ёнидан ўтганда ҳам дуо-ю олқишларга мурожаат қилишган.

Олқиш эзгуликка даъваткорлиги, яхшиликка хизмат қилиши билан ҳам халқ орасида кенг тарқалган ҳамиша барҳаёт жанр ҳисобланади.

Қарғишлар

Атоқли шоир Расул Ҳамзатов «Менинг Доғистоним» китобида она тили Ватани ва унинг одамларини миллатдошлари – аварларни кўкларга кўтариб мақтаркан, «менинг кўлимда бўлса аёлларимизнинг жон узиб қарғашларини, эркакларнинг балохонадор сўкинишларини бир китоб қилган бўлардим» дея, аварча қарғишу сўкишларни ҳам инсоний маданият намунаси сифатида талқин қилган.

Агар олқиш кишиларга яхшилик тилаш, уларнинг руҳиятини тетиклаштиришга хизмат қилса, қарғиш фақат ёмонлик тилаш лозим бўлган ёринларда қўлланади холос. Қарғиш билан сўкишни бир нарса деб тушунмаслик лозим. Агар қарғишда кишига бахтсизлик, ёмонлик тилаш устунлик қилса, сўкишда киши шахсияти ҳақоратланади.

Қарғиш атамаси ёмон маъносини ифодаловчи қадимги туркий «қар» феълига –ға иккинчи шахс буйруқ майлининг ҳамда (-иш) ҳаракат номи кўшимчаларининг қўшилиши орқали ясалган.

Қарғиш муаллифлари асосан, аёллардир. Баъзи аёллар қарғамай туролмайдилар. Болаларини, эрларини, бегоналарни, дўстни-ю душманни эрмак учун бўлса ҳам қарғайдилар. Қарғишнинг қарғишдан фарқи бор, албатта. Адолатсизлик, номардлик олдида ожиз қолиб, ёлғиз Аллоҳу Таолога зорланиб, ер муштраб қарғаниш билан уйда шунчаки боланинг бирор айтилган ишни ўз вақтида бажармагани учун қарғашни бир-бирига тенг қўйиб бўлмайди.

Қарғиш ҳам қадимий одат бўлиб, ҳар бир халқнинг миллий турмуш тарзи, урф-одати, маданий даражаси, этник босқичларини аниқлаб, белгилаб беради. Қарғиш бировдан ноҳақ жабр кўрган одамнинг унга ёмонлик соғиниши, ўлмини тилашидир. Қарғаган одам ҳамиша ҳақ дейиш ҳам адолатдан эмас. Баъзан у ноҳақ бўлиши мумкин. Қарғишнинг икки-учи бўлади, деган халқимиз ҳақ.

«Жувонмарг бўлсин», «Оғзидан – қони келсин», «Оти ўчсин», «Кўзига тупроқ тўлсин», «Жазосини худо берсин», «Косаси оқармасин», «Худодан топсин» ва ҳ.к. Баъзан ёлчимаган одамлар ҳақида «буни қарғиш урган», «ота-онаси оқ қилган» деган ибораларни эшитиб қоламиз. «Оқ қилиш» яқинига – фарзандига нисбатан қарғишнинг энг олий шаклидир. Бу фарзанддан воз кечиш, унинг шу оилага мансублигидан ор-номус қилишдир. Халқимизда «онанинг қарғиши урмайди» деган нақл бор. Яъни она ўз болаларини тарбиялаш жараёнида минг бора қарғайди. Аммо бу ўз фарзандига ёмонликни, ўлимни раво кўрганидан эмас, шунчаки аёллигидан, қарғишга ўрганиб қолганлигидан, уни танбех, дашном ўрнига ишлатганидан.

Энди отанинг қарғиши бўлак, одатда оталар қарғашмайди. Қадимдан улар мажбур бўлгандангина сўкади, иложи бўлмаса уради. Қарғиш камдан кам содир бўладиган ҳодиса. Шунинг учун ҳам халқимизда «Отанинг

қарғиши ёмон» деган нақл юради. Оталар ӈғил-қизлари юзларини ерга қаратганда, оила номусини букканда, ёмон йӈлга кирганда, қарғашга мажбур бӈлади. (Шу ӈринда қарғишнинг беиз кетмаслиги ҳаётий мисоллар билан асосланади. Зангиота ва унинг қизи ҳақидаги ривоят келтирилади).

Қадим замонда кӈхна Шош яқинида машхур пир Занги ота хонадонида гӈзал Биби Ойша камолга етган. У кун сайин оқи оққа, қизили қизилга ажралиб, тӈлин ойдаи тӈлиб борган. Шош мадрасаларидан бирида сабоқ олаётган Қорахон исмли ӈктам йигит фавқулудда Биби Ойшани кӈриб, уни жон-дилидан севиб қолган. Улар пинҳона учрашиб турганлар. Қиз ҳам хон авлоди, паҳлавон ва зукко талабага кӈнгил кӈйган. Қорахон мадрасани битириш арафасида Занги ота хонадонига совчи юбориб, қизларини сӈратган. Бироқ пир кӈзларининг оқу қораси бӈлган ёлғиз қизларини узоққа юборишга изн беремаганлар.

Валиаҳд Қорахон эса ӈзга шаҳарда ичкуёв бӈлиб қололмаган. ӈз она шаҳри қадим Ётрорга қайтиб, ҳокимлик қилган. Севишганлар мактуб олишиб туришган. Кейинги йилнинг олди ёз фаслида муштипар она воситачилигида Биби Ойша падари бузрукворидан Ётрорга, бӈлажак завжаси Қорахон хузурига боришга рухсат сӈраган. Табиийки, ота тағин изн бермаганлар. Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, бузруквор ӈз пушти камаридан бӈлган суюкли қизларига рухсат бериб, фотиҳага кӈл очаркан, «манзилингга етгину муродингга етмагин» дея юзларига фотиҳа тортганлар.

Биби Ойша энагаси Бойжон хотун ва ӈн навкар паноҳида суворилардек кийиниб, махсус арғумоқларда севгилиси мамлакатига равона бӈлган. Йӈл юришган, мӈл юришган. Гӈзал ёзнинг Майин эпкинида боғлару қирлар, тоғлару дарёлардан ӈтганлар. ӈша замоннинг русуми бӈйича қароқчиларча хужум қилган йӈлдаги йӈлтӈсарлар навкарлари билан қилич чопишиб, гӈзал Ойша ӈзи маҳв этган душманлари каллаларини найзаларга илиб Қорахонга совғага тайёрлаган.

Ниҳоят орзиқиб кутилган висол онларига ҳам яқин қолган. Ётрор ерларига етиб келган Биби Ойша чопар юбортириб, севгилисини қарши олишга чорлаган. Қорахон хушхабардан юраги хапқириб, Талас қирғоқларига аёёнлари билан тенгсиз меҳмон, эртанги мезбонни қарши олган...

Биби Ойша висол олдидан чавандозлик – йӈл кийимларини ечиб, кӈпик сочиб, тошларга урилиб оқаётган Таласнинг кӈзгудек тиниқ, шаффоф сувларига чӈмилиб олишни ният қилган. Бойжон хотун паноҳида қулоч ёзиб сузган, чӈмилган. Сулув маликалардек махсус келинлик кийимлари, ҳарир либосларини қирғоқ майсалари устида кияётганда... шувоқлар орасидан икки қора илон чиқиб келиб, нозик вужуднинг икки еридан баравар чаққан...

Ойшабининг беҳос чинқириғидан Қорахон ӈз навкарлари билан бериги қирғоққа қандай ӈтганини билмай қолган. Ошиқ ӈз маъшуқасини кӈтариб оғушига олган. Дарҳол муолажага киришиб, заҳарни сӈриб ташлашга уринишган.

Вазиятнинг қалтислигини англаб етган Қорахон шу заҳотиёқ ёнидаги устозига никоҳ ёқиттириб, Ойшабибини ўз никоҳига олган. Келин ўз куёви қўлида илинж билан жон таслим қилган...

Биби Ойша маликаларга хос катта ҳурмат билан дафн этилган. Бойжон хотун унинг ис-чироғини қилиб, қабрига парвона бўлган. Ошиқ йигит Қорахон қирқ йил шоҳлик қилиб, Ойшабиби билан никоҳини бузмаган. Олдин Биби Ойша қабри тепасига, кейин унинг энагасига Бойжон хотун мозори устига икки юксак гўзаллик намунаси бўлган мақбара тиклатган.

Бу гапларга, мана, қарийб минг йил бўлди. Биби Ойша қиссаси ҳамон ошиқларнинг юрагини ёртайди. Дарвоқе, унинг ўзидек гўзал ва нафис мақбараси ҳамон Қозоғистоннинг ҳозирги Жамбул шаҳрида севги ва садоқат тимсоли сифатида қад кўтариб турибди. Бойжон хотун тутинган қизини унинг ёнида ҳамон ёмон кўзлардан кўриқлашда давом этмоқда. Хон Қорахон эса бир умр қовушилмаган никоҳ билан ётган покиза инсон сифатида Авлиё ота номи билан ўз мақбарасида Биби Ойшадан бир сари кадам нарида мангу уйкуда ётибди...

Отанинг қарғиши ёмон, дейишади эскилар. Занги ота қарғанмаган, қизига бу тақдирни раво кўрмаган, фақат андак оғринган эди, холос...

Қарғишлар маълум даражада халқнинг турли-туман эътиқодий қарашлари билан ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қарғишлар фольклоршуносликда уч гуруҳга ажратиб ёрганилган.¹

1. Мифологик тасаввурлар билан боғлиқ қарғишлар: Мифологик тушунчалар, образлар заминида яратилади. «Арвоҳ урсин», «Алвастига йўлиққур», «Жин урсин» ва ҳ.к.

2. Табиат дунёси билан боғлиқ қарғишлар: Халқ қарғишларининг баъзилари ўсимлик дунёси, баъзилари ҳайвонот дунёси билан боғлиқдир. Масалан, «Ҳа кўзингга гул тушсин» қарғиши кекса аёллар ёртасида кенг қўлланилади. Чунки қадимий тасаввурларга кўра қизил гул кучли сеҳр-қудратига эга бўлган, ёмон руҳларни, жинларни ўзига чақириб олиб жонли нарсаларга, айниқса, кишиларга зарар етказувчи ўсимлик саналган.

Ҳайвонот олами билан боғлиқ: «Гўштингни қузғунлар чўқисин».

3. Турли жонсиз нарсалар билан боғлиқ қарғишлар. Халқ ёртасида «сут кўр қилгур», «нон кўр қилгур» каби қарғишлар кенг тарқалган. Уларда кишилар ўзларига муқаддас саналган нарсаларнинг ёмон таъсир кўрсатиш қудратидан қўрқиш ҳисси етакчилик қилади.

Хуллас, олқиш ҳам, қарғиш ҳам қадимий фольклор жанри бўлиб, ҳар бир халқнинг миллий турмуш тарзи, урф-одати, маданий даражаси, этник босқичларини аниқлаб, белгилаб беради. Юқоридаги кузатишлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, олқиш ва қарғишлар ҳаётий асосга эга бўлиб, улар ҳеч қачон беиз кетмаган. Шундай экан, қарғиш эмас дуо ва олқиш олишга интилиш лозим. Зеро, халқимиз айтганидек,

Олқиш олган омондир,

¹ Саримсоълов Б. Олқишлар ва лъарғишлар. //Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик, 1-том, «Фан», 1988, 146-149-бетлар.

Қарғиш олган ёмондир.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Дуо ва олқишлар нима сабабдан пайдо бўлган, деб ўйлайсиз?
2. Олқиш ва дуонинг бир-биридан фарқи борми?
3. Олқишнинг қандай турлари бор?
4. Қарғишнинг ўзига хос хусусияти нималардан иборат?
5. Қарғишнинг қандай турлари мавжуд?
6. Олқишлар ҳам, қарғишлар ҳам ҳаётий асосга эга эканлигини тушунтиринг.

Адабиётлар:

1. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1-том. Т.: «Фан», 1998.
2. Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т.: «Фан», 1993.
3. Каташ С.С. Алкыш сос (блогопо-желания) – древний жанр алтайского фольклора. //Улагашевские чтения. Вып. 1. Торно-Алтайск. 1979. стр. 63-77.

МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИ

Ўзбек халқи орасида кенг тарқалган ранг-баранг маросимлар ва байрамлар ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олувчи, кишилар ўртасидаги муносабатларнинг турли жиҳатлари ва шаклларида намоён бўлувчи муайян урф-одатлар ва анъаналар, ахлоқий принциплар ва ҳуқуқий тартиботларнинг тарихан шаклланган йиғиндисидир.

Инсонга бахт-саодат ва эзгулик тилаш, инсон ҳаётининг муҳим нуқталарини нишонлаш мақсадида ўтказиладиган, халқ ўртасида қатъий анъанага айланиб кетган ҳатти-ҳаракатлар маросим дейилади. Маросимни нишонлаш пайтида ижро этиладиган қўшиқ ва айтимлар, дуою олқишлар маросим фольклорини ташкил этади.

Асрлар давомида таркиб топиб анъанавийлашиб борган ўзбек халқ маросимлари кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги яхши ғазилатларни, чинакам халқчил, умуминсоний қадриятларни акс эттиради.

Маросим фольклори бўйича илмий кузатишлар олиб борган профессор Б.Саримсоқов маросим фольклорларини икки катта туркумга – мавсумий маросимлар фольклори ва оилавий–маиший маросимлар фольклорига ажратади.¹

Мавсумий маросимлар фольклори

Ота-боболаримиз томонидан ўтказилган қишки маросимлар фольклоридан бизгача Гап – гаштак ва Яс – юсун маросимлари сақланиб қолган. Гап – гаштак маросими эркаклар томонидан чойхоналарда ёки хонадонларда ўтказилган. Маросим кечки пайдан эрта тонгга қадар давом этиб, уни орадан сайланган махсус оқсоқол бошқариб борган. Гап – гаштак

¹ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Т.: «Фан», 1986, 30-бет.

маросимида турли хил таомлар тортилиб, кўнгилочар хангомалар ва ғўйинлар билан кишилар маънавий ҳордиқ олганлар. Баъзан бундай йиғинларда бахшилар ҳам иштирок этиб, достон ва термалар, эртаклар билан даврани янада қизитган.

Яс – юнус маросими эса асосан кўчманчи чорвадорлар ғўртасида қимизхўрлик ғўтириши сифатида пайдо бўлиб, унинг маъноси даврада ғўтириш қоидалари демақдир. Бу маросим турли ҳудудлара\да турлича номлар билан юритилган: Тошкент, Фарғона водийсида бўзахўрлик, Бухоро, Самарқанд ва Туркистон атрофларида кўна ғўтириш ва ҳоказо.

Яс – юнус ғўттиз-қирқ кишининг кўшилиб шерда (меҳмонхона) уюштириш орқали ташкил этилган. Шерданинг раиси, ясаул ва соқий (қосагул) сайланган. Маросимнинг ғўзига ҳос қатъий талаблари бўлган: барча иштирокчилар қосагул узатган бўзани бир нафасда ичиб юборишлари, қосадаги бўзани тўкмаслик ва маросим охирига қадар мастлик қилмай одоб сақлаб ғўтириш ҳамда ғўтиришни фақат эшик оғасининг руҳсати билангина тарк этиш. Қосагул шерда иштирокчиларига бўза тутиб, қўйидаги тўртлик билан мурожаат қилган:

Алёр бўлсин – эй,
Хўжам ёр бўлсин – эй,
Хўжам берган бу давлатга,
Душман зор бўлсин – эй.

Қосани қўлига олган шахс бўзани ичиб, соқий шаънига бир тўртлик айтган. Бўзахўрлик ғўтиришларида иштирок этувчилар ҳар хил шеърлар, кўшиқлардан қўйлашган:

Бўзанинг асли отаси курмақдир,
Майхонада ғўйнамақдир, кулмоқдир.
Майхонада ғўйнамасанг, кулмасанг,
Қим қўйибди майхонага келмоқни.

Бўзахўрлик ғўтиришларида асосан, кишилар бир-бирининг шаънига яхши сўзлар айтиш, кўнгил очиш, ғам-ташвишларни унитиш руҳи устунлик қилган.

Баҳор мавсуми билан боғлиқ маросимлар

Қадим замонлардан бери инсон ҳаёти кўп жихатдан табиатдаги ғўзгаришларга боғлиқ ҳолда кечган. Айниқса, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи ғўзбек халқи ҳаётида баҳор мавсуми ниҳоятда муҳим ғўрин эгаллаган. Баҳорнинг дастлабки кунларидан бошлаб деҳқонлар уруғ сепишга тайёргарлик кўриш, ариқ ва зовурларни тозалаш қоби ишлари билан шуғулланса, чорвадорлар яйловларга кўчишга тайёргарлик кўрадилар.

Баҳор фаслида «Лой тутиш», «Шох мойлар», «Наврўз», «Суст хотин» қоби маросимлар ғўтказилган.

«Лой тутиш» маросими. Маълумки, туркий халқлар оғир ва машаққатли ишларни ҳамиша ҳашар ғўнли билан, кўпчилиكنинг бошини қовуштириб, биргалашиб бажарганлар. Илк баҳорда сув ғўнлларини очиш, ариқ ва зовурларни тозалаш ишлари ҳам ҳашар ғўнли билан амалга оширилган. Ҳашарчилар ёнидан, бу умумхалқ ишида қатнашмаётган одам

Ўтиб қолгудек бўлса, унга белкуракда лой тутишган. Бундан мақсад ҳашарда ҳамма иштирок этиб, хайрли ишга Ўз ҳиссасини қўшсин. Шунинг учун ҳам лой тутилган йўловчи Ўзига ажратилган ишни бажариб, кейин яна йўлига равона бўлган. Мабодо, ҳашарчилар ёнидан ўтаётган киши ижодкор ёки санъаткор бўлса, Ўз санъатидан уларни баҳраманд этиб, руҳини қўтарган кишиларнинг оғир меҳнатини енгиллатишга ёрдам берган. Ҳунарманд бўлса, ҳашарчиларнинг иш қуролларини тузатиб берган.

Мазкур маросим ҳақида шерободлик марҳум бахши Бўри Аҳмедовдан ёзиб олинган биргина маълумотдан бошқа ҳеч нарса сақланиб қолмаган. Унинг хабар беришича, бир куни отаси Аҳмад бахши тасодифан Занг каналини қазийётганлар олдидан ўтиб қолади. Шу пайт ҳашарчилар унга белда лой тутишади. Аҳмад бахши лойни олиши билан ҳашарчиларга мурожаат қилиб, қуйидаги шеърини топишмоқни айтади:

Ҳожакам ҳажга кетди,
Билмадим кужо кетди.
Ўн икки жумуртқадан
Қирқ саккиз жўжа кетди.¹

Ушбу топишмоқ бевосита ҳашарчиларнинг меҳнати билан, баҳор фасли билан боғлиқ бўлиб, унда бир йил - Ўн икки ой, қирқ саккиз ҳафтадан иборатлиги, баҳор фаслининг Ҳажга кетган Ҳожига Ўншаб ҳар йил тозариб, покланиб, гўзаллашиб келиши фавқулодда истиорали фикрлар орқали ифода этилган.

«**Шох мойлар**» маросими одатда далага қўш чиқариш пайтида Ўтказилган. Ушбу маросимга алоҳида тайёргарлик қўрилиб, ҳар бир хонадон имкониятига қараб хилма-хил таомлар пишириб, қишлоқнинг обод ерлари супуриб-сидирилган.

Маросим Ўтказиладиган пайтда тайёрланган таомлар қўш чиқариладиган жойга олиб келинган. Қишлоқнинг пиру бадавлат оқсоқоллари тўпланганларга қарата: «Ишларингга кушойиш берсин, тани соғлиқ, хотиржамлик бўлсин, Худо ёр, пирлар мададкор бўлсин, экин-тикинни бобо деҳқоннинг Ўзи тарбият қилсин», дея олқишлар айтиб, оқ фотиҳа берганлар. Мана шундан кейин пиширилган таомлар қишлоқ аҳлига тарқатилиб, далага қўш солинган. Қўшга олиб чиқилган ҳўкизларнинг шохига «ёмон қўзлардан, инсу жинслардан асрасин», деб зиғир мойи суртилган ва исирик тутатилган.

Баҳор мавсуми билан боғлиқ бўлган маросимлардан яна бири – бу Наврўздир.

Наврўз Ўрта Осиё халқлари орасида энг қадимий ва жуда катта тантаналар билан нишонланадиган умумхалқ байрами ҳисобланади. Наврўзи айём ҳақида қўлланманинг «Халқ байрамлари ва ҳайитлар» деб номланган қисмида маълумот берилган.

«**Суст хотин**» маросими. Лалмикор деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган аجدодларимиз ҳаётида баҳор ҳамда ёзнинг илк ойларида

¹ Ўзбек халқ оёзаки поэтик ижоди. Т.: «Ўйитувчи», 1990, 117-бет.

ёғадиган ёмғирларга эҳтиёж жуда катта бўлган. Ёғингарчилик бўлмаган ойларда экин-тикин, умуман, деҳқончилик ҳавф остида қолган. Мана шундай қурғоқчиликларнинг олдини олиш мақсадида кишилар «Суст хотин», «Сув хотин», «Чала хотин» каби махсус маросимлар ўтказганлар. Бу маросим айниқса, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятларида кенг тарқалган. Маросим белгиланган кун ўн-ўн беш аёл махсус ясалган қўғирчоққа қари аёлнинг қўйлагини кийдириб, бир аёл уни қўтариб олади, қолганлари унинг ортидан эргашиб, қишлоқ хонадонларига «Суст хотин» қўшиғини айтиб бирма-бир кириб чиқади. Хонадон эгалари уларни хурсандчилик билан қаршилаб, қўғирчоқ устидан сув сепади ва хайр-эҳсонлар қилади. Айтиладиган қўшиқда деҳқон сепган бўғдойнинг мўл ҳосил бериши, хонадонларга хурсандчилик келтириши, эл-юртга тўкинчилик ва қут-барака бериши таъкидланади, энг муҳими, ёмғир ҳадя этиш «Суст хотин»дан илтижо қилинади:

Ҳосиллар мўл бўлсин, суст хотин,
Деҳқоннинг уйи тўлсин, суст хотин.
Ёмғирларни ёғдиргин, суст хотин,
Ёмоннинг уйи куйсин, суст хотин...
Осмондан томчи ташлаб, суст хотин,
Элу юртни тўйдиргин, суст хотин.

Фольклоршуносликдаги маълумотларга қараганда, баъзи жойларда (Жанубий Тожикистон) бу маросим эрақлар томонидан ўтказилган.

Ёмғир чақириш маросими ва қўшиғи Бухоро вилоятининг Қоракўл ва Олот туманларида «Чала хотин» деб номланар экан. Бунда ҳам худди «Суст хотин» маросимига ўхшаган ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилиб «Чала хотин» қўшиғи айтилиб Тангридан оби раҳмат ато этишни илтижо қилишади:

Айланади чала хотин,
Ўргилади чала хотин.
Онамнинг тўнғичиман,
Қозоннинг қирғичиман.
Ёмғирнинг ёғгичиман,
Худо берса, оби раҳмат ёғаверсин.
Айланади чала хотин,
Ўргилади чала хотин.

Маросим охирида хайр-эҳсонлар ҳисобига ис чиқариб, қишлоқ аҳли билан нишонланади. Профессор Баҳодир Саримсоқовнинг маълумотларига қараганда маросимда сиғиниладиган Суст хотин шахсияти ўзининг тарихий илдизлари билан зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да мадҳ этилган осмон сувсари маъбуди Тиштрийанинг халқ ўртасида бошқача номланган шаклидир.

Ёзги маросимлар фольклори Маълумки, ёз ойлари бошоқли экинлар айна етилган, мевалар фарқ пишган маҳалда сурункали қаттиқ шамоллар бўлса, етилган ҳосил – одамларнинг ризқ-рўзи нобуд бўлади. Мана шундай

пайтларда қадим аждодларимиз шамолни тўхтатиш мақсадида «Чой момо» маросимини ўтказганлар.

Чой момо – шамол она маъносини аниқлаган. Қадимги туркий халқларда шамол ҳомийси кекса аёл сифатида тасаввур қилинган.

Фольклоршунос олимларнинг маълумотларига қараганда, маросим асосан, аёллар томонидан қуйидагича тартибда ўтказилган: иккита кампир эски уст-бош кийиб, юзларига қоракуя суртиб, қўлларига ҳасса олиб, биттадан калтакни от қилиб миниб «Чой момо» қўшиғини айтиб, қишлоқ қўчалари бўйлаб юришган. Уларнинг кетидан бошларига қизил шолча ёпинган бешта қиз қўшиққа жўр бўлиб боришган:

Чой момо, Чой момо,
Чой момоси бўлибди.
Ўғли етим қолибди,
Боса-боса беринглар.
Босилиб қолсин бу шамол,
Уча-уча беринглар.
Училиб қолсин бу шамол,
Обло-ху, Обло-ху.

Маросим давомида бошига қизил шолча ёпган бешта қиз аслида шамол она ҳақиқа қурбонлик қилишга аталган гуноҳкор қизларнинг рамзий ифодаси бўлган.

«Чой момо» маросимига йиғилган хайр-эҳсон ҳисобидан шамол она ҳақиқа хайри-худойи қилиб, ис чиқариш билан яқунланган.

Кузги маросимлар фольклоридан **«Обло барака»** ва **шамол чақириш** маросимлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ёз бўйи минг машаққатлар билан етиштирилган ҳосил – буғдойни ўриб олиш деҳқонлар ҳаётида энг масъулиятли иш бўлиб, бу жараён қўпинча ҳашар йўли билан амалга оширилган. Буғдой ўрими билан боғлиқ ўзига хос ирим-сиримлар ҳам мавжуд бўлганки, шулардан бири «Обло барака» деб номланган.

Ҳашарчилар буғдой ўримининг сўнггида бир парча ўрилмаган ерни ҳар томондан ўраб, аста ўриб келаверганлар. Бундай пайтда ҳар бир ўроқчи охириги тутам буғдойни ўриб олишга интиланган. Охириги тутам буғдой эса «она буғдой» деб юритилиб, ўроқчилардан қайси бири ана шу тутамга етиб олса, «еттим-еттим, обло барака берсин», деб уни ўриб олган. «Она буғдой»га етишган киши бошқа ўроқчиларга зиёфат қилиб берган. Охириги тутам она буғдой эса баҳор фаслигача сақланиб, уруғлиқ донга қўшиб яна ерга сепилган. Қариялар донни сепаётган пайтда «бу йил ҳам ҳосил мўл бўлсин, она буғдой ўзи қўлласин, Бобо деҳқон мададкор бўлсин» деб дуою фотиҳа берганлар.

Шамол чақириш маросими. Ёз палласи сурункали шамоллар бошоқли экинлар ва меваларни тўкиб зарар етказса, куз фасли эса ғаллачилик билан шуғулланувчи аҳоли учун шамол айлани муддао бўлган. Аммо баъзан табиат кераксиз пайтда шамол ҳадя этса, зарур бўлганда уни раво кўрмайди. Хирмонда янчилган донни сомонидан ажратиб олиш вақтида

шамол зарур бўлган ва кишилар шамол ҳомийсига илтижо қилиб, шамол чақириш маросимини ўтказганлар. Маросим пайтида қуйидаги қўшиқ ижро этилган:

Ҳайдар, ота-онанг бўлибди,
Моли сенга қолибди.
Боланг сувга оқибди,
Шамолингни қўйвор.

Қўшиқда шамол ҳомийси сифатида Ҳайдар – Ҳазрат Али шахсига мурожаат қилинган. Афсоналарга кўра Ҳайдар ўзининг бекиёс куч-қудрати билан бирга табиат ҳодисаларини ҳам ҳам ўз измида сақлар экан.

Оилавий-маиший маросимлар

Оилавий-маиший маросимлар ранг-баранг бўлиб, улар тўйлардан, аза ва маъракалардан ҳамда сўзнинг мўъжизали қудратига асосланган баъзи иримлар ва одатлардан ташкил топган. Қадим замонлардан бери ўзбек халқи бешик тўйи, суннат тўйи ва никоҳ тўйларини ўтказиб келган.

Бешик тўйлари янги туғилган чақалоқни турли инсу-жинслардан муҳофаза қилиш, ёмон кўзлардан сақлаш, фарзанднинг дунёга келганига шукроналар билдириш мақсадида амалга оширилади. Одатда, бешик тўйлари гўдакнинг чилласи чиққанидан кейин ўтказилади. Болани бешикка белашнинг йўл-йўриғини аввало, кайвони аёллар ёки бувилардан бири бошқаради.

Бешикка белаш маросими турли туман иримларга бойлиги билан ажралиб туради. Чақалоқнинг ёстиқчаси остига саримсоқ, қайроқ тош ва бир дона кулча нон қўйилади. Бу нарсалар гўдакни зиён-заҳматдан асровчи воситалар ҳисобланади. Бешикнинг учта ерига пахта қўйиб ёқилади ва куйиндилар йиғиб олинади. Бу билан бешик олов билан покланади. Болани бешикка белаётган аёл уни атайлаб нотўғри ётқизчоқчи бўлади, шунда аёллар бир овоздан «йук, йўқ!» деб жавоб беришади. Бу ҳаракат бир неча марта такрорланади. Ниҳоят чақалоқ кайвони аёлларнинг кўрсатмаси билан бешикка тўғри беланади ва қуйидаги сўзлар айтилади:

Қоч-қоч бабаси,
Келди бешикнинг эгаси,
Ота-онанг гапиришса,
Қичқиришса яна кўркма,
Олапар ит аккилласа,
Сен яна кўрқиб юрма! ва ҳоказо.

Шундан кейин бешик устидан мағиз ва қанд сочилиб, исирик тутатилади.

Хатна (суннат) тўйлари асосан юртимизда ислом динининг шаклланиши билан боғлиқ. Тўй бир неча қисмдан иборат бўлиб, маҳалладаги қариялар иштирокида худойи қилиш, бола хатна бўладиган хонани жиҳозлаш, қариндош-уруғлар учун базм ташкил қилиш ва юртга ош бериш шулар жумласидандир.

Хатна тўйларида турли-туман ғўинлар ташкил қилинган. Масалан, Булунғур ва Сурхондарё томонларда чорқарсак ҳамда бешқарсак номли ғўинлар ғтказилган. Қарсак жўрлигида қуйидаги қўшиқлар айтилган:

Байт: Бир чилим тамоки деб
 Кирдим қаландар боғига.

Нақорат: Ҳа - ҳа, хо, ҳа - ҳа,
 Ҳа - ҳа, хо, ҳа - ҳа,

Байт: Бир қизил гулни узиб,
 Қолдим қиёмат доғига.

Нақорат: Ҳа - ҳа, хо, ҳа - ҳа,
 Ҳа - ҳа, хо, ҳа - ҳа,

Никоҳ тўйлари турли вилоятларда турлича шаклларда ғзига хос анъана ва удумлар асосида ғтказилади. Аммо турли ҳудудларда яшашидан қатъий назар ғзбек халқи орасида совчи, фотиҳа тўйи, ёр-ёр айтиш, келин салом каби расм-русум ва анъаналар сақланган. Совчилик келиннинг куёвниқига келиши, тўй кечаларини ғтказиш билан боғлиқ қатор одатларда бироз фарқлар бўлади. Масалан, қадимда баъзи жойларда совчилар қизниқига кутилмаганда дабдурустдан кириб боришни ғзларига эп кўрмай, тонг саҳарда ҳамма уйқуда ётганда, қизниқига бориб, уйининг остонасини супуриб қайтганлар. Эрталаб туриб бунга кўзи тушган ота-оналар нима воқеа бўлганини англаб, ғзларини билмаганликка солиб, совчиларнинг келишига зимдан тайёргарлик кўра бошлашган.

Никоҳ тўйи маросими билан боғлиқ расм-русумлар шу қадар хилма-хил бўлганки, уларнинг кўпчилиги шу бугунга қадар сақланиб қолган. Масалан, қудаларга оқ ғратиш, тўкқиз тортар, келин-куёвга, қудалар ва қариндошларга сарпо қилиш, дастурхонга солинадиган нон-патирларнинг сони, исириқ тутатиш, келиннинг олов атрофидан айланиши, куёвнинг туззасига ғғил болани ғтқазиш, келин-куёв устига танга ва ширинликлар сочиш, уларни кўзгуга қаратиш ва ҳоказо. Бу ирим-сиримлар шунчаки одат бўлиб қолгани учунгина ғтказилмаган, балки бу анъаналар замирига муайян мақсадлар, эзгу орзу-умидлар мужассам бўлган.

Никоҳ тўйи маросимида ғланлар айтилган, ашула ва ракс билан давра қизитилган.

Ќзбек халқининг бошқа маросимлари каби никоҳ тўйлари ҳам асрлар оша синовдан ғтган, моҳиятан чуқур ғйланган, миллий қадриятлардан бири ҳисобланади.

Мотам маросими фольклори

Дунё шодлик ва ғам, тўй ва мотам, ҳаёт ва ғлим каби зиддиятлар асосига қурилган.

Ќлим ҳамиша оғир айрилиқ, қариндош-уруғлар, ёру дўстлар учун туганмас қайғудир. Аммо туғилмоқ бор экан, ғлмоқ ҳам бор. Шунинг ғзи ҳам халқимиз орасида «Худо бир, ғлим барҳақ», «балоба сабр, ғлимга рози» деган ҳикматлар юради.

Мотам инсон ҳаётининг интиҳосини қайд этувчи қайғули маросимдир. Туркий халқларда мотам маросими жуда қадим тарихга эга. Маҳмуд

Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари орқали етиб келган Алп Эртънга ҳақидаги мотам қъшиқлари бунинг ёрқин намунасидир.

Халқимиз ёртасида мотам маросими билан боғлиқ хилма-хил тадбирлар: марҳум вафотининг учи, етти, йигирма, қирқ, йили ётказилади. Ушбу маросимларда ҳаётдан қъз юмган кишининг ижобий ҳислатлари, жудалик аламлари айтиб йиғланади:

Айтмай десам бўлмайдиги,
Доғингиз ёти қъймайдиги.
Ишонган боғим, вой отам,
Суянган тоғим, вой отам.
Қалдирғочнинг қанотига
Қия боғлаган, вой отам,
Борса келмас жойларга
Бел боғлаган, вой отам.

Хуллас, ёзбек халқида мавсумий ва оилавий маросимлар ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, улар аجدодларимизнинг дунёқараши, эътиқоди, орзу-умидлари, урф-одатлари билан боғлиқ миллий қадриятларимизнинг гъзал намуналаридир.

Халқ байрам ва ҳайитлари

Наврўз байрами Ёрта Осиёда жуда қадим замонлардан бери нишонланиб келинган. Бу байрам асли қадимий деҳқончилик календари билан боғлиқ бўлиб, ернинг шимолий ярим шарида баҳорги кеча билан кундуз тенг келган кунлари – 20-21 мартда бошланади. Бу даврда бутун табиат уйғона бошлайди, ер бағридаги барча таҳлуқот ва мавжудотларнинг, курт-кумурсақалар, ёсимлик ва ёт-ёланларнинг жонланиши рўй беради. Бундай янгиланиш жараёнининг бошланиши шамсия (қуёш) йили ҳисобидан 21 мартга тўғри келган биринчи янги кунни Наврўз деб атаганлар.

Улуғ алломалар Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайёмлар Наврўз байрами билан боғлиқ турли ирим, урф-одат ва маросимлар тўғрисида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Масалан, Берунийнинг хабар беришича, Наврўз куни тонг отганда биров гап гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак (хушбўй) мум тутатса, бу қъп касалликларга шифо бўлар экан. Ёки шу куннинг тонгида гап гапиришдан олдин шакар тотиб, ёзига зайтун ёғи суртган кишидан йил бўйи турли балолар даф этилади, деган иримлар бўлган.

Маҳмуд Қошғарий ҳам Наврўз тўғрисида ён икки йил мучал ҳисоби билан боғлаб турли маълумотлар беради. Наврўз байрамида баҳорга бағишланган халқ қъшиқларидан намуналар келтиради.

Беруний асарларида, Умар Хайёмнинг «Наврўзнама»сида ва бошқа манбаларда илк баҳор байрамини нишонлаганда ерга сув қуйиш ёки сепиш, совға-саломлар ҳадя қилиш, арғимчоқлар учиш, ширинлик тарқатиш, етти хил ҳосилни белгилаш, таҳорат қилиш ва ёмғир сувига чўмилиш каби урф-одат ва иримлар тўғрисида хабар берилади.

Шуниси муҳимки, қадим даврларда ҳам Наврўзнинг бош таоми сумалак бўлган. Катта бозорларда ялпиз, қъкпёз, ёш беда ва бошқа

књкатлар солинган турли таомлар ва ширинликлар тайёрланган ва сотилган. Наврӯз байрами катта оммавий сайиллар, халк ғийнлари, мусобақалар, созанда ва раққосалар, масхарабоз ва дорбозлар иштирокида ғтади.

Умар Хайёмнинг маълумотларига караганда, 26 асрдан бери нишонланиб келаётган Наврӯз байрами бошланиши билан ғзаро урушлар тўхтатилган, ҳатто дафн маросимлари бошқа кунга кўчирилган. Бу байрам шунчалик эҳтиром, қувонч ва шодлик куни сифатида катта тантаналар билан нишонланибгина қолмай, узоқ-яқин қавму-қариндош ва дўстларни йўқлаш, касаллар ҳолидан хабар олиш, марҳумлар қабрини зиёрат қилиш, умуман, инсон қадрини эъзозлаш каби эзгу удумларга амалга қилинган.

Ҳайитлар қадимий диний байрам бўлиб, уларнинг таркибига кирган кўпгина маросимлар исломдан олдин ҳам халқ таомилида бўлган. Ислом дини уларни омухталаб, ғз қонунларини қўшиб, ҳайит байрамларнинг умрини узайтирган.

Ҳайитнинг икки хили мавжуд бўлиб, халқимиз бу байрамларга азалдан амал қилиб келади. Биринчиси - Қурбон ҳайити, Катта ҳайит деб аталади. Унинг олдидан икки кун қолганда, арафа кунлари нишонланади. Ёлғон арафа, бир кун қолганда чин арафа, учинчи кун эса ҳайит байрам қилинади. Ёлғон ва чин арафа, учинчи кунлари ҳар бир хонадонда ис чиқарилиб, чалпак, бўғирсоқ, талқон, палов қилинади. Қўшнилар бир-бирларини ҳайит билан муборақбод этиб, хонадонларга пишириқлар чиқарадилар. Болалар ва ғсмирлар чопқиллаб яқин-узоқ хонадон, қариндош-уруғларни йўқлашга бориб келадилар.

Кичик ҳайит бу Рўзаи май рамазон деб аталиб, одатда, рўза ойи якунида ғтказилади. Ҳайитлар Ийд ҳам деб аталади. «Ҳайитингиз муборақ бўлсин», «Ийдингиз қутлуғ бўлсин» табрикларининг маъноси бир хилдир.

Қурбон ҳайити – ийд-ал-адҳо, рамазон ҳайити – ал-фитр, меърож – ражаб ойи байрами, шунингдек, Имом Ҳусайнни хотирлаш куни – ашуро, тақдир кечаси – Лайлатул-қадр, Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган кунлари – Мавлуд Ислом дини асосий ҳайит – байрамлар саналади. Қурбон ҳайити зулҳижжа ойининг 10-13 кунларида тантана қилинади. Баъзи мамлакатларда шу ойнинг (зулҳижжанинг) етти куни, яъни Ҳаж бошланган кундан ошла етти кун давом этади. Рўза ҳайити эса рамазон ойи тугаб, янги шаввол ойининг биринчи, учинчи кунларида байрам қилинади. Ҳайитнинг биринчи куни саҳарда катта-ю кичик жомеъ масжидларига бориб, бомдод намози ғқийдилар. Гадою бева-бечораларга садақа берилади. Қурбонлик қилиб ис чиқарадилар. Кейинги кунларда мазорларга борилиб, ғтганларнинг руҳига дуою фотиҳа қилинади. Азадорлар эса тўн кийиб, белбоғ бойлаб, дўппи кийиб, марҳумнинг уч кун давомида йўқловини ғрнига қўядилар.

Кичик ҳайит рўза намози билан боғлиқ маросим бўлиб, бир ой тутилган рўза – парҳездан кейин шаввол ойининг биринчи, учинчи кунлари байрам қилинади. Бу байрам ҳам гарчи номи кичик ҳайит деб аталса-да, халқ орасида жуда катта маросим сифатида нишонланади.

Рўза ичи ҳар куни оқшомлари муайян муддатда ифторлик «оғиз очиш» маросимлари ғтказилади.

Бу ҳам Ӣзига хос меҳмондорчилик бўлиб, рӢзадорлар ният қилиб ифторлик бераётган кишининг уйида Ӣз рӢзаларини очиб, ифторлик лўқмаларини тановул қилишади. Ифторчи рӢзанинг савобига шерик бўлади. РӢзадорлар сахар туриб, тамадди қилиб, «оғиз боғлашади» яъни кун давомида сув ичмайди, овқат ейилмайди. Умуман, ҳеч нарса истеъмо қилинмайди. Бу кишилиқ аъзоларини, баданни Ӣзига хос парҳез қилиш, бир оз тозалашга даволашга қаратилган тадбирдир. РӢза киши иродасини тоблайди, қаноатга Ӣргатади, эътиқодини мустаҳкамлайди. Бир ойлик рӢзадан кейин ғариб, мискинларга фитр рӢзалар, яъни рӢза ҳаққи ҳадяси берилади. Бу ҳадяни пул-чақа билан, ун-нон бериб, кийимлик ёки сарпо билан узиши мумкин. Қўнгилдан чиқариб Худо Ӣълига чин ихлос билан эҳсон қилинган нарса савоб учун қабул қилинади.

Уч кунлик рӢзаи май рамазон байрамлари олдида ҳам оқшомлари гавжум бўлади қўпинча болалар тўп бўлишиб, қишлоқларда рамазон айтишади. Рамазон ҳам халқимизнинг қадимий диний маросимларидан бири бўлиб, Ӣзига хослиги билан ажралиб туради. Рамазонда машъала ёқиб олган болалар тўп бўлишиб, хуфтонда ҳар бир хонадон дарвозасига бориб рамазон айтганлар.

Рамазон қўшиқларнинг турли-туман матнлари фольклоршунослар томонидан ёзиб олинган. Улар орасида оммалашганлари ҳам анчагина. Рамазон қўшиқлари хонадонга яхшилиқ, ризқ-рӢз, Ӣғил-қиз фарзандлар, барака-иқбол тилаш, бу ойнинг муқаддас, хосиятли, бахт келтирувчи ой эканлигини мадҳ этишга бағишланади. Инсонийлик, Ӣзаро меҳр-оқибат, Аллоҳ таоло олдидаги қарз, дунёнинг бебақолиги эсга солинади. Яхшилиқ қилиш, савоб орттириш улуғланади.

Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Худойим Ӣғил берсин бешигингизга!
Рамазон айтган билан тўямизми?
Қадимги расмимизни қўямизми!

Ҳар бир банд айтилган пайтда гуруҳнинг барча аъзолари: «Ё рамазон» деган нақоратни такрорлаб турадилар. Хусусан, бир оиланинг серфарзандлиги, аксинча иккинчисининг бефарзандлиги, бой-бадавлат ёинки камбағаллигини албатта ҳисобга олишган.

Шу уйнинг тепасида ой қўринар,
Бу уйнинг эгалари бой қўринар...
Ё рамазон...

уй эгалари рамазон табригидан хурсанд бўлиб, эшикликларини очиб, болаларга атаганларини ҳадя қилганлар. Рамазончилар тушган ҳадя эҳсон «молларини» халфана қилиб, турли таомлар пишириб еганлар. Ҳайитларнинг ҳар иккаласи ҳам одамлар Ӣртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлаган. Кекса ва беморларни Ӣъқлаш, марҳумлар мазорини зиёрат қилиш инонпарварликнинг амалий ибрат-намунаси бўлиб, ёшларга беқиёс катта мактаб вазифасини Ӣтаган.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Маросим деб нимага айтилади?
2. Маросимларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Мавсумий маросимларга қандай маросимлар киради?
4. Сизнинг қишлоғингизда мавсум билан боғлиқ қандай маросимлар сақланиб қолган?
5. «Суст хотин» ва «Чой момо» маросимларининг нзига хос хусусиятларини изоҳланг.
6. Оилавий-маиший маросимларнинг қандай турлари бор?
7. Сиз яшайдиган ҳудудда нтказиладиган оилавий-маиший маросимларнинг нзига хослиги нимада?
8. Наврӯз байрами билан боғлиқ миллий анъаналар ҳақида тушунча беринг.
9. Байрам ва ҳайитларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти нимада?

Адабиётлар:

1. И.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т.: «Ўқитувчи», 1990.
2. Б.Саримсоқов, Ўзбек маросим фольклори, Т.: «Фан», 1986.
3. Маҳмуд Саттор, Ўзбек удумлари, Т.: «Фан», 1993.
4. И.Жабборов, Ўзбек халқ этнографияси, Т.: «Ўқитувчи», 1994.
5. О.Мадаев, Т.Собитова, Халқ оғзаки поэтик ижоди, Т.: «Шарқ», 2001.
6. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари, Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

Кўп асарлар давомида ривожланиб, халқ нртасида кенг тарқалган қўшиқлар аждодларимиз маънавий меросининг таркибий қисмини ташкил этиб эзгулик, ғўзалликка шайдолик, инсонпарварлик, юртсеварлик, муҳаббат ва садоқат каби юксак фазилатларни шакллантиришга хизмат қилиб келган.

Ўзбек халқ қўшиқларининг қадимий тарихини, нзига хос хусусиятлари ва турларини нрганишда улуғ тилшунос олим Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари муҳим нрин тутди. Маҳмуд Қошғарий узоқ йиллар эл кезиб туркий тиллар хусусиятини нрганар экан, кўплаб халқ мақоллари ва қўшиқларини тўплаган. Минг йиллар олдин яратилган бу қўшиқлар ранг-баранг бўлиб – меҳнат, мавсум, маросим, муҳаббат ва садоқат мавзулари билан боғлиқдир.

Алишер Навоийнинг «Мезонул-авзон» асарида ҳам халқ қўшиқлари ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Алишер Навоий књишқ турлари ҳақида маълумот берар экан, суруд, аёлғу, лаҳн ва турки сўзларининг књишқ маъносини билдирганини асослайди. Ҳақиқатдан ҳам, ушбу атамалар Алишер Навоий асарларида књишқ маъносида учрайди. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» достонида тасвирланишича, Фарҳоднинг бошига тушган савдоларни халқ књишққа солиб куйлайди. Бу ғамгин књишқлар Ширин қулоғига ҳам эшитилади:

Аёлғу барчаға Фарҳод холи
Суруд ул хастаи ношод холи...
Қулоғига етушти бир ҳазин ун,
Ки лаҳн айлар эди бир зори маҳзун.¹

Шунингдек, Алишер Навоий қиз узатарда айтиладиган «Ёр-ёр» књишқлари ҳақида «Бағоят таъсирли суруд» деб, унинг «чинка» деб аталиши, радиф ғрнига «ёр-ёр» лафзи қўлланиши изоҳлаб мисол келтиради.

Қайси чамандин эсиб келди сабо ёр-ёр,
Ким дамидин тушди, ғт жоним аро ёр-ёр.¹

Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса ғзининг «Мухтасар» асарида халқ ғланлари ҳақида қимматли фикрлар келтирган: «Атрок аросида бир суруд борким, «ғлан» дерлар, аксар тғйларда айтилуру, бу вазн анга мавсумдур. Аввал сурудға тақсим қилурда ҳар мисрадин сғнг «ёр-ёр» лағзини келтирурлар».²

Халқ оғзаки ижодининг асосий жанрларидан бири бғлган књишқларда халқ ҳаёти, ахлоқий нормалари, инсоннинг ички кечинмалари, орзу-умидлари, ғзига хос санғаткорлик билан, содда ва лғнда, ағни пайтда юксак бадийийлик билан ифодаланганлигини кғрамыз.

Њзбек халқ књишқлари жанр мансубияти, яратилиш даври, ижро ғрни ва тури каби жиҳатлари билан хилма-хиллик касб этади. Њзбек фольклоршунослигида халқ књишқлари дастлаб икки гуруҳға – маросим ва маросимга алоқасиз књишқларга бғлиб ғрганилган.

1. Тғй ва бошқа маросимларда ижро этиладиган књишқлар (мотам йиғилари ҳам) маросим књишқларини ғз ичига олади.

2. Маросимга алоқасиз књишқларга эса меҳнат ва лирик књишқлар киради.

Меҳнат књишқлари ранг-баранг бғлиб, улар ғз ичида бир неча турга бғлиб ғрганилган:

1. Дехқончилик билан боғлиқ књишқлар.

Маълумки, ота-боболаримиз қадим замонлардан бери дехқончилик билан шуғулланиб келганлар. Бизгача дехқоннинг ҳаёт тарзини, меҳнат жараёнини, ички кечинмаларини акс эттирувчи «Қғш књишқлари», «Њрим књишқлари», «Хирмон књишқлари» каби жанрлар етиб келган.

¹ Алишер Навоий, Ҳамса, 557-бет.

¹ Алишер Навоий, Мезон ул-авзон, Асарлар, XIV том. Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967, 180-бет.

² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мухтасар, Т.: «Ған», 1971, 172-бет.

Қъш қъшиқларида қъш ҳайдаш, ӯроқ ӯриш каби оғир меҳнат жараёнлари, деҳқоннинг ҳалол, айна пайтда ниҳоятда машаққатли меҳнати, тирикчилик учун кураши ӯз ифодасини топган.

Ўроқ ӯромоқ олмоқ солмоқ,
Қъш ҳайдамоқ, бормоқ-келмоқ.
Ҳаммасидан қийин экан,
Эй ҳъкизим, рӯзғор курмоқ.

Ўрим қъшиқларида оғир меҳнатнинг самараси бўлган ғаллани ӯриб олиш жараёнлари, деҳқоннинг кўтаринки руҳи, етилган ҳосилни тезроқ йиғиб олишга бўлган иштиёқи куйланган:

Ғужмоқи бўғдой,
Донгинанг тўқ – эй.
Тўп бўл, ӯрайлик,
Хўпда кўрайлик.

Янчиқ қъшиқлари халқ ӯртасида «Хўп қъшиқлари», «Маидалар», «Хўп маидалар» деб юритилган. Бундай қъшиқлар деҳқонларнинг ёз бўйи тиним билмай етиштирган ҳосилни – донни маидалаб сомонидан ажратиб олиш пайтидаги меҳнат жараёнини тасвирлайди:

Чув, ҳей жониворим, ҳайда, маидаё-маида,
Хирмонни қилгин маида, маидаё-маида.
Ишни тамом қилмасанг, маидаё-маида,
Жонингга тиним қайда, маидаё-маида.

Ёрғичоқ қъшқлари. Қъшиқларда инсоннинг шодлиги ва кулфати, меҳнати ва роҳати, дарди ва турмуш ташвишлари мужассам бўлган. Қадимда ёрғичоқ тортиш машаққатли меҳнат тури бўлиб, кишини жисмоний жиҳатдан ҳолдан тойдирган. Кишилар мана шундай оғир меҳнат жараёнида ӯзларининг ғам ва ташвишларини қъшиқ орқали ифодалаб, енгил тортишга ҳаракат қилганлар.

Ёрғичоқ тортмас эдим,
Оч қолганимдан тортаман.
Сабзавон айтмас эдим,
Куйганларимдан айтаман.

Чорвачилик билан боғлиқ қъшиқларнинг «Хўш-хўш»лар, «Турей-турей»лар, чуриялар номли турлари ҳам ӯтмишда халқ ӯртасида кенг тарқалган.

Қадимда ота-боболаримиз ҳаётида чорвачилик муҳим ӯрин эгаллаганлиги маълум. Сигир, қўй, эчки каби жониворларни соғиш пайтида айтиладиган ушбу қъшиқлар ритми орқали соғилаётган жониворни тинчлантириш, уни ийдириш ва кўп сут соғиб олиш мақсади ётади:

Хўшим, молим – говмишим, хўш-хўш,
Эмчаклари совмишим, хўш-хўш.
Оралаб единг ӯтингни, хўш-хўш,
Ийиблар бергин сутингни, хўш-хўш.

Ҳунармандчилик билан боғлиқ қъшиқлар. Ўзбек халқ ҳунармандчилик қъшиқлари орасида чарх, бўзчи, ӯрмак, кашта қъшиқлари

асосий ӑрин эгаллайди. Бу турдаги кӑшикларда унумсиз ва машаққатли меҳнатнинг оғирлиги, моддий муҳтожлик кабилар куйловчининг шахсий ҳис-туйғулари билан уйғунликда баён этилади:

Дӑкон уйга кирсам, танам қакшайди,
Совуқларда ӑлмай қолсам яхшийди.
Қариси тиллага кетса қанийди,
Шундай менинг бӑзим арзон кетарми.

ӑрмагимни тӑқийман,
Кеча-кундуз тӑқийман.
Қачон тамом бӑлади,
Деб ашула тӑқийман.

Лирик кӑшиклар

ӑтмишда халқимизнинг маиший турмуши ва ижтимоий ҳаёти жуда кенг тарқалган оғзаки ижод жанри — халқ кӑшикларида ҳаяжонли ва жӑшқин тасвирланган. ӑзбек халқ кӑшиклари ниҳоятда ранг-баранг бӑлиб, улар орасида лирик кӑшиклар алоҳида ӑрин тутади.

Бу турдаги кӑшикларда инсоннинг нозик туйғулари, пок севгиси, садоқати, вафодорлик ва дӑстлик каби фазилатлари билан бирга оғир ижтимоий аҳволи, жабр-зулмлар, бевафолик, тушкунлик, ҳижрон, айрилиқ, алам-ситамлари кӑпинча мунгли, баъзан эса умидбахш оҳангларда куйланади.

Реал воқеликни шахснинг кечинмалари орқали акс эттирувчи севги ва садоқат, ҳижрон ва соғинч, алам ва ӑкинч туйғуларини ифодалаб, инсон қалбидаги ӑтли дард туфайли юзага келган, фақат куйлаш учун яратилган мустақил тӑрттиқлар лирик кӑшиқ дейилади. Лирик кӑшиқларнинг асосини дарднок макзмун, доно фикр ва мафтункор мусиқавийлик ташкил этади:

Дарду алам келибдир,
Менинг бечора бошимга.
Сойда ӑрдак сузадир,
Кӑздан оққан ёшимга.

Халқ лирик кӑшиклари ёзма адабиётдаги лирик шеърларга кӑпгина жиҳатлари, хусусан, воқеликни маълум бир шахс кечинмалари орқали акс эттириши билан яқин туради. Бироқ ёзма адабиётдаги лирик шеърларда кечинмалар ӑта индивидуал характер касб этса, халқ лирик кӑшиқларидаги кечинмалар эса бироз умумлашган ҳолда ифодаланади.

Масалан, классик адабиётда:

Бир гул ғамида кӑяй дедим бағрима доғ,
Бергайму дебон атри думоғимга фароғ.
Баргин чу мулаввас айлади бум ила зоғ,
Энди они исламоққа юз ҳайф думоғ.

Ушбу шеър ӑта индивидуал характерга эга. Унда улуғ шоир Алишер Навоийнинг шахсий кечинмалари, юрак дардлари, интим туйғулари мужассам бӑлган.

Халқ қъшиғи:

Сув келар гулдир-гулдир,
Суйганим қизил гулдир.

Суйганим топилмаса,
Њлганим њшал кундир.

Қъшиқда тасвирланган образлар бизга ҳар томонлама: њй-андишаси, қалбидаги дарди, ҳис-туйғулари жихатидан таниш ва яқиндир. Қъшиқ умумлашма характерга эга бўлгани боис унда куйланаётган ғам-алам, шоду хуррамлик туйғуларига ҳар ким ҳам шерик бўлиб туради. Худди њша қъшиқда њз кечинмалари куйланаётгандек туюлади.

Қъпгина халқ қъшиқларида мазмун билан шакл мустаҳкам боғланган ҳолда юксак бадийлик касб этиб, эшитувчига завқ беради, айниқса, қъшиқдаги содда тил, њткир ибора ва ифода, мазмундаги мантикийлик унинг таъсирчалигини янада оширади.

Қърганларим менинг ёруғ дунёда,
Ғамим сони сочимдан ҳам зиёда.
Агар ундан қутилмоққа уринсам,
Ғамим отлиқ қочолмайман пиёда.

Қъшиқда асосий ғояни ташувчи кейинги байт катта бир рухий дунёни очган. Ҳаётда отлиқнинг пиёдага етиб олиши табиий ҳол бўлганидек, ғамдан қочиб қутилиб бўлмаслик ҳам айна ҳақиқат. «Ғамим сони сочимдан ҳам зиёда», «Ғамим отлиқ» каби истиора ва иборалар қъшиқнинг таъсирчанлигини янада оширган.

Њхшатиш, қиёслаш ва истиоралар њзбек халқ қъшиқларида асосий њрин эгаллайди:

Пиёла рангига боқсам,
Менинг рангимга њхшайдир.
Ичидаги қора чойи
Юрак қонимга њхшайдир.

Мен ҳам девонаи Машраб,
Жаҳон бирла ишим борми.
Қънгилни сенга бой бердим,
Менинг ақлу ҳушим борми.

Ишқ дардига мубтало бўлган инсоннинг рухий изтироблари, юрак дардлари ниҳоятда мунгли, ҳазин ва айна пайтда бетакрор ташбеҳлар орқали ифодаланган.

Ишқ дардида ақлу ҳушидан жудо бўлаётган ошиқ њзини девона Машрабга, ишқ оташида куйиб қорайган юрак қонини пиёла ичидаги чойга, хижрон азобида қолиб оқариб кетган юзини пиёланинг рангига муқояса қиляптики, бу њхшатиш табиий ва таъсирчандир.

Шундай лирик қъшиқлар ҳам борки, тарихий ҳаётда юз берган адолатсизликлар, ёш-ёш қизларнинг катта мол-мулк эвазига отаси тенги

кишиларга сотилиши ёки тарихимизга қора доғ бўлиб тушган баъзи хону бекларнинг хотинбозлиги, майший бузуқлигини нзида акс эттиради:

Осмондаги ойлара,
Гул кърмаган сойлара,
Нн уч ёшда сотилди,
Гул бекачим бойлара.
Қиз олиб, жувон сотган,
Нлим берсин хонлара.

Халқ қъшиқларида бутун бутун бир халқнинг рухий кечинмалари, дунёқараши тўлақонли акс этади. Қъшиқлар халқ маънавиятининг қудратини, халқ иродасининг букилмаслигини ифодалаб, инсонни жасоратга, днъстликка, севгида садоқатга чорлайди.

Лирик қъшиқларда қаҳрамонларнинг рухий кечинмалари къпинча табиат ва табиат манзаралари билан бирлашади. Бу бирлашиш тасодифий бўлмасдан мазмунни ёрқинроқ ифодалашга ёрдам беради.

Бу тоғлар қандай тоғлар,
Тоши бор тепаси йнъқ.
Ваъдасида турмаган ёрнинг,
Дарди бор вафоси йнъқ.

Тоши бўлиб, тепаси бўлмаган тоғда улуғворлик ҳам, маҳобат ҳам бўлмайди. Бу хусусиятларсиз у мукамал тоғ ҳисобланмайди. Ваъда бериб, вафосизлик қилган ёр худди нша номукамал тоққа нхшатилган. Қъшиқда табиат ҳодисаси воситасида инсон хусусияти очиб берилган.

Қъшиқларда параллелизмларнинг къп қълланиши шеърни ҳаётга янада яқинлаштиради ва асосий ғояни очишга ёрдам беради:

Ҳавони булут босди,
Ойни кърмасам бўлмас.
Юракларни ғам босди,
Ёрни кърмасам бўлмас.

Ушбу қъшиқда ҳам табиатдаги ҳодиса билан лирик қаҳрамон қалбида содир бўлаётган кечинма тенг қъйиб тасвирланган. Бундай психологик параллелизмларни қъллаш эса киши қалбидаги рухий изтиробларни янада ёрқинроқ ифодалашга хизмат қилади.

Лирик қъшиқларни гъзал рамзлар, анъанавий образларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Рамзларда ифодаланган маъно товланишлари лирик қъшиқларнинг мазмунини тнъғри англашга ёрдам беради. Халқ қъшиқларида олма, тол, беҳи, шафтоли, бодом, гул, анор каби дарахт ва нсимликлардан; ғоз, нрдак, булбул, қалдирғоч, турна, каптар каби қушлардан; тоғ, къл, сой, бозор каби табиат къринишларидан иборат рамзий образлар тез-тез кнъзга ташланади. Бу хилдаги анъанавий рамзларнинг барчаси қъшиқлар мазмунини, уларнинг замирида ётган ғояларни юзага чиқаришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Олма кълпгина лирик қъшиқларда севги, ёр танлаш рамзи сифатида келади:

Олмани отдим теракка,

Қайтиб тушди юракка.
Бориб айтинг ул хурга,
Малҳам қњйсин юракка.

Олма гули образи эса ёлғон, ъткинчи муҳаббат рамзи саналади. Рамзнинг бундай маъно англатиши олма гулининг тез тўкилиб кетиши ва мустаҳкам эмаслигига асосланган:

Олма гули гул эмас,
Тақсанг чаккангда турмас.
Њзганинг ёри ёр эмас,
Бирпас ёнингда турмас.

Халқ қњшиқларини бадий-тасвир воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, ъхшатишлар ва сифатлашлар қњшиқнинг таъсирчанлигини ошириб унинг бадий мукамаллигини таъминлайди.

Ёрим келади яшнаб,
Зар кокилини ташлаб.
Хипча белини ушлаб,
Шакар лабини тишлаб.

Хуллас, лирик қњшиқлар ҳам халқ маънавий маданиятининг муайян бир қисми сифатида инсон руҳияти ва дунёқараши, ички кечинмалари ва эстетик идеалларини ранг-баранг бадий тасвир воситалари ва бадий образлари орқали акс эттиради.

Тарихий қњшиқлар

Тарихий қњшиқлар жанрига мансуб поэтик асарлар эпик ва лироэпик характерга эга. Тарихий қњшиқларда у ёки бу тарихий воқеа муносабати билан яратилган ёки реал шахслар фаолиятини тасвирловчи ҳам эпиклик, ҳам лириклик хусусиятига эга бўлган қњшиқлар киради.

Нурмон Абдувой ъғлининг «Номоз», Эрназар бахшининг «Ботирхон зулми», Хоразмда яратилган «Хон зулми» каби қњшиқлар шулар жумласидандир.

Масалан, ъз мустақилликлари учун Бухоро амирларига қарши 27 йил давомида кескин курашлар олиб борган Шаҳрисабз ва Китоб атрофларида яшовчи кенагасларнинг 1856 йилда Амир Насрулло томонидан шафқатсизлик билан қирғин қилиниши «Ботирхон зулми» қњшиғига асос бўлган. Унда халқ томонидан изтехзо билан «Ботирхон» деб номланган Амир Насруллонинг шафқатсизлиги, қонхърлиги фош этилади:

Ботирхон отланиб чикса,
Қњринг салтанатини
Неча йил қамалиб ётди
Кенагас юртларини
Қамай-қамай алқисса,
Олди қњзин ътларин,
Тойлоқдай бњкиртириб,

Съйди азаматларин.

Лиро-эпик характердаги тарихий қъшиқларда сюжетнинг эпик ҳикояси билан бир қаторда лиризм яъни, ижодкорнинг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, орзу-истаклари билан боғлиқ тасвирлар ҳам асосий ғрин тутади. Эргаш Жуманбулбул ғғлининг «Охунбобоев», Фозил Йғлдош ғғлининг «Нишондор Жамбулга», «Аҳмад Алиев» каби қъшиқлари бунинг ёркин далилидир.

Бу туркумдаги қъшиқларда мазкур тарихий шахслар бажарган, у ёки бу ишларнинг ижтимоий моҳияти ёки халқ ҳаётини ғзгартиришдаги қъшган ҳиссасининг эпик ҳикояси билан шоир қалбида туғилган чексиз миннатдорлик туйғулари бир-бирига уйғунлашиб кетади.

Тарихий қъшиқларнинг ғзига хос хусусиятларидан бири шундаки, улар муаллифи маълум ва муаллифи номаълум каби турларга бғлинади.

Махсус ижодкорлар – халқ бахшилари томонидан яратилган қъшиқлар биринчи турга киради. Бунга Эрназар шоирнинг «Ботирхон зулми» қъшиғини мисол сифатида келтириш мумкин. «Келмас Каросконнинг суви» тарихий қъшиғи эса муаллифи номаълум қъшиқлар сирасига киради.

Тарихий қъшиқларнинг илдизлари узоқ замонларга бориб тақалади. Туркий халқлар, жумладан, ғзбек халқ тарихий-қаҳрамонлик қъшиқларининг дастлабки намуналари бизгача Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари орқали етиб келган.

Термалар

Халқ бахшилари, шоирлари томонидан панд-насихат, одоб-ахлоқ, соз ва сғз мавзусида яратилган 10-12 мисрадан 300 мисрагача бғлган лирик, лиро-эпик шеърларга терма дейилади.

Терма сғзининг маъноси териб, танлаб тузиш демакдир, яъни нисбий мустақилликка эга бғлган, шакл ва мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин бандларни композицион жиҳатдан яхлитлаштиришдир.

Термалар мавзу жиҳатдан ранг-барангдир. Лекин уларнинг аксариятини дидактик характердаги дунёнинг аччиқ-чучуги, паст-баланди, яхши-ёмони ҳақида куйлаб, мардликка, адолатга, одамийликка чақириш мотивидаги қъшиқлар ташкил этади.

Масалан, куйида берилган яхшилик ва ёмонликнинг фарқини билиш, сғз ва суҳбат қадрига етиш ҳақидаги Эргаш Жуманбулбул ғғли томонидан куйланган терма ниҳоятда характерлидир:

Ҳар нарсадан суҳан қиммат ёронлар,
Яхши сғзни қилинг ҳурмат, ёронлар.
Вақтингизни қадрин билиб ётказинг,
Баридан шу дам ғанимат, ёронлар.
Бу дунёда ширин, дғстлар, тириклик,
Ќз тенгингиз билан суҳбат, ёронлар.
Яхшига ёнашиб одам айиринг,
Ҳар нокасга бғлманг улфат, ёронлар.

Яхшиман ёмонни сўзман билади,
Тилдан чиқар дилда ният, ёронлар.

Термаларнинг энг кўп тарқалгани «Нима айтай?» шеъридир. Бахши дoston айтишдан олдин кишиларнинг диққатини жалб қилиш, уларни дoston эшитишга тайёрлаш мақсадида ушбу термани куйлайди:

Ён бешида ойдай тўлган,
Олмосини белга солган.
Гўрғўлига хизмат қилган,
Қирқ йигитни гирдга олган.
Сўраб ётди Аваз половон,
Авазхондан айтайинми?

Фольклоршуносликда термаларнинг автобиографик ва биографик каби турлари қайд этилган. Автобиографик характердаги («Дўмбирам», «Дуторим») термаларда бахшилар дўмбираси, дутори ва қўбизига мурожаат этиб, ўз ҳаётларининг айрим қирраларини баён этадилар ёки ҳамиша ўзи билан бирга бўлган чолғу асбобини содиқ дўст сифатида мадҳ этилади:

Уч-тўрт оғиз мактаб қўяй ман сани,
Қовурғангдан қириб солган рандани,
Хониш қилсам ёлғиз қўймайсан мани,
Хонишимга ёрдам берган дуторим.

Халқ дostonлари қаҳрамонларининг тилидан айтиладиган ёки уларнинг мактовига бағишланган термалар биографик характердаги термалар сифатида қайд этилган. Бундай термаларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда қаҳрамон эпик биографиясининг асосий нуқталари кўтаринки услубда тасвирланади. Бахшилар репертуаридан мустаҳкам ўрин олган кекса Гўрғўли тилидан айтиладиган «Кунларим» термаси бунинг ёрқин намунасидир. Термада «Гўрғўли» туркумига қирувчи ҳар бир дoston воқеаларига чиройли бир ишора бўлиб, бунда халқпарвар Гўрғўли ва унинг босиб ётган йўли тингловчи кўз ёнгида яққол намоён бўлади. Бахши талқинида кексайган Гўрғўли ўз ётмишига назар ташлар экан, бу ҳаёт ва кураш йўли қувончу шодликларга ҳам, ҳасрат ва аламларга ҳам тўладир. Бахши қаҳрамоннинг ҳасрат ва аламларини ниҳоятда ҳаётий ва таъсирчан ифодалаган:

Бу гапларни айтди Чамбилнинг шойи,
Бегилик ёнарми чироқнинг мойи.
Қариганда бўлиб фарзанд гадойи,
Бебахра бўлиб парилар ҳамройи,
Қулоч уриб, қуруқ қолган кунларим.

Хуллас, турмалар ҳам ўзбек фольклорининг мустақил жанри сифатида инсон кечинмалари ва ҳаётий воқеликни ўзига хос усул ва бадиий тасвир воситалари орқали акс эттиради.

Мавзу юзасидан саволлар

1. «Девону луғотит турк»даги халқ қўшиқларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида қисқача тушунча беринг.

2. Халқ қъшиқлари ҳақида Алишер Навоий фикрларидан мисоллар келтиринг.
3. «Мухтасар» асарида халқ қъшиқлари ҳақида қандай фикр-мулоҳазалар билдирилган?
4. Меҳнат қъшиқларининг қандай турлари мавжуд?
5. Меҳнат қъшиқларига хос асосий хусусиятлар нималардан иборат?
6. Халқ лирик қъшиқлари ва ёзма адабиётдаги лирик шеърлар нртасидаги муштарак ва фарқли жиҳатларни тушунтиринг.
7. Лирик қъшиқлар марказида турувчи асосий ғоялар нималардан иборат?
8. Лирик қъшиқлардаги параллелизм санъатига мисоллар келтиринг.
9. Лирик қъшиқларнинг бадий хусусиятлари деганда нимани тушунасиш?
10. Лирик қъшиқларда қандай анъанавий бадий образлар мавжуд?
11. Тарихий қъшиқларга мисоллар келтиринг.
12. Термаларнинг нзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

Адабиётлар

1. Оқ олма, қизил олма. Қъп томлик. Ўзбек халқ қъшиқлари. Т., 1972.
2. Алавия М. Ўзбек халқ қъшиқлари. Т., 1959.
3. Гулёр. Фарғона қъшиқлари. Т., 1967.
4. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1-том. Т.: «Фан», 1998.
5. И.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т.: «Ўқитувчи», 1990.
6. У.Жуманазаров, Ўзбек халқ фольклори ва тарихий воқелик. Т.: «Фан», 1991.
7. О.Мадаев, Т.Собитова, Халқ оғзаки поэтик ижоди, Т.: «Шарқ», 2001.

АФСОНА ВА РИВОЯТЛАР

Дунё қадар қъхна афсона ва ривоятлар неча-неча нтмиш даврлар оша узоқ тарих қъридан бизгача етиб келган. Афсона ва ривоятларда халқнинг табиат ва ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги қарашлари, диний-фалсафий, ахлоқий-эстетик тушунчалари мужассам бўлган. Халқ оммасининг даҳоси, унинг талаб ва эҳтиёжлари асосида вужудга келган ушбу турдаги асарлар нз навбатида кишиларнинг маънавий, ақлий, ахлоқий тараққиётига туртки вазифасини ҳам нтаган; улар инсонни машаққатларни енгишга, ёвузликка қарши курашишга, оламда рнй бериб турадиган мураккаб ҳодиса ва жараёнларнинг сир-асрорларини билиб олишга даъват этган; инсон фикри, тафаккури ва ҳаёлотини нтмишдан келажакка томон тортган, ҳаётни севишга чорлаган. Фольклоршуносликда қайд этилган фикрларга қараганда, афсона форсча снз бўлиб, фантастика, сеҳр-жоду ва ҳаётий тнқималар асос бўлган насрий ҳикоялардир.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида бу турдаги ҳикоялар сав деб номланган бўлиб, олим бу снзнинг турли туман изоҳларини берган: сав оталар снзи, қисса, ҳикоя, рисола, снз, илгариги хабарлар каби маъноларни билдирган.¹ Бу изоҳларнинг барчаси бир-бири

¹ Маҳмуд Ўшғарий, Девону луғотит турк, 3-жилд, Т.: «Фан», 1963, 168-бет.

билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, дарҳақиқат, афсоналар илгари замонларда ътган оталар сѣзи, оталар ҳикоясидир. Фақат бу ҳикоялар ъзига хос ҳаѐлот – фантастика қобиғида берилган. Юнон файласуфи Арасту таъбири билан айтганда афсоналар «ҳақиқатдан хабар берувчи ѐлғон ҳикоялардир».

Афсона оммавий жанр бўлиб, уни айтиш учун махсус тайѐргарлик талаб қилинмайди. Шунинг учун ҳам афсоналарда анъанавий зачин ва тугалланмалар учрамайди. Афсоналарнинг сюжет тузилиши ҳам мураккаб эмас, у бир, икки эпизоддан ташкил топади.

Афсоналарда акс ѐтган воқелик, кѣпинча, чексиз ҳаѐлот, фантастика қобиғида акс ѐттирилса-да, уларда реал тарихий ҳаѐт излари ҳам маълум даражада кѣзга ташланади. Мана шунинг учун ҳам афсоналар халқ тарихини, унинг иқтисодий ва сиѐсий, маданий ътмишини, дунѐқараши, урф-одатлари ва руҳий кечинмаларини ѣрганишда муҳим манба ҳисобланади. Афсоналар замирига мужассам бўлган ахлоқий-ѐстетик қарашлар билан бирга, унда информатив – хабар бериш вазифаси кучлироқ бўлади.

Њзбек халқ афсоналарининг мавзу доираси ва ғоявий йѣналишлари ранг-баранг бўлиб, уларни шартли равишда асотирий тушунчалар, коинот жисмлари, ѣрин-жой номлари, тарихий воқеа ва шахслар ҳақидаги афсоналарга ажратиб ѣрганиш мумкин.

Асотирий афсоналарнинг аксарияти диний характерда бўлиб, уларда қадимда яшаган аجدодларимиз ѣзларига ҳомий деб ҳисоблаган пайғамбарлар ва азиз-авлиѐларни улуғлаганлар, улардан ѣзларига руҳий мадад кутиб, диний ѐтиқод ва қарашларини ифодалаганлар. Ҳазрати Хизр, Ҳазрати Мусо, Ҳазрати Нух, Ҳазрати Аюб, Ҳазрати Илѐс, Ёр Хѣбби каби афсоналар шулар жумласидандир.

Масалан, «Нурли тош тушган жой»¹ афсонасида одам боласининг бахт-саодатга ѐришуви йѣлида чексиз мол-давлат, моддий бойликнинг ѣзигина кифоя қилмаслиги тѣла маънода саодатга ѐришмоқ учун Аллоҳнинг марҳамати, пайғамбар ва азиз-авлиѐларнинг мададига мушарраф бўлиш лозимлиги ҳақидаги қарашлар талқин қилинган:

Бир бой одам тунда уйқуси қочиб, ташқарига чиқиб қараса, уйининг томида туя турган ѐмиш. «Апирай, ярим тунда томда туя нима қиларкин? деб ҳайрон бўлиб турганида, ҳалиги туя тилга кириб:

- Ёй бандаи ғофил! Орқангда бирорта отамлаб қоладиган фарзандинг бўлмаса, шунча молу давлатни тѣплаб нима қиласан? – дебди-да, кѣздан ғойиб бўлибди. Бу гапни ѐшитган бой хафа бўлиб уйига қайтиб кирибди ва аѐлини уйғотиб:

- Хотин, изимизда чироғимизни ѐқадиган фарзандимиз бўлмаса, бу дунѐда яшашнинг ҳеч қизиғи йѣқ экан. Мен қишлоқдан бош олиб кетишга аҳд қилдим. Менинг қаѐққа кетганимни сѣрашса, билмайман дегин, - деб кулоҳу жанда кийиб йѣлга тушибди.

¹ Ипак йѣли афсоналари. Тѣплаб нашрга тайѐрловчи М.Жѣраев, Т.: «Фан», 1993.

Йһлда кетаётса, сурув-сурув кһй-эчкиларни, сон-саноксиз пода ва йилқиларни, туя тһдаларини кһриб, бунинг эгаси кимлигини сһрабди. Чһпонлар:

- Эй, бой ота, бу молларнинг барии һзингизга карашли-ку! – дейишибди хайрон бһлиб. Шунда бой буларнинг хаммасини чһпонларнинг һзларига инһом этиб, бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этмасликни қаттиқ тайинлаб һз йһлини давом эттирибди. Йһл юрибди, йһл юрса ҳам мһл юрибди. Бир чһлу биёбонда кетаётганда олдидан оппоқ соқолли бир нуроний чол чиқиб қолибди. Бу Хһжан Хизр алайһиссалом экан. У бойга яхши гапириб уйга қайтармоқчи бһлибди, аммо бой изига қайтмасдан, йһлини давом эттирибди. Хһжаи Хизр иккинчи марта дуч келиб, яна панд-насихатлар билан изига қайтишга кһндирмоқчи бһлган экан, бой унамабди. Орадан бир манзил һтгач, Хһжаи Хизр яна дохил бһлибди. Бойни йһлдан қайтаришга уриниб кһрган экан, фойдаси бһлмабди. Шунда у бойга қараб.

- Баракалла, аҳдинг қатһий экан, иншолло ниятингга етасан. Фалон ерда бир авлиё борлар, агар һша кишининг олдиларигача етиб боролсанг бахтинг, - дебди-да, кһздан ғойиб бһлибди.

Бой кһп машаққатлар чекиб, Хһжаи Хизр айтган авлиёнинг маконига етиб борибди. Авлиё бойнинг келаётганлигини кһриб турган экан остонадан хатлаб һтиши билан:

- Ьша ерда тһхта! дебди-да, намоз һқиб, худо билан мулоқотда бһла бошлабди.

- Эй тангрим, - дебди у, - шу бандангга фарзанд ато этишингни сһрайман. Унга фарзанд ато эт, шояд муроди ҳосил бһлиб, бу оламдан ноумид кетмаса!

Авлиё қайта-қайта илтижо қилибди. Етти марта сһраганида ҳам худо рози бһлмаганидан кейин авлиё жаҳл билан тоғнинг тошини юлиб олиб отган экан, худонинг нурли тошларидан бир бһлаги узилиб ерга тушибди. Бунни кһрган худо:

- Бһлди бу одамга фарзанд ато этганим бһлсин! – дебди.

Авлиё бойга қараб:

- Мана мақсадингга етдинг, худо сенга фарзанд ато этди. Энди тезда уйингга қайт, - дебди.

Авлиёлар ҳар куни саҳроларда кезиб юрганча, ҳар қадамда тһхтаб намоз һқиб, худога сажда қилиб кетаверар эканлар. Бир кун кечаси келаверишса, бир тош һзидан нур таратиб турганмиш. Улар худо билан мулоқотда бһлиб, бу тошнинг сирини билиб олибдилар ва бу ерни Нурота деб атай бошлабдилар».

Ҳазрати Хизр номи билан боғлиқ бһлган афсоналарнинг барчасида бу зот мақсад йһлида саргардон кезувчиларга мададкор, қалтис вазиятларда халоскор руҳий ҳомий сифатида намоён бһлади. Хһжаи Хизр тимсоли фақат афсоналарда эмас, балки «Алпомиш», «Гһръғли», «Манас» каби халқ дostonларидан ҳам мустаҳкам һрин эгаллаган.

Халқ тафаккури ва тасавури маҳсули сифатида яратилган афсоналар орасида тарихий воқеалар ва ҳодисалар ҳақида хабар берувчи афсоналар ҳам

анчагина. «Андижон», «Калта минор», «Хоразм», «Девқалъа», «Илон бузган», «Ширин қиз» каби афсоналар маълум бир тарихий воқеалар ҳақида, жойлар, қалъалар ва бошқа тарихий обидаларнинг яратилиши ҳақида хабар бериш билан бир қаторда, инсониятнинг бекиёс куч қудрати, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги фалсафий-эстетик карашларни ҳам ҳзида мужассамлаштиради. Масалан, халқ орасида Хоразмдаги «Дев солган қалъаси» ҳақида хилма-хил афсоналар юради.¹ Бу афсоналарнинг баъзилари Сулаймон пайғамбар ва унинг измида бўлган девларнинг ғайритабиий фаолиятлари билан туташиб кетса, баъзилари Фарҳод ва Шириннинг аламли севги саргузаштларига асосланган афсоналарга бориб боғланади.

Афсонада айтилишича, баҳайбат Девқалъани Фарҳод исмли дев қурган эмиш. Фарҳод Хоразм шоҳининг Ширин номли қизини севиб қолади ва унга совчи қъяди. Бу нарса подшоҳни таҳликага солади. Қизини девга беришни хоҳламаган подшоҳ рад жавобини беришдан қърқиб, жодугар кампирдан ёрдам сърайди. Жодугар Фарҳодга бажариб бўлмайдиган вазифани – Қорақум чълининг ъртасига тош қалъа қуришни топширади. Бироқ дев узок жанубдаги тоғлардан елкасида тош ташиб келиб, қалъани қура бошлайди. Қалъа битай деб қолганда подшоҳ жодугарни маслаҳатга чақиради. Жодугар подшоҳга ҳзи белгиланган куни 9000 та янги туғилган бўталок, шунча той, бузоқ ва қъзи съйишни маслаҳат беради. Қолган ишни у ҳз зиммасига олади. Белгиланган вақтда жодугар дев қуриб тамомлаётган қалъага келади. Шу пайт Хоразм томондан даҳшатли ҳайқириқлар эшитилади. Бу болалари съйилаётган минглаб ҳайвонларнинг овози эди. Фарҳоднинг «Бу қандай йиғи?» - деган саволига кампир: «ҳозиргина малика вафот этди, Ширинга бутун Хоразм аза тутмоқда», - деб жавоб беради. Севгилисининг ълими тъғрисидаги хабардан гангиб қолган дев усиз яшашни истамай, ҳали жойига қъйилмаган сънгни тошни осмонга улоқтиради. Тош Фарҳоднинг устига қайтиб тушади. Девни севиб қолган Ширин ҳам фожиа ръй берган жойга етиб келади ва севгилисининг мурдаси тепасида ҳзига пичоқ санчиб ҳалок бўлади.¹

Тарихий жой номи билан боғлиқ бўлган «Девқалъа» афсонасида инсонга хос бўлган севги-садоқат, муҳаббат йълидаги фидойилик, айна пайтда хийла-найранг, ёвузлик ҳақида фикр юритилиб, гъзаллик фазилатлари олқишланади, халқ идеалига тъғри келмайдиган ёмон иллатлар рад этилади.

«Девқалъа»нинг қурилиши билан боғлиқ қуйидаги афсонада эса Ҳазорасп номининг келиб чиқиши ҳақидаги тасаввурлар мужассам бўлган.²

Ҳазрати Сулаймон:

- Мендан яшириниб учиб юрган ҳазор аспни тутиб келтиринглар! – деб девларига фармон берибди.

Девлар қанотли отларни ахтариб роса учибдилар, ахири бир кун уларни қърқиб қолиб изига тушишибди. Асплар қаерга учса, булар ҳам изма-из қувиб

¹ Толстов С.П. Љадимги Хоразм маданиятини излаб. Т., 1964, 30-бет.

¹ Толстов С.П. Љадимги Хоразм маданиятини излаб. Т., 1964, 30-бет.

² Ипак йъли афсоналари. Тъллаб нашрга тайёрловчи М.Жъраев, Т.: «Фан», 1993, 30-бет.

бораверишибди. Бечора отларнинг қаноти толиқиб, чарчаб бир майдонга қўнишга мажбур бўлишибди. Шунда Сулаймон қулай фурсатни бой бермаслик учун девларига:

- Шу ерда баланд девор қуринглар! – деб буюрибди.

Девлар ҳаш-паш дегунча, ёшулдилар икки шафтолини егунча тўрт томони бирдек баланд девор билан аспларнинг атрофини ёраб олишибди. Учишга мажоли қолмаган отларни битталаб тутиб келаверибдилар Сулаймоннинг олдига. Шунинг учун бу ерни Ҳазорасп банд, яъни Минг от қўлга тушган жой деб атабдилар.

Халқ тасавури ва чексиз ҳаёли маҳсули сифатида вужудга келган ушбу ҳикоя ҳам бошқа афсоналар каби тарихий ҳақиқатдан анча йироқ.

Тарихий маълумотларга кўра Ҳазорасп номи билан боғлиқ бўлган қадимий шаҳарга милоддан аввалга IV-III асрларда асос солинган. Илм-фандаги баъзи маълумотларга кўра Ҳазорасп атамаси Ёрта Осиёда яшаган қадимги ҳазар қавми номи билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.¹

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, афсоналар қадимги инсонларнинг дунёқараши, содда ва ибтидоий тушунчаларининг хулосаси сифатида вужудга келган. Бинобарин, уларда реал воқеалардан кўра кўпроқ бадиий тўқималар устиворлик қилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, афсоналар соф информатив вазифа ўтовчи эпик жанр бўлиб, у халқнинг келиб чиқиши, жой номларининг пайдо бўлиши, шунингдек, жамият ва табиатдаги воқеа-ҳодисаларни ёрганишда нодир манба сифатида муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ривоят

Ота-боболаримизнинг ўтмиш тарихи, улуғ сиймоларнинг ҳаёт йўли ва эзгу ишлари, аждодларимиз тақдирида муҳим аҳамият касб этган тарихий воқеа-ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар кўпроқ ривоят жанрига мансуб асарларда мужассам бўлган.

Ривоятларга хос хусусият шундаки, уларда ҳаётий воқеалар бадиий тўқималар воситасида акс эттирилади. Ривоятлар афсоналардан ҳаёт ҳақиқатига бирмунча яқинлиги билан фарқ қилади.

Ривоятларнинг мавзу доираси кенг, ғоявий жиҳатдан ранг-барангдир. Ривоятларда тарихий ҳодисалар, халқ орасида маълум ва машҳур бўлган шахслар номи билан боғлиқ бўлган воқеалар, жой номларининг келиб чиқиши, шаҳар қалъа ва саройларнинг бунёд этилиши ёки вайрон бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади. Ривоятларда ақл-заковат, ишқ ва садоқат, илм-маърифат, ахлоқ-одоб каби юксак инсоний фазилатлар тараннум этилиб, зулм-зўрлик, ҳақсизлик, адолатсизлик, жаҳолат каби иллатлар кескин қораланади.

Ўзбек халқ прозаси жанрлари юзасидан чуқур изланишлар олиб борган фольклоршунос олим К.Имомовнинг маълумотларига қараганда ривоятлар тарихий ва топонимик каби икки гуруҳга бўлинади.

¹ Имомов К. Ривоят. //Ўзбек фольклор очерклари. 3 томлик, 2-том, Т.: «Фан», 1989, 38-бет.

Тарихий ривоятлар тарихий воқеа-ҳодиса, тарихий шахслар номи билан боғлиқ бўлса, топонимик ривоятлар жой номларининг келиб чиқиши билан боғланади.

Тарихий ривоятлар деб номланган туркумдаги ривоятлар ҳам хилма хил. Улардан баъзилари халқ оғзида пайдо бўлган даврлардаёқ ёзиб олинган. Бу жиҳатдан Юнон тарихчиси Геродотнинг воқеалар тарихи узоқлашмасдан туриб Њрта Осиёдан ёзиб олган (484-424) ва «Тарих» асарига кирган «Тъмарис», «Широқ», Зарина ва Одадита ҳамда Хондамир ва Зайниддин Восифий томонидан аниқланган ва ёзиб олиб «Макорим ул-ахлоқ» ҳамда «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарларига киритилган ривоятлар аҳамиятлидир. Бу хил ривоятлар қисман ишлов берилган бўлса ҳам улар юз берган давр шароитида, яшаб турган пайтдан узоқлашмасдан турибоқ ёзиб олинган. Бинобарин, талқиндаги тарихий шахс ҳамда воқеа-ҳодисалар реал факт ва ҳақиқатдан узоқ эмас.

Шундай ривоятлар ҳам борки, улар халқ оғзида узоқ яшаган ва узоқ замонлар нтиб кетгандан сўнг ёзиб олинган. Бу хил ривоятларда мавжуд тарихий ҳақиқат ва фактик ҳодисалар хиралашган. Ҳар бир факт ҳаётий уйдирмалар ва анъанавий мотивлар қобиғида қолиб келган.¹

Тарихий ривоятлар халқ орасида машҳур бўлган кишилар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлиб, уларда юксак инсоний фазилат тарғиб этилади. Тъмарис, Широқ, Абу Райҳон Беруний, Нажмиддин Кубро, Баҳовиддин Нақшбандий, Жомий, Алишер Навоий, Улуғбек, Ибн Сино, Машраб, Амир Темур, Султон Маҳмуд сингари тарихий шахслар ҳақида яратилган ривоятлар шулар жумласидандир.

Халқимиз тарихида нурли из қолдирган тарихий шахсларнинг ақл-заковати, юксак даҳоси, ҳаёти ва фаолияти, турфа саргузаштлари авлодларга юксак ибрат намунаси сифатида тақдим этилади. Чунончи, бундай ривоятларга Алишер Навоий ҳақидаги «Алишер Навоий ва қирқ вазир», «Навоий ва чўпон», «Навоий ва Гули», «Навоий ва булбул», «Навоий ва Ҳусайн Бойқаро» каби ривоятларни ёки Ибн Сино ҳақидаги «Олтин узук», «Ибн Сино ва касал йигит» каби хилма-хил ривоятларни киритиш мумкин.

Халқимиз орасида Абу Райҳон Берунийнинг юксак даҳоси, фавқулодда қобилият эгаси эканлиги ҳақида ҳам ранг-баранг ривоятлар яратилганки, бу ривоятларнинг асоси ҳаётий ҳақиқат билан чамбарчас боғлиқ.

Масалан, «Беруний ва Султон Маҳмуд»¹ ривоятида нақл қилинишича, Яминуддавла Султон Маҳмуд Ғазна шаҳридаги Ҳазор дарахт боғининг тўрт эшикли кўшкни устида нтирарди. У Берунийга қараб: «Мен тўрт эшикнинг қайси биридан ташқарига чиқаман? Буни топиб, жавобини бир парча қоғозга ёз-да, гиламнинг тагига қўй! – деб буюрибди. Ҳар тўртта эшикдан ҳам ташқарига чиқиш йўли мавжуд эди.

Абу Райҳон устурлаб (қуёш ва юлдузлар ҳолатини ўлчайдиган асбоб) келтиришларини сўради. Баландликни аниқлади, тақвим чизди, сўнг бир

¹ Имомов К. Ривоят. //Ўзбек фольклор очерклари. 3 томлик, 2-том, Т.: «Фан», 1989, 31-32-бетлар.

¹ Низомий Арузий Самаргандай. Нодир кикоятлар, Т., 1985, 28-59-бетлар.

парча қоғозга нималарнидир ёзди, сўнг гилам остига қўйди. Маҳмуд ундан «Топдингми?» - деб сўраган эди, у: «Ҳа, топдим!» - деб жавоб берди.

Маҳмуд усталарни чақиртиради. Улар теша ва бел билан етиб келадилар. Шарқ томондаги девордан бешинчи эшик очдилар. Маҳмуд бу эшикдан ташқарига чиқди. Кейин эса Абу Райҳон ёзган қоғозни олиб келишни буюрди. Унда шундай деб ёзилган эди: «Султон бу тўрт эшикнинг ҳеч биридан чиқмайди, Шарқ томондаги девордан эшик очилади ва у ўша эшикдан чиқади!»

Буни ўқиган жаҳли чиқди ва Абу Райҳонни сарой ҳовлисига улоқтириб юборишни буюрди. Фармонни бажардилар. Бироқ ўртадан тўрт тортиб қўйилган бўлиб, Абу Райҳон тўрт устига тушади. Тўрт йиртилиб, у ҳеч зарарсиз ерга тушди. Маҳмуд: «Уни олиб чиқинглар!» - деб буюрди. Уни олиб чиққанларида, Маҳмуд: «Эй, Абу Райҳон! Бундай бўлишини олдиндан билармидинг?» - деб сўради, «ҳа, подшоҳ, билар эдим!» - деб жавоб беради.

«Далилинг қани?» - деб сўрайди подшоҳ.

Абу Райҳон ғуломини чақириб, ундан тақвимини олиб, ўзи тузган тақвимни чиқарди. Мазкур кун чиқарилган ҳукмлар орасида қуйидаги сўзлар ёзилганди: «Мени баланд жойдан ташлаб юборадилар, лекин мен ерга зарарсиз тушаман ва соғ-саломат ўрнимдан тураман!»

Бу ҳам Маҳмуднинг қўнғлига ёқмайди. Баттарроқ жаҳли чиқиб: «Уни қалъага олиб боринг ва ўша ерда сақланг!» - деб буюради. Уни Ғазна қалъасига қамаб қўйдилар ва у олти ой ҳибсда ётди.

Абу Райҳонга хизмат қилишга тайинланган ғулом бир куни қулай фурсат топиб, султонни овда хурсанд кайфиятда қўриб, сўзни айлантира-айлантира юлдуз илмига олиб келиб тақади ва деди: «Бечора Абу Райҳон шундай адолатли икки чиқарди-ю, инъом ўрнига қамокқа тушди». Маҳмуд ҳам шундай дейди. «Хожага маълумки, бундан ўзимни ҳам хабарим бор. Айтишларича, Абу Райҳонга тенг келадиган киши йўқ. Лекин чиқарган ҳар икки ҳукми ҳам менинг хоҳишимга қарши эди.

Подшоҳлар кичкина болаларга ўхшашади. Ундан баҳра топай деган киши асло унинг раъйига қарши иш тутмайди.

Ўша куни чиқарган икки ҳукмдан лоақал биттаси хато чиққанда ҳам фойдасиз эди. Эртасига уни озод қилишларини ва олтин эгар – жабдуқли от, шоҳона хилъат, минг динор пул, бир ғулом ва бир канизак беришларини буюрди».

Ушбу ривоятда Берунийнинг Маҳмуд Ғазнавий саройида хизмат қилганлиги, султоннинг қалтис ҳаракатлари, олимнинг ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам тўғри гапни айтишдан тап тортмаганлиги, айтиш шундай ҳислатлари учун ҳам халқ эътиборига сазовор бўлгани ҳикоя қилинади.

Дарҳақиқат, Маҳмуд Ғазнавий каби ҳукмдорлар, уларнинг инжиқ табиати, ўзининг қўли остидаги олиму шоирларнинг нималарга қодир эканлигини билиб олиш мақсадида уюштирган қўпгина синовлари тарихий ҳақиқат. Юқоридаги ривоят эса ана шуларнинг акс-садоси сифатида юзага келганлиги билан ҳам қимматлидир.

Ўз ҳаёти ва фаолиятини халқ манфаатлари йўлида бахшида этган улуғ алломаларнинг нодир истеъдодлари ва ибратли аъмоллари афсона ва ривоятларга айланиб кетган. Қомусий илмлар соҳибии Ибн Сино ҳақида ҳам «Узук», «Йигитнинг касали», «Фалаж давоси», «Илон қайт қилган сут», «Мен ҳўкизман», «Бола бошидан», «Донишманд устоз», «Куй сеҳри» каби қатор ривоятлар яратилганки, уларда ўрта асрларнинг буюк олими, чуқур билим эгаси, беназир табиб, нозиктаб шоир ва файласуф образи мукаммал акс этган:

Кунлардан бир кун Гургон подшоси Қобус Вушмагирнинг қариндошларидан бири касалга чалиниб қолиб, табиблар уни қанчалик даволамасинлар, ҳеч бир нафи бўлмабди. Қобуснинг бу қариндошига нисбатан меҳри кучли эди. Бир вақт ходимлардан бири Қобусга: «Фалон маҳаллага бир ёш йигит келибди, ўзи моҳир табиб, қўли жуда енгил экан, бир неча бемор ундан шифо топибди!», - деб қолди. Қобус: «Уни беморнинг ҳузурига олиб келинглар, даволаб кўрсин, ростдан ҳам қўлдан қўлнинг фарқи бор!», - деб буюрди.

Абу Алини топишиб, беморнинг ҳузурига кириб, ғоят келишган, чиройли, мўйлови энди сабза урган, аммо ўзи жуда ғамгин бир йигитни кўрди. Ёнига ўтириб, томирини текширди. Сўнг пешобини олишга буюрди. Пешобни кўргач: «Менга Гургоннинг барча уй ва маҳаллаларини биладиган киши керак!», - деди.

Шундай кишини олиб келиб: «Мана у», - дедилар. Абу Али беморнинг томирига қўлини қўйгач, унга «Гургондаги маҳаллалар номини айт!», - деди. У бир маҳалланинг номини тилга олганда беморнинг томири ғалати ура бошлади. Шунда Абу Али: «Шу маҳалланинг қўчаларини айт!», - деди. У санай бошлаб, бир қўчага келганда, беморнинг томиридаги ғалати ҳаракат яна такрорланди. Аба Али: «Энди шу қўчадаги барча уйларни биладиган киши керак!», - деди.

Шундай кишини топиб келдилар. У қўчадаги уйларнинг эгаларини айта бошлаган эди, у бир уйга келганда, ўша ҳаракат яна такрорланди. Шунда Абу Али: «Энди шу уйда яшовчи кишиларнинг ҳаммасини биладиган ва номини айтиб бера оладиган одам керак!», - деди. Шундай одамларни ҳам топиб келдилар. У уйда яшовчиларнинг номларини айта бошлаган эди, гал бир бир кишининг номига келганда, ўша ҳаракат яна пайдо бўлди. Шунда Абу Али: «Бўлди!», - деди.

Сўнг Қобуснинг яқинларига қараб: «Бу йигит фалон маҳалладаги, фалон қўчадаги, фалон уйдаги, фалон исмли кишининг фалон номли қизига ошиқ! Бунинг шифоси ўша қизнинг висоли, даъвоси эса унинг дийдоридир!», - деди.

Бемор кулоқ тутиб, Абу Али нима деса, ҳаммасини эшитиб турган эди. У қаттиқ уялиб, бошини чойшабга ўраб олди.

Қобус бу қизиқ муолажадан ҳам лол, ҳам ҳайрон эди. Ҳақиқатан ҳам, бу таажжубга лойиқ ишдир! Сўнг Абу Алига деди: «Эй фозилу комилларнинг улуғи! Ошиқ ҳам, маъшук ҳам менинг жиянларим бўлишади,

бир-бирига эса холаваччадирлар. Муборак кунни аниқла, уларни бир-бирига ковуштириб қњййлик!»

Абу Али энг муборак кунни аниқлади. Тњй қилиб, ошиғу маъшукни бир-бирига ковуштирдилар. Гњзал шахзода шундай қилиб бу ҳалокатли ранждан кутулиб қолди.

Ривоятда буюк табибнинг юксак ақлу заковати, донишмандона кузатувчанлиги билан бир қаторда, ишқ дардига мубтало бўлган ошиқ йигитнинг андишаси, гњзал ахлоқ одоби беқиёс ибрат намунаси сифатида талқин қилинган.

Ибн Сино ҳақидаги ҳар бир ривоятда унинг ҳаёти ва фаолиятининг муҳим бир қирраси акс эттирилади. Ана шундай ривоятлардан бири Ибн Синонинг нта сезгир ва ноёб қобилият эгаси эканлигини тасвирлашга бағишлангандир.

Ривоят қилишларича, Ибн Сино дњстлари билан нз уйида суҳбатлашиб нтирар эди. Бир оз фурсатдан кейин у бир юмуш билан ташқарига чиқади. Шунда дњстлари унинг сезгирлигини синаб књриш мақсадида у нтирган тњшак остига бир варақ қоғоз қњйишади.

Ибн Сино қайтиб кириб, нз нрнига нтиради ва бир уйнинг шифтига, бир ерга қараб:

- Ё менинг бўйим бир қоғозга нсган, ё уйнинг шифти бир қоғоз қалинлигида пасайган, - дейди.

Унинг нозик сезгирлигига қойил қолган дњстлари тњшак остига бир варақ қоғоз қњйганликларини тан олишади.

Тарихий ривоятларга реал шахслар ҳамда нтмишда бўлиб нтган воқеалар билан алоқадор тарихий ҳақиқат акс эттирилади. Бу тип ривоятларда тасвирланган ҳаётий воқелик реал тарихий ҳақиқатни ифодалаши билан ажралиб туради. Бу турдаги ривоятларда тарихий шахслар характериға хос бўлган етакчи хусусиятлар алоҳида књзга ташланиб туради. Бунини Алишер Навоий ҳақида яратилган ривоятлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Ривоят қилишларича, кунлардан бир кун Ҳусайн Бойқаро эрталаб саройға кириш олдидан Навоийға књриниш берибди-да, књрсаткич бармоғи билан бошини књрсатибди. Навоий ҳам худди шу бармоғи билан тилини књрсатибди.

Ҳусайн Бойқаро бошини чайқабди-да, саройға кирмай изига қайтибди.

Воқеани кузатиб турган Навоийнинг шогирдлари бу имо-ишораларнинг сабабини сњрашибди. Навоий бу жумбоқни ечишни уларнинг нзларига ҳавола қилибди. Шогирдлар нйлаб-нйлаб топишолмабди. Шогирдларидан бири Навоийни гапға солиш мақсадида сиёҳдонни ағдариб юборибди.

Шунда Навоий:

- Абдуллатиф, ҳаёлингиз бунча паришон бўлиб қолди, сиёҳдон ағдарилди-ку, - дебди.

- Кечирасиз устоз, - узр сьради. Абдуллатиф, - халиги муаммонинг сабабини ньлаб, хаёлим қочибди.

Навоий бояги имо-ишора маъносини айтишни мажбур деб билибди:

- Ҳусайн «бошга балони нима келтиради?», - деб сьраган эди, «тил» деб жавоб қилдим.

Шогирдлар Навоийнинг зийраклигига қойил қолишибди.

Ривоят мазмунидан шу нарса маълум бўладики, Навоийга хос ақлу заковат, доно вазир билан подшоҳнинг сьзсиз, ҳатто имо-ишоралар орқали бир-бирини яхши англаб етиши, подшоҳнинг ҳар бир ишда Навоийнинг маслаҳатларига таяниши каби тарихий ҳақиқат ньз аксини топган.

Алишер Навоийнинг ибратли ҳаёти ва нодир истеъдоди ньз замонасидаёқ Хуросон ва Муовароуннаҳрда машҳур бўлган эди. Шу боисдан бу улуғ зотнинг бекиёс инсонпарварлиги, буюк ҳиммати, ҳақиқат ва адолат пешвоси сифатидаги фидоийлиги ҳикоят ва ривоятларга айланиб кетган эди. Бу хилдаги ривоятларнинг кьпчилиги Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ», Фаҳриддин Али Сафийнинг «Латоиф ут-тафоиф» каби асарлари таркибида берилган.

Алишер Навоий ҳақидаги ривоятларнинг баъзилари бевосита шоир ҳаётлигидаёқ яратила бошлаган бўлса, баъзилари эса бадий тьқималар асосида кейинчалик юзага келган.

Ана шундай ривоятлардан бирида нақл қилинишича, Ҳусайн Бойқаро бир куни шипга қараб ётиб, вазирларига «олиб келинг» дебди. Вазирлар нимани олиб келишни билмабдилар. Бу вақтда Навоий саройда йньк экан. Ҳусайн Бойқаро эса атайлаб нимани олиб келишни айтмай вазирларнинг фаҳм-фаросатини синаб кьрмоқчи бўлибди. Қалтис вазиятда қолган вазирлар охири маслаҳатлашиб Навоийнинг олдига боришдан ньзга чора топа олмабдилар. Навоий вазирларнинг гапини диққат билан эшитиб, подшоҳ бу гапни қаерда, қанақа ҳолатда айтганини сьрайди ва воқеалар тафсилотини эшитиб шундай дейди: «Шоҳ олдига арра, теша ва устани олиб боринглар». Вазирлар худди Навоийнинг айтганидай қилиб, шоҳнинг топшириғини бажаришади. Шунда Ҳусайн Бойқаро устага қараб: «Мана бу тоқини тузат!», дейди. Ҳусайн Бойқаро бу ишга Навоий аралашганини сезади ва вазирлардан бу жумбоқни қандай ҳал қилганини сьрайди. Вазирлар эса воқеанинг тьғрисини айтишга мажбур бўлишади. Ҳусайн Бойқаро бу ҳаракати билан саройда ҳеч ким Навоийнинг ньрнини босолмаслигини, қирқта вазирда битта Навоийчалик фаҳму фаросат, ақлу заковат йньклигини вазирларга яна бир бора эслатиб қъяди.

Тарихий воқеалардан маълумки, Алишер Навоий Мажидиддин Муҳаммад, Низомулмулк каби нопок вазирлар иғвоси ва талаби билан бир неча муддат саройдан узоқлашиб Астрободга кетишга мажбур бўлган эди. Айни мана шундай пайтларда Ҳусайн Бойқаро узоқдаги дньстини кьмсаган, унинг доно маслаҳатларига мухтож бўлган.

Мана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, келтирилган ривоятда бадий тьқималар билан бир қаторда, тарихий ҳақиқат излари ҳам намоён бўлади. Шу билан бир қаторда ривоятга қадимдан халқ орасида машҳур

бўлган «Эркисиз фолчи», «Аёз» номли эртаклар сюжетининг таъсири бирлиги ҳам сезилади. Мазкур сюжет Алишер Навоийнинг донишманд ва тадбиркорлигини изоҳлаш учун хизмат қилдирилган. Бинобарин, қаҳрамонлар тарихий шахс, уларнинг муносабати фактик ҳодисаларга мос, бироқ асар воқеалари эса тўқима характеридадир. Маълум бўладики, эртак ёки латифага мос бўлган анъанавий сюжет ёки мотивлар тарихий фактларга монелик қилмайди, балки уларни тўлдириб, бўрттириб, муҳим бўлган белгиларни ёрқин намоёиш қилиш учун хизмат қилади.

Муайян халқ, элат, уруғ ва қабилаларнинг вужудга келиш тарихи, уруғ-қабилаларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, улар ъртасида бўлиб ътган муносабатларга доир тарихий-этнографик ахборотлар берувчи ривоятларни фольклоршунос У.Жуманазаров этнонимик ривотлар сифатида тақдим этади.¹

Этнонимик ривоятлар фольклоршунослар билан бир қаторда этнограф олимларни ҳам қизиқтириб келган. Чунончи, этнограф олима Б.Х.Кармишева Жанубий Њзбекистонда яшовчи турли хил ъзбек уруғларининг урф-одатлари, эпик тарихини ърганган ва ъз тадқиқотида ъзбек халқи ътмиши билан боғлиқ «Қўнғирот», «Сарой», «Дѣрмон», «Мусо бозори», «Хўжа Барлос», «Қорлуқ» каби қатор ривоятларни келтирган.¹

Этнонимик ривоятлар турли халқ ва уруғларнинг пайдо бўлиши ҳақида реал тарихий асосга эга бўлмаса ҳам, аммо у ёки бу халқнинг этник таркибини ташкил этувчи уруғ ва қабилалар ҳақида маълум даражада тасаввур туғдиришга имкон беради.

Қуйидаги ривоятда йирик ъзбек уруғларидан бири қўнғирот қабиласининг вужудга келиши ҳақида ҳикоя қилинади.²

Ривоят қилинишича, бир чол саҳрода отлиқ ъзининг жўнғ (уч яшар туя)ларини қидириб юрган эди. Бир пайт у қирқ отлиққа дуч келиб қолади. Улар чолдан давлат қушини кўрган-кўрмаганлигини сўрашади. Уларнинг айтишларича, бир подшолари ва унинг давлат қуши бор экан. Подшо мен ълсам, давлат қушини учиринглар, қуш кимнинг бошига қўнса, шуни подшо қилиб сайланглар, деб васият қилган эди. Подшолари ългач, улар давлат қушини учуриб, яна шу қушни қидириб юришган экан.

Чол давлат қушини кўрмаганлигини, аммо бир қирнинг устида афтидан жуда ҳам бахтли бир йигит ётганлигини айтади. Чавандозлар чолдан ъша жойни кўрсатиб қўйишини сўрашади. Чол рози бўлиб, уларни ъша жойга бошлаб боради. Шунда улар давлат қушининг қанотларини ёйиб ухлаётган йигитга соя солиб турганлигини кўришибди. Улар дарҳол йигитни уйғотиб, барча воқеани тушунтириб, уларга подшо бўлажаклигини айтишибди, йигит кўнибди. Йигитга от беришибди. Йигит отни минганда, от уни кўтаролмай йиқилиб тушибди. Шундай қилиб, у қирқ чавандознинг отини бирма-бир миниб кўрибди ва ҳар галл шундай ҳол юз берибди. Шунда йигит чолдан отини бериб туришни, фақат унинг отигина ъзини кўтара

¹Жуманазаров У. Этнонимик ривоятлар. //Њзбек фольклори ва тарихий вољелик. Т.: «Фан», 1991, 180-бет.

¹ Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М.: Наука, 1982.

² Жуманазаров У. Этнонимик ривоятлар. //Њзбек фольклори ва тарихий вољелик. Т.: «Фан», 1991, 196-197-бетлар.

олишини айтади. Бунинг эвазига подшо сайлангач, чолни мукофотлашини айтади. Чол књи́б, ъзининг књи́ғир рангдаги отини йигитга беради. Улар жънаб кетишади. Орадан къп вақт ътмай йигитнинг подшо қилиб сайланганлигини эшитиб қолади. Чол дарҳол ъз мукофотини олиш учун подшо ҳузурига жънайди.

Чол саройга яқинлашиб «књи́ғир отнинг эгаси келди» деб қичқирибди. Йигит буни эшитиб, ъзига керакли мукофотни танлаб олсин деб, чолни ҳузурига чақириб олади. Чол йигитдан ъз подасини боқиб юриш учун сахро ҳадя этишни сърайди. Подшо унинг илтимосини бажаради ва чолни яна бошқа нарса сърашини ҳам айтади. Чол атрофига қараб, къпгина аёлларни къради ва улардан бирини ъзига хотинликка беришини сърайди. Подшо бу илтимосни ҳам бажаради. Чол хотини билан ъзининг отида уйига қайтади. Унинг Қъштамғали, Вахтамғали, Қанжиғали, Айнли исмли търт ъғли бор эди. Чол уларнинг ҳар бирига ъз меросини бълиб бериб, ъз улушини олиб, ёш хотини билан бошқа жойга – Бойсун тоғининг этакларига къчиб кетибди. Шу пайтдан бошлаб чол ва унинг хотинини књи́ғирот деб аташибди. Худди шу ерда унинг бешинчи ъғли туғилибди. Болага Тортувли, яъни совға қилинган деб ном қъйишибди.

Њзбек халқига мансуб књи́ғирот уруғи ва унинг бешта аймоғининг вужудга келишини изоҳловчи мазкур ривоят ҳаётий уйдирма асосидаги сюжетдан ташкил топган бълиб, унда уруғ таркибидаги аймоқларнинг ъзаро яқин боғлиқлиги, қондошлиги, бинобарин, улар тинч-тотув яшашлари лозимлиги, яъни патронимик ғоя илгари сурилади. Шунинг учун ҳам у этнонимик ривоятнинг ғъзал намунаси ҳисобланади.

Умуман айтганда, ривоятлар халқнинг ътмиши, тарихи, ахлоқий-эстетик қарашларини ърганишда энг муҳим адабий манба сифатида хизмат қилади. Шунинг учун ҳам машҳур ёзувчи ва шоирлар ъз асарларида къпинча бадиий восита сифатида афсона ва ривоятларга мурожаат қиладилар. Буни Алишер Навоий, Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Асқад Мухтор ва яна бир қанча машҳур адиблар ижоди мисолида ҳам къришимиз мумкин.

Бадиий адабиёт сюжетида афсона ва ривоятлардан фойдаланиш бир томондан халқнинг маиший турмуши, урф-одати, тафаккур даражасини яхшироқ билиш имконини берса, иккинчи томондан, халқ оғзаки ижодидаги ифода тасвир воситалари реалистик адабиётдаги образларнинг баҳодирлиги, ташқи қиёфаси, ички дунёсини ёрқинроқ кърсатишга хизмат қилади. Бундан ташқари, ёзма адабиётда халқ оғзаки ижоди намуналаридан бадиий восита сифатида фойдаланиш асарнинг халқчиллигини оширади.

Кейинги йилларда ъзбек халқ афсона ва ривоятлари қатор фольклоршунос олимлар томонидан ърганилиб, халқ оғзаки ижодининг ушбу жанрлари бъйича қимматли тадқиқотлар яратилди.¹

¹Имомов К. Њзбек халъ оғзаки прозаси. Т.: «Фан», 1981; Умаров С. Тарих ва ривоят. Т., 1988; Жуманазаров У. Њзбек фольклори ва тарихий воълелик. Т.: «Фан», 1991; Жъраев М. Њзбек халъ самовий афсоналарининг тарихий асослари. Филология фанлари доктори даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 1996.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Афсоналарга хос асосий хусусиятларни айтинг.
2. Афсоналарнинг турлари ҳақида тушунча беринг.
3. «Нурли тош тушган жой» афсонасида қандай ғоялар илгари сурилган?
4. «Дев қалъа» афсонасининг ғоявий мазмунини сўзланг.
5. Ривоят жанрига хос хусусиятлар нималардан иборат?
6. Тарихий ривоятларга қандай ривоятлар киради?
7. Беруний ва Султон Маҳмуд ҳақидаги ривоятда шоҳ ва олимга хос қандай хусусиятлар акс этган?
8. Алишер Навоий ҳақидаги ривоятларнинг ғоявий мазмуни ҳақида гапиринг.
9. Афсона ва ривоятлар ҳақида тадқиқотлар яратган фольклоршунос олимлар ҳақида маълумот беринг.

Адабиётлар

1. И.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т.: «Ўқитувчи», 1990.
2. Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки прозаси. Т.: «Фан», 1981
3. Умаров С. Ривоят ва ҳаёт. Т.: «Фан», 1988.
4. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. Т.: «Фан», 1991.
5. О.Мадаев, Т.Собитова, Халқ оғзаки поэтик ижоди, Т.: «Шарқ», 2001.
6. Ҳикоят ва ривоятлар. Тўплаб нашрга тайёрловчи М.Жўраев. Т.: «Фан», 1993.
7. Ипак йўли афсоналари. Тўплаб нашрга тайёрловчи М.Жўраев. Т.: «Фан», 1993.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ

Аждодларимизнинг қадим ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, урф-одатлари, анъаналари, маданияти, тили ва тарихини бадиий-фалсафий, ахлоқий-эстетик жихатдан ўзига хос тарзда акс эттирадиган оғзаки ижодиёти ниҳоятда ранг-барангдир.

Неча-неча нтмиш даврлардан бизгача етиб келган эртаклар оғзаки сўз санъатининг энг оммавий ва энг демократик тури ҳисобланади. Қадим замонларда яратилиб, бизгача етиб келган эртакларда ҳаётнинг ва тарихнинг романтик ва реалистик тасвири бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганлигини кузатар эканмиз, эртақда акс этган фантазия ўз даврининг нткир ижтимоий қарашлари асосига қурилганлигининг ҳам гувоҳи бўламиз. Демак, эртақ жанрининг асосий хусусиятларидан бири унинг халқ ҳаёти, кураши, тарихи, орзу-умидлари, дунёқараши, урф-одатлари билан жуда яқиндан боғланган бўлиши ва инсонларга ахлоқий ва маънавий йўлдош бўлиб келишидадир.

Халқ эртаклари узоқ асрлардан бери фольклоршунослар, адабиётшунослар, тилшунослар, тарихчи, этнограф ва бошқа соҳа вакилларини ўзига жалб қилиб келган. Шунинг учун ҳам кўплаб таниқли олимлар эртакларни тўплаш ва илмий асосда ўрганиш ишлари билан шуғулланганлар. XIX асрнинг охири XX аср бошларида А.Н.Самойлович, Н.П.Остроумов, А.А.Диваев, В.В.Бартольд каби шарқшунос олимлар эртакларни тўплаш ва нашр этиш соҳасида дастлабки қадамларни қўйган бўлсалар, кейинчалик бу иш ўзбек фольклоршунослари томонидан муваффақиятли давом эттирилди.

Кейинги йилларда ўзбек халқ эртакларини тўплаш, нашр этиш ва илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ўзбек фольклоршунослигида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, таниқли фольклоршунос М.Афзаловнинг «Ўзбек халқ эртаклари ҳақида» деб номланган монографияси эртаклар ҳақида яратилган дастлабки йирик тадқиқот бўлиб, олим унда эртақ турлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар юритган.

Ўзбек халқ прозаси бўйича чуқур изланишлар олиб борган олим К.Имомовнинг «Ўзбек сатирик эртаклари» (1974) деб номланган монографияси ҳам фольклоршуносликдаги муҳим тадқиқотлардан бири бўлиб, унда эртакларнинг жанр хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, фольклоршунос Ғ.Жалоловнинг «Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси» (1976), Х.Эгамовнинг «Сайёр сюжетлар» каби тадқиқотлари ҳам ўзбек халқ эртакларини турли жихатдан ўрганишга қаратилган.

1958-1960 йилларда «Ўзбек халқ эртаклари»нинг икки томлиги нашр этилди. М.Афзалов, З.Ҳусайнова, Ҳ.Расуловлар томонидан нашрга тайёрланган бу китоб кейинчалик рус тилида ҳам босилиб чиқди. «Ўзбек

халқ ижоди» књп томлиги сериясида ҳам кейинги йилларда њнлаб эртаклар тњпламлари нашр этилди.

Њзбек халқининг асрий орзуси бњлган мустақиллик амалга оширилган маданий меросимизга ва миллий кадриятларга бњлган эътибор давлат сиёсати даражасига књтарилди. Оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарини чуқур њрганиш, холис баҳо бериш, улардан муҳим тарбия воситаси сифатида фойдаланиш давр талаби бњлиб қолди.

Халқимиз маданий меросига бњлган жиддий эътиборнинг маҳсули сифатида юзага келган «Њзбек халқ эртаклари» тњплами уч жилдлигининг (2007 йилда) босилиб чиқиши њзбек фольклоршунослигининг ютуқларидан биридир.

Эртақ термини XI асрнинг машҳур тилшунос олими Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида этук – ҳикоя; эртақ – бирор мақсадни шоҳга билдириш, ҳикоя қилиш маъносини билдиради¹ дейилади. Демак, эртақ бирор нарсани ҳикоя қилиш маъносини англатади.

Эртақ атамаси халқимиз орасида турли туман номлар билан юритилган: ушук, матал варсақи, чњпчак, чњрчак ва ҳоказо. Ушбу атамалардан баъзилари Алишер Навоий асарларида ҳам учрайди. Шоир чњпчак ёки чњрчак сњзини афсона, эртақ, масал маъноларида қўллайди:

Ҳабибим ҳусни васфин уйла муҳлик англаким, бњлғай,
Қошинда қиссаи Юсуф бир уйқу келтирур чњрчак.

Эртақларга хос асосий хусусият шундан иборатки, уларда воқеалар мњъжизали тарзда кечади. Бинобарин, фантазия ва мњъжиза эртақ мезони сифатида воқеа ва ҳодисаларни ҳаёт билан боғлаб, адолат, ҳақиқат, эрк, одамийлик каби олийжаноб ғояларни тарғиб этади.

Њзбек халқ эртаклари фольклоршунос олимлар томонидан уч турга бњлиб њрганилган:

1. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар;
2. Сехрли эртақлар;
3. Маиший эртақлар.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг пайдо бњлиши ибтидоий даврларга бориб тақалади. Бу турдаги эртақларда қадимий инсоннинг тотемистик қарашлари њзига хос тарзда акс этганлиги књзга ташланади.

Фольклоршунос К.Имомов ҳайвонлар ҳақидаги эртақларни шартли равишда икки турга ажратади.¹ Соф ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар ва маъжозий эртақлар.

Соф ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар нисбатан қадимий бњлиб, унда ибтидоий даврларда овчилик билан шуғулланган инсоннинг ҳайвонларнинг турли ҳатти-ҳаракатларини кузатиши натижасида ҳайвонот оламида ҳам инсоният хос белги хусусиятлар мавжуд деган мулоҳаза ва қарашлар акс

¹ Маҳмуд Љошғарий. Девону луғотит турк, биринчи том, Т.: ЊзФА нашриёти, 1960, 98-бет.

¹ Имомов К. Эртақ. //Њзбек фольклор очерклари. Уч томлик. Иккинчи том, Т.: «Фан», 1989, 74-75-бетлар.

этган. «Хъроз билан тулки», «Бойкуш», «Қалдирғоч билан зингловук» каби эртақлар ушбу туркумга киради.

«Кийик билан кади» эртагида асосан кийиклар думи нима учун калта эканлигининг сабаблари изоҳланади.

Эртақда ҳикоя қилинишича, кади кийикни қърқитади. Кийик эса кадидан нч олиб уни думига боғлаб чъқтиради. Кади кийикни сув тагига тортади, натижада кийикнинг думи узилиб, тъмтоқ бълиб қолади. Кийик думи йъқлигини масхара қилган барча кийикларнинг думларини бир-бирига боғлаб «мерган келяпти» деб қочади. Думи боғлиқ кийиклар эса турли томонга қараб қочади, натижада думларидан ажраладилар.

Кейинчалик соф ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар негизида мажозий эртақлар юзага келган. Қадимги одамларнинг анимистик ва тотимистик эътиқодлари баъзи ҳайвонларни аждодлар руҳи сифатида топинишга ундади.

Тотем ва культ саналган ҳайвонлар къпроқ сеҳрли эртақларда акс этиб, улар эртақ қаҳрамонининг ғайритабиий кучга эга бълган ёрдамчисига айланди. «Чълоқ бъри», «Меҳригиё», «Подачининг қизи», «Кък къчқор», «Оқкуш», «Айиқ полвон», «Илон пари», «Илон оға», «Бъри қиз» каби эртақларда бъри, илон, айиқ, къчқор каби ҳайвонлар қаҳрамоннинг асосий къмақдоши, сеҳргарлик қудратига эга бълган персонаж сифатида намоён бълади.¹

Мажозий эртақларнинг мавзу доираси кенг бълиб, уларда асосан, адолат учун кураш, эркинлик ва озодликка интилиш аҳиллик ва тадбиркорлик тантанаси каби ғоялар илгари сурилади.

«Сусамбил» мажозий эртақнинг ёрқин намунаси дир. Къпгина мажозий эртақлар шакл ва маъно муносабати жиҳатидан масал жанрига яқин туради.

Халқ орасида кенг тарқалган «Бъри билан тулки» туркумидаги эртақларда тулки айёрлик ва фирибгарлик тимсоли сифатидаги мажозий образ.

Бъри эса баъзан лақма, калтафаҳм айни пайтда қонхърлик тимсоли сифатида намоён бълади.

Ушбу туркумдаги эртақлардан бирида ҳикоя қилинишича, бўри оғзида бир бўлак гўшт тишлаб кетаётган бўлади. Унга тулки учраб: «Бўривой, қаердан келаяпсан?» деганида бўри: «Попдан» деб оғзидаги гўштни тушириб юборади ва айни шуни кутиб турган тулки гўштни илиб кетади. Эртақнинг иккинчи эпизодида эса энди бўри тулкидан қасос олмоқчи бўлади. Тулки гўшт тишлаб кетаётган эди. Бўри: - «Тулкивой қаердан келаяпсан?» деб сўрайди. Тулки «Попдан» дейиш ўрнига, гўштни маҳкам тишлаганича: «Ғиждувондан», дея жавоб бериб, яна бўрини доғда қолдиради.

Сеҳрли эртақлар ҳам уйдирмалар асосига қурилган бўлиб, эртақ қаҳрамонлари ва воқеа-ҳодисалар одатдан ташқари, ғайритабиий ҳолда тасвирланади.

«Илон оға», «Ялмоғиз», «Девсафид», «Хирсиддин полвон», «Семурғ», «Кенжа ботир» каби эртақлар анимистик ва тотемистик қарашлар асосига

¹ Ёша китоб, 77-бет.

қурилган бўлиб, уларда жонсиз нарсалар жонлантирилади: ер-сув, тоғу тошлар тилга киради, инсон билан ўзаро муносабатда бўлади, одамлар тошга ёки бошқа бирон нарсага айланиб қолади, сеҳр-жоду ечилганда эса яна ўз аслига қайтади.

Сеҳрли эртакларда қаҳрамоннинг ҳар бир ҳаракати синов мотиви билан боғланади. У аждар, дев, беҳисоб душман қўшини билан курашиб ҳамиша ғолиб чиқади. Қайлиқ излаш, уйланиш ёки сеҳрли нарсаларни олиб келиш кабилар эртакларнинг энг қадимий ва марказий мавзуларидир.

Сеҳрли эртаклар сюжети уч қисмдан ташкил топади. Сюжетнинг кириш қисми, эпик саргузашт қисм ва учинчиси финал қисм ҳисобланади. Эртак сюжети афсонавий ҳомиладорлик, қаҳрамоннинг туғилиши, чақалоқнинг ўғирланиши, кун сайин эмас, балки соат сайин ўсиши, қаҳрамонликлар кўрсатиши, от танлаши, париларга ёки маликаларга ошиқ бўлиши каби бир қанча мотивлардан ташкил топади.

Анъанавий учликлар – уч йўл, уч ака-ука, уч кеча-кундуз – сюжет ҳаракатининг бир хил қолипда давом этишини таъминлайди.

Эртакларда тўрт, етти, қирқ сонлари билан боғлиқ анъаналар ҳам мавжуд бўлиб, булар тарихан халқнинг қадимий урф-одати, сеҳрли рақамлар ҳақидаги тушунчалари билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик асл моҳиятидан узоқлашиб поэтик воситаларга айланган. «Ота васияти» эртагида отасининг гўрини пойлаган Кенжа ўғилга уч кечада учта от (ок, қора, саман отлар) келиб ўз ёлларида бериб кетадилар. Эртак охирида Кенжа ўғил мана шу уч отнинг ёрдамида мурод-мақсадига етади.

Сеҳрли фантастик эртакларда кенг тарқалган образлардан бири парилардир. Парилар эртакларда ўт, илон, каптар, кийик, одам, балиқ ва бошқа шаклларда кўринадилар. Улар турли сеҳрли кучга эга бўлиб, ўзига ошиқ бўлган йигитларга қийин шартларни қўядилар. Қаҳрамон бу шартларни бажара олса парига эришади, акс ҳолда ўлимга маҳкум бўлади. «Моҳистара» эртагида шахзода Шавкат ошиқ бўлган гўзал кийик Ҳиндистон шоҳининг қизи пари Моҳистара бўлиб чиқади. Шахзода парининг сирларини билиб, унинг шартини бажаради ва муродига етади.

Маиший эртаклар реал, ҳаётий уйдирмалар асосига қурилган бўлиб, фантастик унсурлар ёрдамчи мотивлар шаклида намоён бўлади.

Адолат ва инсонийлик, севги ва муҳаббат, донолик ва муҳнатсеварлик, дўстлик ва садоқат, қаҳрамонлик ва фидоийлик ушбу турдаги эртакларнинг мавзу доирасини ташкил қилади.

Маиший эртаклар ғоявий мазмуни, воқеликни тасвирлаш услубига кўра шартли равишда икки турга: ҳажвий ва ҳажвий бўлмаган турларга бўлинади.

Ҳажвий бўлмаган эртакларда танқид ёки ҳажв элементлари кам бўлиб, «Хусниябону», «Уч оғайни», «Маликаи Хусниобод», «Озодачехра», «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод ва Ширин», «Аёз», «Давлатли келин» каби эртаклар ушбу туркумга киради.¹

¹ Ўша китоб, 89-бет.

Эркин ҳаёт ва тинчлик, юрт ҳимояси ва озодлик, мардлик ва инсонпарварлик каби ғоялар асосига қурилган бундай эртақларда демократик руҳ кучли бўлиб, юксак ахлоқий-эстетик қарашлар талқин қилинади.

«Зиёд ботир», «Болтакай ботир», «Уч оға-ини ботирлар» каби эртақларда зулм ва зўравонликка қарши кураш, мардлик, вафодорлик туйғулари асосий ўрин тутса, «Аёз», «Давлатли келин», «Донишманд аёл», «Гулфарах» каби эртақларда топишмоқли тортишув асосига қурилган бўлиб, уларда донишмандлик ва ақл-заковат, уддабуронлик фазилатлари улуғланади. Масалан, «Ақлли бола» эртагида подшо овга чиқиб бир болани учратади ва боладан бизларни нима сўйиб меҳмон қиласан деб сўрайди. Бола: «Топсак бирни, топмасак иккини сўямиз», - деб жавоб беради. Подшо бу боланинг гапидаги жумбоққа қизиқиб, уни синаб кўрмоқчи бўлиб, боланинг уйига меҳмонга юборади. Подшо боладан яна: «Нечта қўй сўйдинг?» - деб сўрайди. Бола: «Бирни топмадик, шунинг учун иккини сўйдик» - деб жавоб беради. Подшонинг ҳайрати ошиб: «Бирни топмасанг, иккини қаердан топиб сўясан», - деганида, бола: «Бизнинг бир бўғоз совлиғимиз бор эди, бошқа қўй топмай, шу бўғоз қўйни сўйдик, ўзи сўйилганидан кейин боласи ҳам ўлади-да», дея жавоб беради. Подшо боланинг ақлига тан беради.

«Гулфарах» эртагида эса шоҳ қизнинг уддабуронлигини синаш учун жумбоқли саволлар билан совчилар жўнатади. Қиз ҳам бу жумбоқларни ақлу фаросат билан ечади.

Маиший эртақларнинг бир турини ҳажвий эртақлар ташкил қилади. Бу эртақлар ўткир ҳажв, хушчақчақ мутойиба асосига қурилган бўлиб, воқеалар ихчам, лўнда ифодаланади.

Ижтимоий ҳаётдаги иллатларни қоралаш, баъзи кишиларга хос бўлган салбий хусусиятларни фош қилиш бу турдаги эртақларнинг ғоявий мазмунини ташкил қилади.

Ҳажвий эртақларда аччиқ кулгу қочирим, пичинг, киноя ва шама орқали ифодаланади. «Ўпка қишлоқ» эртагида миршаб чолга дуч келади ва ва «Ўпка» қишлоғини сўрайди. Қария тушунган ҳолда фикрни бошқа томонга буради. «Ҳозир кекирдакка келдингиз, ўпкага ҳали бор». Миршаб жаҳли чиқиб «чопаман» деса, чол «чопмасдан секин борсангиз ҳам бўлади», деб жавоб беради.

«Алдаркўса», «Хасис бой ва унинг ўғиллари», «Гаранг», «Тўрт ялқов», «Етти аҳмоқ», «Икки ўжар», «Кал», «Уч ёлғонда – қирқ ёлғон» каби эртақлар ҳажвий-юмористик эртақлар туркумига киради.

Юқорида кўрганимиздек, ўзбек халқ эртақлари турли туман бўлиб, бу эртақларнинг барчаси ҳамма даврларда ҳам инсон тарбияси учун энг таъсирчан восита сифатида хизмат қилиб келган. Эртақларнинг образлар дунёси ҳам ранг-баранг: подшолар, маликалар, парилар, қаҳрамон йигитлар, хунарманд, мардикор, деҳқон, донишманд қариялар, оддий инсонлар, ўғай она, етим қиз, кенжа ботир, семурғ, дев, аждар, жин, ялмоғиз кампир ва ҳоказо. Бу образлар эртақларда анъанавийлашиб кетган бўлиб, уларнинг ҳар

бири асар сюжет чизиғида муҳим ўрин эгаллайди ва маълум бир ғоявий-эстетик вазифани адо этади.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Ўзбек халқ эртакларини тўплаш, нашр этиш ва илмий тадқиқот ишларини олиб борган олимлардан кимларни биласиз?
2. Халқ эртакларининг асосий хусусиятлари ҳақида тушунча беринг.
3. Эртаклар қандай турларга бўлинади?
4. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Сехрли эртакларнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
6. Маиший эртакларга қайси эртаклар киради? Бу эртакларда қандай ғоялар илгари сурилган?
7. Мажозий эртакларнинг асосий персонажлари ҳақида гапиринг.
8. Эртаклардаги анъанавий образлар ҳақида маълумот беринг.
9. Эртакларнинг қандай аҳамияти бор?

Адабиётлар

1. М.И. Афзалов, Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. Т.: «Фан», 1964.
2. К.Имомов, Эртак. //Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик, 2-том, Т.: «Фан», 1989.
3. К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Ўқитувчи», 1990.
4. Ж.Юсупов, Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. Т.: «Фан», 1997.
5. Кулса – гул, йиғласа – дур. Эртаклар. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ

Ўзбек халқининг эпик мероси жуда қадимий тарихга эга. Бу улкан хазина ҳозирга қадар кишиларни она Ватанга, халқига меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда етакчи манба бўлиб хизмат қилмоқда. Олийжаноб ғояларни бетакрор бадиий шаклларда ифодалаш халқ эстетик тафаккурининг етакчи тамойилларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда халқ эпоси миллий ва маданий қадриятларимизнинг ажралмас бир қисмини ташкил қилади.

«Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарни сақлаб қолишга муваффақ бўлди».¹

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка тақдид, барғарорлик шартлари ва таралғиёт кафрлатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, 137-бет.

Дарҳақиқат, халқнинг бой оғзаки мероси асрлар оша бизнинг ҳозирги талаб ва эҳтиёжларимизга, мустақил юртимиз фуқароларининг маънавий ташналигига ҳозиржавоб сарчашмалик вазифасини нтамоқда.

«Алпомиш», «Гърнғли», «Рустамхон» каби ннлаб дostonлардаги барча ёвузликларни ва иллатларни енгиб ғoлиб чиқувчи, буюк инсоний фазилатларни куйловчи эпик мотивлар, риёкорлик ва мунофиқликни фoш қилиб, инсон қадрини улуғловчи ғоялар ҳозирга қадар халқни нзига мафтун этиб келмоқда. Зеро, теран халқчиллиги билан ажралиб турувчи дostonларда куйланган умумбашарий ғоялар халқимизнинг нтмиши, тарихи, маиший турмуши ва маънавий ҳаёти билан узвий боғлангандир.

Ўзбек халқ дostonлари ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, дунё халқлари ижодида бетакор ҳодисадир.

Дostonларни нрганиш, халқ бахшиларидан ёзиб олиш, нашр этиш ишлари нтган асрнинг нттизинчи йилларидан бошланган бўлса, бу эпик хазинани жиддий тадқиқ қилиш йнлидаги саъй-ҳаракатлар қирқинчи йиллардан амалга оша бошлаган.

1947 йилда академик В.М.Жирмунский ва проф.Х.Т.Зарифовлар томонидан яратилган «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китоби нзбек фольклоршунослигида муҳим воқеа бўлди. Олтмишинчи йилларга келиб қатор фольклоршунос олимлар етишиб чиқдиларки, улар халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари билан бир қаторда халқ дostonларини ҳам турли жиҳатдан тадқиқ қила бошладилар. Проф.Т.Мирзаевнинг «Алпомиш» дostonининг нзбек вариантлари» (1968), проф.М.Саидовнинг «Ўзбек халқ дostonларида бадий маҳорат масалалари» (1969) каби тадқиқотлари халқ дostonларини нрганишда қимматли манба ҳисобланади. Етмишинчи йилларда проф.Т.Мирзаевнинг «Халқ бахшиларининг эпик репертуари» (1978) китоби, проф.М.Муродовнинг «Гърнғли» туркуми дostonлари ҳақидаги номзодлик ва докторлик диссертациялари нзбек халқ дostonлари ва халқ бахшилари репертуарини нрганишда яна бир муҳим бoсқич бўлди. Саксон-тнқсонинчи йилларда Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, У.Жуманазаров, И.Ёрматов, М.Мирзаева, Ҳ.Абдуллаев, С.Рнзимбоев каби олимларнинг қатор тадқиқотлари юзага келдики, уларда нзбек халқ дostonлари турли жиҳатдан нрганилган ва илмий хулосалар чиқарилган.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, маданий меросимизга бўлган эътибор кучайди, шу муносабат билан халқ дostonларини янада чуқурроқ нрганиш, мукаммал нашрларини амалга ошириш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Алпомиш» (1998), «Гърнғли» туркумидаги дostonларнинг тнрт жилдлиги (2006), Хоразм «Гърнғли» ва «Ошиқнома» (2004-2006) дostonлари мукаммал нашрларининг нкувчилар оммасига тақдим қилиниши фикримизнинг далилидир.

Халқимиз азал-азалдан дostonларни севиб нрганган, тинглаган, ижро ва ижод этган. Чунки дostonлар халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларда инсоннинг орзу-умидлари, ахлоқий-эстетик қарашлари, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги юксак идеаллари мужассамлашган.

Достонлар оғзаки ижодда ҳам, ёзма адабиётда ҳам яратиладиган йирик ҳажмли эпик асарлардир.

Бироқ ёзма ва оғзаки адабиётдаги достонлар ҳаётни тасвирлаш воситалари ва усуллари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Халқ оғзаки ижодида достон нътиш замонлар тўғрисида қаҳрамонлик идеализацияси кўламидаги ҳикоятлар, ривоятлардир¹ ёки бошқачароқ қилиб айтганда «Эпос – бу халқнинг қаҳрамонлик идеализацияси кўламидаги жонли нътишидир».²

Проф.М.Саидовнинг таъкидлашича, халқ достонлари шеърӣй ва насрий қисмлардан иборат матндан, мусикадан ва достон айтувчининг ҳофизлик санъатидан, соз черта билиш қобилиятидан иборат таркибий қисмлардан ташкил топади.

Юқоридаги мулоҳаза ва таърифлардан маълум бўладики, достонларда ҳақиқӣй ва идеал тарих бирлашиб, оламшумул ижтимоӣй-сиёсий воқеалар талқин қилинади, халқнинг ахлоқӣй-фалсафӣй, диний-эстетик қарашлари комусӣй бир тарзда акс этади.

Достонларда тарихӣй воқелик халқ фантазияси асосида умумлашган образларда нъз ифодасини топади. Бинобарин, уларда эпик умумлаштириш ҳукмронлик қилади. Бундай умумлаштириш халқнинг ижтимоӣй адолат ҳақидаги идеаллари ва орзу-умидлари билан йнъғрилган. Демак, достонга эпиклик, монументаллик хос бўлиб, композицион ва сюжет қурилиши жиҳатидан мураккаб воқеа-ҳодисаларни қамраб олади. Бундай воқеа-ҳодисалар мазмунан қаҳрамонлик характериға эға бўлиб, улар халқ иделадаги баҳодир атрофига бирлаштирилади. Фавқулудда куч-қудратға эға бўлган бундай якка шахсларда бутун бир халқнинг орзу-умидлари, имконият ва интилишлари мужассамлашган.³

Мана шундай маҳобатли, нътишнинг суронли воқеаларини нъз ичига олган достонларни асрлар оша бизгача етказиб келган ижодкорлар халқ бахшиларидир.

Илмӣй адабиётларда бахши снъзининг икки хил маъноси зикр қилинган бўлиб, шулардан бири проф.Х.Зарифовнинг ёзишича, бахши мнъғулча снъз бўлиб устод, маърифатчи деган маънони билдиради.

Маълумки, туркий халқларда дуохонлик билан беморларни даволовчи шомонларни ҳам бахши деб юритилган. Шомонизм қадимги туркий қабилаларнинг мифологик дунёқарашлари, хусусан, руҳлар дунёси, этиологик, анимистик тушунчалар билан боғлиқ ҳолда юзаға келган инончлар тизими бўлиб, унинг қолдиқлари нъзбеклар ҳаётида ҳозир ҳам учрайди. Шомон дуо нъқиб турли хил эътиқодӣй ҳаракатлар билан жазаваға тушиб руҳлар дунёсига нътадиган, улар билан мулоқотда бўладиган шахсни англатади. Аниқроғи, шомон руҳлар билан одамларни бир-бириға боғлаб турувчи, сирли кучға эға бўлган руҳонӣй шахс сифатида намоён бўлади. У

¹ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекской народный героический эпос. М.: ГИХЛ. 1947, стр. 303.

² Жирмунский В.М. Народный героический эпос. Л.: ГИХЛ, 1962, стр. 195.

³ Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров р. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Ўқитувчи», 1990, 228-бет.

махсус дуоларни Ӣқиб, бемор танасига жойлашиб олган ёвуз рухларни дӢмбира ёки доира садолари остида ҳайдовчи, йӢқ қилувчи, касални покловчи сифатида фаолият кӢрсатган.¹

Мантиқан олганда, бахшиларнинг ҳар икки тоифаси ҳам инсонга хизмат қилган: биринчи турдаги бахшилар дoston куйлаб, халққа маънавий-руҳий озуқа бахш этса, иккинчи турдаги бахши - шомонлар халқни ҳам руҳан, ҳам жисмонан даволаган. Зеро, бахшининг зиммасида ҳамиша энг оғир ва масъулиятли вазифа турган. Бахши бу масъулиятли вазифани фахр ва ифтихор билан бажариб, Ӣз навбатида уни бошқа авлодга етказмоғи лозим. Бахши халқ dostonларини ёдда сақлаб, халқнинг бу ноёб хазинасини янада бойитиб, халқ орасида оммалаштириб, наслдан-наслга олиб Ӣтувчи масъулиятли шахс. Энг характерлиси шундаки, бахши ноёб истеъдод эгаси сифатида бир вақтнинг Ӣзида бадихағӢйлик, созандалик, сӢзга чечанлик, ёқимли овоз ва ижодкорлик салоҳиятига ҳам эга бўлган. Эргаш Жуманбулбул Ӣғли, Фозил ЙӢлдош Ӣғли, Ислом шоир Назар Ӣғли, ПӢлкан Жонмурод Ӣғли каби бахшилар мана шундай юксак истеъдод соҳиби сифатида эл орасида шуҳрат қозонганлар.

Бахшилар халқ dostonларини бирон мусиқа асбоби ёрдамида - дӢмбирида, кӢбизда ёки дуторда куйлайдилар. Хоразм бахшилари dostonларни асосан дуторда куйлаганлар, уларга ғижжак ва баламонда созандалар жӢр бўлади. Республикамизнинг барча ерларида якка ижрочилик ҳукмрон бўлса, Хоразмда ансамбли ижрочилик етакчилик қилади.

Эпик асарларни халққа етказишда халфаларнинг ҳам Ӣрни катта бўлган. Халфачилик – асосан, Хоразмда аёллар орасида кенг тарқалган. Фольклоршуносликдаги кейинги изланишларга қараганда «халфа» сӢзининг келиб чиқиши жуда қадим замонларга бориб тақалар экан. Проф.Ҳ.Абдуллаевнинг маълумотларига кӢра «Авесто»даги диний кӢшиқларни ижро этувчи киши «карпа» ёки «қалпа» деб юритилар экан. Қизиғи шундаки, салгина фонетик Ӣзгариш билан юритилаётган халпаларнинг бир тури ҳозир ҳам маъракаларда Қуръон оятларини, диний китобларни Ӣқиб, бошига мусибат тушган кишиларга руҳий мадад бериб келмоқдалар. Бироқ халфалар фақат диний китобларни Ӣқиш билан кифояланмасдан, баъзи халфалар Навоий, Фузулий, Махтумқули каби буюк сӢз санъаткорлари асарларини, шунингдек, китобга кӢчирилган халқ dostonларини ҳам Ӣқиб, аёллар дилини хушнуд қилиб келганлар.

Хоразм воҳасида қадимдан бери давом этиб келаётган анъанага мувофиқ тӢйларда, ташқарида бахшилар хизмат қилса, ичкарида, аёллар даврасида халфалар хизмат қилган.

Хоразм халфачилиги анъаналари Ӣз моҳиятига қараб бир неча гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ халфаларга Хонум Саидмамат кизи, Онабиби Отажонова (Ожиза), Онажон Собирова (Анаш халпа) каби ижодкор халфалар

¹ Сухарева О. Пережитки демонологии и шаманизма у равнинных таджиков. //Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. М.: Наука, 1975, стр. 9-47.

киради. Бу халфалар халқ достонларини мусиқа жърлигида куйлаш билан бир қаторда, бадий ижод билан шуғулланиб, ажойиб шеърлар ҳам яратганлар.

Иккинчи гуруҳга Сора Оллаберганова, Сорабиби Аҳмедова, Уллибиби Бойжонова каби халфалар киради. Булар фақат халқ къшиқлари ва достонлар таркибидаги айрим шеърларни куйга солиб айтишади ва ансамблга уюшган бълиб, гармончи, доирачи ва раққоса иштирокида хизмат қилишади.

Гармон (соз деб ҳам юритилади) Хоразм мусиқа асбоблари қаторига XIX асрнинг охирларидан кириб келган. Унгача халфалар дутор ва доирада ёки икки пиёлани бир-бирига уриб, ундан чиққан овозга жър бълиб куйлаганлар.

Учинчи тип халфалар достон ва къшиқларни созсиз ижро этадилар. Улар достонларни ёқимли оҳангда ықиш, «Ёр-ёр», «Келин салом», «Муборак» каби тый къшиқларини ижро этиш билан шуҳрат қозонганлар. Розия Матниёз қизи, Пошша Саидмамат қизи кабилар шулар жумласидандир.

Халфалар къпроқ «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Хурлиқо ва Ҳамро», «Қиссаи Зебо», «Ошиқ Ойдин», «Ошиқ Алванд», «Асил ва Карам», «Қумри», «Завриё», «Бозиргон» каби достонларни, Махтумқули шеърларини, турли маросимлар билан боғлиқ къшиқларни ва ызлари яратган асарларни ижро этадилар.

Достончилик мактаблари

Умумлашган пухта эпик анъана доирасида маълум бахши ёки бахшилар гуруҳига хос алоҳида ижодий хусусиятлар, йъллар, услублар ызгачалиги мавжуд. Фольклоршуносликда буни шартли равишда достончилик (бахшилик) мактаблари деб юритилади.¹ Фольклоршунос олимларнинг маълумотларига қараганда Булунғур, Қърғон, Шахрисабз, Қамай, Шеробод, Жанубий Тожикистон, Хоразм каби достончилик мактаблари – бахшилик санъатининг ажойиб марказлари сифатида эътироф этилган.

Проф.Т.Мирзаев бахшилар ва достончилик мактаблари ҳақида «Халқ бахшиларининг эпик репертуари» номли китобида бу ҳақда кенг ва батафсил маълумот берган.¹

Булунғур достончилик мактаби

Булунғур достончилик мактабининг талантли намояндаларидан бири Фозил Йълдош ығлидир. Фозил Йълдош 1872 йилда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Лойқа қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ёшлигида отадан етим қолиб ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кърган шоир оғир синовларни бошидан кечирган. Ҳаётидаги яхши ва ёмон кунлар Фозил шоирни болалигидан бошлаб – дунёга теран назар ташлашга, ҳар бир ҳодисадан фалсафий хулосалар чиқаришга ызгатди. Мусаффо табиат

¹ Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров Р. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Ўқитувчи», 1990, 236-бет.

¹ Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. Т.: «Фан», 1979.

бағрида подачилик қилиб юрган ёш Һспиринлик пайтидаёқ Фозил Йўлдошнинг қалбида халқ ижодига бўлган иштиёқ кучли эди. Кейинчалик Фозил шоир замонсининг машҳур бахшиларидан бири Йўлдошбулбулга шогирд бўлиб, халқ санъатининг сир-асрорларини Һрганади ва Һзи ҳам машҳур бахши сифатида шуҳрат топади. Фольклоршуносликдаги маълумотларга қараганда, у қирқдан ортиқ халқ достонларини ёддан билган ва жўшиб куйлаган. Лекин шу достонлар орасида «Алпомиш» достонини куйлашда ҳеч бир бахши Фозил шоирга тенглаша олмаган.

«Фозил шоир Йўлдош Һғли «Алпомиш»ни умр бўйи айтиб келган. «Алпомиш» унинг шоирлик бешиги бўлган. У бу достонда Һзида бўлган бутун талантни жуда эркинлик билан ишга сола олган», - дея ҳаққоний таъриф берган эди Ҳамид Олимжон.

Фозил Йўлдош Һғли ижод этган Булунғур достончилик мактабида XVIII-XIX асрларда Муҳаммад шоир, Йўлдошбулбул, Амин бахши, Чини шоир, Қурбонбек шоир, Султонмурод, Йўлдош, Қўлдош, Суяр, Раҳимбулбул, Ёрлақаб бахши каби Һнлаб истеъдод эгалари фаолият кўрсатганлар. Фозил Йўлдош Һғли мана шу бахшиларнинг анъаналарини давом эттирган ушбу мактабнинг энг сўнгги талантли вакилларида биридир.

Булунғурлик достончиларга хос асосий хусусият шундаки, улар кўпроқ қаҳрамонлик типидagi достонларни куйлаганлар. Фозил Йўлдош Һғлидан «Алпомиш» достонининг энг мукаммал варианты, «Ёдгор», «Юсуф билан Аҳмад», «Маликаи айёр», «Машриқо», «Зулфизар», «Балогардон», «Нурали», «Жаҳонгир», «Муродхон», «Рустам», «Зевархон» сингари Һнлаб халқ достонлари ёзиб олинган.

Қўрғон достончилик мактаби

Халқ орасида маълум ва машҳур бўлган бахшилардан бири Эргаш Жуманбулбул Һғлидир. Унинг етти аждоди – ота-боболари ҳам шоир Һтганлар. Отаси Жуманбулбул Һз даврининг таниқли бахшиси бўлиб халқ достонларини булбулдай хониш қилгани учун ҳам «булбул» лақабини олган.

Эргаш шоир 1868 йилда Нурота туманидаги Қўрғон қишлоғида туғилган. Эргаш Жуманбулбул бошқа бахшилардан фарқли Һлароқ мактаб ва мадрасада таҳсил кўрган, Һзбек мумтоз адабиётини чуқур эгаллаган, форс, араб тилларидан хабардор бўлган бахшидир. Баъзан инсон бошига ёғиладиган ҳаётнинг шавқатсиз ситамлари Эргаш шоирни ҳам четлаб Һтмаган. Вабо касали туфайли деярли барча оила аъзолари – жигарбандаларидан айрилиб ғам-алам гирдобида қолган бахши элма-эл кезиб ҳасратларини Һзи яратган термаларга, анъанавий достонларга кўшиб куйлади. Мана шундай эл кезиб, достонларни юрак-юракдан қайнаб-тошиб куйлашлар уни юртга танитди, бахшилик санъатининг мукаммал эгаси, устоз шоир бўлиб етишишига ҳам сабаб бўлди.

Эргаш Жуманбулбул Һғли «Кунтуғмиш», «Равшан», «Кундуз билан Юлдуз», «Далли», «Авазхон», «Ҳасанхон» каби Һнлаб халқ достонларини зўр маҳорат билан ижро этган. Шоирдан кўплаб халқ достонлари ёзиб

олинган. Эргаш шоир ижоди юзасидан чукур кузатишлар олиб борган проф.Т.Мирзаев ва бошқа фольклоршунос олимларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, бахши куйлаган дostonларга ёзма адабиёт таъсири кучли бўлган. Дарҳақиқат, бу хусусият айниқса, шоирнинг севиб куйлаган «Равшан», «Кунтуғмиш» каби дostonларида кўпроқ намоён бўлган. Эргаш Жуманбулбул ижодкор бахши сифатида нзигача етиб келган анъанавий халқ дostonларини янада мукаммаллаштиришга, сайқал беришга муваффақ бўлган. Шоир куйлаган дostonлар таркибида баъзан мумтоз адабиётдаги туюқ жанрига хос бўлган тажниси тўртликлар ҳам учрайди:

Тоғнинг адири ёради, (баландлик)

Ёрага қўйлар ёради. (оралаб юриш)

Уч тол қилиб санамлар,

Чочини майда ёради. (соч ёриш)

ёки

Қўлингдан келганча чиқар яхши от, (яхши ном қолдириш)

Яхшилик қил болам, ёмонликни от. (ҳаракат отиб юбориш)

Насихатим ёдингда тут, ёлғизим,

Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от (хайвон номи).

Қўрғон дostonчилик мактабининг атоқли намоёндаларидан яна бири Муҳаммадқул Жонмурод ёғли Пўлқандир. Пўлкан 1874 йилда Самарқанд вилоятининг Хатирчи туманидаги Қатағон қишлоғида туғилган.

Ота-онадан эрта етим қолган Муҳаммадқул ёшлигидан бошлаб ҳаёт машаққатларини ёлғиз ўзи енгишга ўрганади, деҳқончилик билан шуғулланади, подачилик қилади. Айниқса, поёнсиз қир-адирларда пода боқиб юрган кезларида дўмбира чалиб, дostonлар куйлашни машқ қилиш унинг сеvimли машғулоти бўлган. Кейинчалик Қўрғон дostonчилик мактабининг машҳур намоёндаларидан бири Жассоқ бахшига шогирд тушади, кўплаб халқ дostonларини ўрганади.

Ноёб истеъдод ва мустаҳкам ирода соҳиби бўлган Пўлкан шоир ҳаёти давомида жуда кўп машаққат ва оғир синовларни бошидан ўтказган.

Маълумки, XX аср бошларида ўлкамизда ҳукмронлик қилган Чор Русиясининг мардикорлик ҳақидаги сиёсати халқимиз тарихида ўзининг машъум изини қолдирган. Маҳаллий халқнинг энг навқирон йигитлари Сибир ва бошқа жойларга энг оғир ишларни бажариш учун сафарбар этилган. Мана шулар орасида Пўлкан шоир ҳам бўлиб, у бир неча йил умрини мардикорликда, ватанидан жудоликда ўтказган. Кейинчалик у ўша пайтдаги машаққатли ҳаёт ва оқ подшонинг зулмкор сиёсати ҳақида «Мардикор» дostonини яратди.

Фольклоршуносликда қайд этилган маълумотларга қараганда, Пўлкан шоир ниҳоятда хотираси кучли бўлиб, етмишга яқин дostonни ёд билган экан. Айниқса, Қўрғон дostonчилик мактабида муҳим ўрин тутган «Гўрўғли» туркумидаги дostonларни пухта ўзлаштирган ва маромига етказиб куйлаган.

Шунинг учун ҳам «Гўрўғлининг туғилиши» достонининг энг мукамал варианти Пўлкан шоирдан ёзиб олинган.¹

Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан куйлаган достонлар ғоявий-бадий жихатдан пухта ишланганлиги, хайратомуз муболағалар, бекиёс истиоралар, халқ мақолларига монанд афористик мисралар қўлланганлиги билан ҳам ўқувчида ёрқин таассурот қолдиради.

Қўрғон достончилиқ марказида Пўлкан шоирнинг устози Жассок бахшидан ташқари ўтмишда Ёдгор, Лафас, Мулла Тош, Мулла Холмурод, Султон кампир, Тилла кампир, Бўрон бахши, Жуманбулбул, Ёрлақаб каби катор истеъдодли бахшилар ижод қилганлар. Қўрғон достончилари ижодига хос асосий хусусиятлар шундаки, бу ерда ишқий-романик достонлар кўпроқ куйланган ва чуқур лиризм, чиройли тасвирлар, тафсилотларни атрофлича ишлашга алоҳида эътибор берилганки, бу ҳол бахшилар ижодининг ёзма адабиёт таъсирига учраганлигидан далолат беради.

Шаҳрисабз достончилиқ марказининг таниқли намояндаларидан бири Абдулла Нурали ўғли 1874 йилда Қайнарбулоқ қишлоғида туғилган. Дўмбира чертиш, термалар айтишни чўпонлик қилиб юрган болалик даврларидан бошлаган Абдулла Нурали ўғли чироқчилиқ машҳур Ражаб бахшига шогирд тушади.

Кейинчалиқ достончилиқнинг ҳадисини олган ижодкор «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Маликаи айёр», «Авазхон», «Қиронхон» каби достонлари билан эл орасида шуҳрат топган. Абдулла шоир бетакрор истеъдод соҳиби сифатида ўзи куйлаган достонларида сўз кудратини чуқур ҳис этиб, ундан самарали фойдаланган. Бахши томошабинлар дилидаги топиб айтишга уста бўлгани учун ҳам у қатнашган достончилиқ давралари завқ-шавқ ва ҳаяжонга тўлган.

Абдулла Нурали ўғлининг достон куйлаш жараёнини кузатган фольклоршунос Ҳоди Зарифов у ҳақида шундай деган экан: «Қаҳрамонлик достонларини шўх айтиши, куйларини ёқимлилиги билан у ўзбек достонлари ғртасида биринчи ғринда турар эди».

Нарпай достончилиқ мактаби

Таниқли халқ шоири Ислон Назар ўғли Нарпай достончилиқ мактабининг вакилидир. У XIX асрнинг машҳур достончиси Ражаб шоирнинг шогирди бўлиб, ундан бахшилиқ санъатининг қоидаларини ўрганган. Мазкур достончилиқ мактабидан Нурмон Абдувой ўғли каби талантли халқ бахшилари ҳам етишиб чиққан.

Ислон шоир Назар ўғли Самарқанд вилояти Нарпай туманининг Галақассоб қишлоғида туғилган. Ислон шоирнинг халқ достонларига қизиқиши қўй-қўзилар боқиб подачилиқ қилиб юрган болалик даврларида бошланган. Кейинчалиқ Ислон шоир Шаҳрисабз ва Қўрғон мактаби бахшиларидан достон айтиш усулларини ўрганиб йигирма олти ёшида ўзи ҳам истеъдодли бахши сифатида танилган. У кўплаб халқ бахшилари билан

¹ Гўрўғлининг туғилиши. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967.

хамкорлик қилиб, элма-эл кезиб достонлар айтади. Шоир сафарларидан бирида Қорақўлда туркман халқ шоири Отаниёз билан танишиб, бир умрлик дўст тутинади. У билан биргаликда тўйларда достон ва термалар айтишади. Ислом шоирнинг достон куйлаш маҳоратига қойил қолган Отаниёз даврада ўтирганларга қарата шундай деган экан: «Агар шу ҳовузнинг суви сиёҳ бўлса, ботмон қоғоз бўлса, неча одам ёза берса, ҳовузнинг сиёҳи тамом бўлса бўладики, лекин Ислом шоирнинг кўнглидан чиққан кўшиғи тугамайди. Чунки Ислом шоир қайнаб турган булоқдай қайнаб тошади».

Дарҳақиқат, шоир «Дўмбирам» термасида куйлаганидек, эл кезиб улфатлар орттирди, достонлар куйлаб одамлар орасига эзгулик уруғларини сочи. Бир умрлик садоқатли дўсти бўлган дўмбираси бир ҳасратларини ҳам, шодликларини ҳам кўшиқ қилиб куйлади:

Сени маст бўп олганимда кўлимга,
Ҳасратларим тошар эди дилимда,
Икковлашиб кўшиқ айтдик элимга,
Юрагимга сирдош бўлган дўмбирам.

Ислом шоир Назар ўғли куйлаган баъзи достонларда машҳур туркман шоири Махтумқули шеърларининг таъсири борлиги ҳам сезилади. Бу хусусият бахши достонларининг демократик йўналишида, рамзий-тимсолий образларнинг ҳамоҳанглигида ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини ҳис қилишда кўпроқ намоён бўлади. Ислом шоир «Зулфизар билан Авазхон», «Гулхиромон», «Орзигул», «Кунтуғмиш», «Хиромондалли», «Соҳибқирон», «Эрали ва Шерали», «Тоҳир ва Зухра», «Нигор ва Замон» каби ўнлаб достонларни ижро этган. Айниқса, «Орзигул» достонини куйлашда ҳеч бир бахши Ислом шоир билан беллаша олмаган. Шу боисдан ҳам кескин драматик воқеалар, мураккаб руҳий кечинмалар асосига қурилган «Орзигул» достони Ислом шоир номи билан боғланиб қолган.

Шеробод достончилиқ мактаби вакилларида XIX асрнинг бошларида яшаган Бобо шоир ундан кейин келган Қосимқўр ҳамда Шерна юз боши Бекназар ўғли ҳақида айрим маълумотлар мавжуд. Шерна мактаби: Мардонакул Авлиёкул ўғли, Умир Сафар ўғли, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Жўра Эшмирза ўғли, Юсуф Ўтаган ўғли каби 20 га яқин достончиларни етиштирган.

Шерна мактабининг талантли вакилларида бири бўлган Мардонкул Авлиёкул ўғли 1889 йилда Шеробод туманидаги Азон қишлоғида таваллуд топган. 16 ёшларида машҳур Шерна бахшига шогирд туриб «Олтин қовоқ», «Малла савдогар», «Санам гавҳар», «Нурали», «Олчинбек», «Алпомиш» каби ўнлаб достонларни ўрганган.

Шеробод мактабининг етук достончиси Мардонкул бахши ижодининг ўзига хослиги шундаки, ундан ёзиб олинган достонларнинг кўпчилиги республикаимизнинг бошқа бахшилари репертуарида учрамайди. Унинг достон ва термаларида оҳангларнинг товланиб туриши, қофияларнинг тўлиқлиги, вазнларнинг бир зумда алмашилиб туриши кўзга ташланади. Масалан, «Олтин қовоқ» достони Чамбил қаҳрамонларининг нишонга қўйилган олтин қовоққа отда елиб келиб, отиш шарти билан бошланади.

Бунда ҳар бир қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати ҳзгача бўлганидек, шунга мос шеърӣ вазн ҳамда туроқлар ҳам ҳзгариб туради:

Қора кнзда қирмиз ёшим тизганим,
Душманларнинг бориб жонин узганим.
Отланинлар оғир сафни бузгани.

Ёки:

Минган оти Темиркнъ,
Ғайрат билан кннгли тнъ.
Киссасида беш юз нъ,
Нн икки минг эл билан
Жннаётир Шодмонбек.

Мардонкул бахши Авлиёкул нғли 20 дан ортиқ анъанавий достонларни куйлаш билан бирга, бадиҳагнй шоир сифатида кнплаб термалар ҳам яратган.

Хоразм достончилигининг асосий хусусияти энг аввало бахшилар ички овозда эмас, балки ташки овозда куйлайдилар. Достонларнинг кўпчилиги айрим томонлари билан ёзма адабиётга яқин бўлиб, ҳажм жиҳатидан кичик ва уларнинг мазмуни муайян мунтазамликка эга. Бахшилар кўпинча достонларни ансамблли бўлиб, бўламончи, ғижжакчи ёрдамида ижро этади. Бахшиларнинг чолғу асбоби дутор ёки гармондир.

Хоразм достончилиги Жанубий Хоразм ва Шимолий Хоразм каби икки гуруҳга бўлинади:

Жанубий Хоразм (маркази Хива) бахшилари репертуарида «Гўрўғли» ва «Ошиқ» туркумидаги достонлар кўпроқ тарқалган. Бу ерда Бола бахши (Қурбонназар Абдуллаев), Қодир созчи Каримов, Маҳмуд Юсупов каби бахшилар ижод этганлар. Бола бахши 1899 йили Хивага яқин жойдаги Гулланбоғ қишлоғида туғилган. У ёшлигидан бошлаб Ёдгор бўломончи ва Жуманазар бахшиларга шогирд бўлиб достон куйлаш йнъларини нрганади. Ўн бир ёшларида болалигидан бошлаб халқ олдига чиқиб достонлар куйлай бошлаган Қурбонназар Абдуллаев Бола бахши номи билан машҳур бўлди. Кейинчалик унинг Норбек, Матёқуб, Етмишбой номли ўғиллари ота изидан бориб достончилик анъаналарини давом эттирдилар.

Шимолий Хоразм достончилигининг маркази Манғит шаҳридир. Манғит достончилигига мансуб сакрак бахши Жумабой Худойберганов репертуарида «Гнрўғли» эпосининг энг қадимги «Хандон ботир» «Гнрўғлининг Дарбандга кетиши», «Паризоднинг арази» каби нусхалари сақланиб қолган. Жанубий Хоразмда тарқалган достонлар бахшилар репертуарига аксарият ёзма нусхалар асосида кириб келган бўлса, Шимолий Хоразмда кўпгина достонларнинг қадимдан бери оғзаки равишда устоздан шогирдга ўтиб келганлиги сезилади. Ҳар иккала достончилик гуруҳларидаги куйларнинг муштарак томонларидан ташқари, алоҳидаликлар ҳам мавжуд. Хива бахшилари ўз куйларини ширвоний, Манғит бахшилари эса эроний деб юритишади. Умуман айтганда, Хоразм бахшиларининг куйлари кўп ва хилма-хилдир. Достоннинг ҳар бир кўшиғи муайян бир куйда ижро этилади.

Бахшилар куйларнинг ранг-баранг бўлиб ўзгариб туришини бахши йўллари ёки бахши наъмалари деб аташади.

Ўзбек халқ дostonларининг турлари

Ўзбек халқ дostonлари ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, бу ҳол уларни бир неча типларга бўлиб ўрганишни тақозо этади. Ўзбек эпосшунослигида халқ дostonлари академик В.М.Жирмунский ва проф.Х.Т.Зарифовлар томонидан илк бор тасниф этилган бўлиб, улар дostonларни қаҳрамонлик, жангнома, тарихий, романик ва китобий каби турларга ажратганлар.¹

60 йилларда ўзбек халқ дostonлари проф.М.Саидов томонидан тасниф этилди. У халқ дostonларини қаҳрамонлик, муҳаббатни куйловчи, романик, жангнома, тарихий ва янги дostonлар каби типларга ажратди.

80 йилларда проф.Б.Саримсоқов халқ дostonларини тарихийлик принциплари жиҳатидан тасниф этиш лозимлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди ва халқ эпосининг уч тарихий-структурал типдан иборатлигини айтди. Булар: қаҳрамонлик, романик ҳамда тарихий дostonлардир.²

Қаҳрамонлик дostonлари патриархал-уруғчилик жамиятининг сўнги босқичларида ёки илк феодализм даврида турли уруғлар ўртасида ўзаро низолар бўлиб турган ва улар муайян ҳудудларга жойлашаётган ҳамда ягона халқ сифатида бирлашишга интилаётган даврларда яратилган. Бир қатор уруғ ва қабилаларнинг муайян халқ сифатида ташкил топа бориши, илк давлатчилик куртакларининг пайдо бўлиши ва шу муносабат билан халқлар ҳамда элатларнинг ўз мустақилликлари учун чет эл босқинчиларига қарши олиб борган мардонавор курашлари қаҳрамонлик дostonларида ўз ифодасини топган. Бундай дostonларда «... қаҳрамонлар образи ва улар амалга оширган жасоратлар табиийлик чегарасидан бирмунча юқори бўлади».¹ Қаҳрамонлик дostonларининг ёрқин намунаси сифатида бизгача «Алпомиш» эпоси етиб келган.

Романик дostonлар

Фольклоршуносликдаги маълумотларга қараганда, романик дostonлар асосан, XVI асрларда юзага келган, XVII-XIX асрлар эса халқ эпосининг интенсив ривожланиш босқичини ташкил этади.² Бу даврда халқ эпоси реал воқеликдан кўра кўпроқ халқ идеалини ўзига хос бадиий шартлилик асосида, фантастик услубда акс эттирувчи халқ эртаклари, афсона ва ривоятлари сюжети ҳисобига бойиб борди.

Ўзбек халқ романик дostonлари ўрта асрлар феодали жамияти шароитида яшаган аждодларимизнинг озод ва обод мамлакат, тинч фаровон ҳаёт, садоқатли севги ва барқарор дўстлик ҳақидаги юксак орзу-умидларини акс эттирувчи йирик эпик асарлар сифатида юзага келди.

¹ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекской народный героический эпос. М.: ГИХЛ. 1947, стр. 58-293.

² Саримсоқов Б. Халқ дostonлари таснифи ва орили шакллар. //Ўзбек тили ва адабиёти. 1981, №3, 37-47-бетлар.

¹ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекской народный героический эпос. М.: ГИХЛ. 1947, стр. 378.

² Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Дoston, унинг турлари ва тарихий тарағлиёти. //Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. Т.: 1981, 51-55-бетлар.

Романик достонларнинг сюжет схемалари бир-бирига ўхшаш бўлиб, одатда қаҳрамонлик ғойибона ошиқ бўлган гўзални излаб сафарга отланади, ажойиб-ғаройиб воқеаларни, машаққатли саргузаштларни бошидан кечиради, ғайритабиий кучлар билан тўқнашади, охир оқибат барча қийинчиликларни енгиб мақсадига эришади. Бу турдаги достонларда улуғвор севги романтикаси билан унга эришиш йўлидаги фантастик саргузаштлар қаҳрамонлиги бирлашиб, чатишиб кетган.

Романик достонларнинг таркиби анча мураккаб бўлиб қаҳрамонлик достонларида романик унсурлар бўлганидек, романик достонларда қаҳрамонлик йўналишлари, жангномаларга хос хусусиятлар ҳам мавжуд. Шу боисдан ҳам бу типдаги достонларни беш хил ички турга ажратиш мумкин:

1. Жангнома достонлар («Юсуф билан Аҳмад», «Алибек билан Болибек»);

2. Қаҳрамонлик–романик достонлар («Якка Аҳмад», «Эрназар», «Рустам» туркуми, «Гўрўғли» туркуми);

3. Ишқий-романик достонлар («Кунтуғмиш», «Равшан», Хоразм достонлари);

4. Маиший-романик достонлар («Соҳибқирон», «Орзигул», «Эрали билан Шерали», «Ширин билан Шакар», «Хуршидой»);

5. Китобий достонлар («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Гуландом», «Варқа билан Гулшоҳ», «Вомик ва Узро», «Зевархон»).

Жангнома достонларнинг қадимий намуналари сақланиб қолмаган. Бизгача етиб келган жангнома характеридаги достонларда эса романик достонларнинг жанр хусусиятлари етакчилик қилади. Демак, улар ўзининг кейинги тараққиёти давомида романик эпосга яқинлашиб унинг таркибий қисмига айланган.

Жангу-жадаллар, тарихий ёки афсонавий урушлар ва бундай жангларда кўшин ёки якка шахсларнинг жасоратларини тасвирловчи достонлар жангнома достонлар деб юритилади. Жангномалар қаҳрамонлик достонлари таъсирида феодализм даврида шаклланган. Агар бош қаҳрамон фаолияти қаҳрамонлик достонларида яккама-якка олишувларда, баҳодирлик шартларини бажаришда намоён бўлса, жангномаларда турли туман характердаги уруш эпизодларида кўрсатилади.

«Жангномаи Або Муслим», «Жангномаи Амир Ҳамза» каби достонларда дин ва эътиқод йўлида курашган шахсларнинг қаҳрамонлиги улуғланган.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган жангномаларнинг қадимги намуналарига «Рустами Достон», «Жангномаи Жамшид», «Ҳўшанг», «Тўмарис» каби достонлар киради. Бироқ, булар тўлиқ бизгача етиб келмаган.

Кейинги даврда яратилган жангнома характеридаги достонларда душманларга қарши курашларда мардлик ва жасорат кўрсатиш, она – ер даҳлсизлиги йўлидаги фидоийлик, бирдамлик, ватанпарварлик ва дўстлик каби олийжаноб ғоялар куйланган. «Юсуф билан Аҳмад», «Алибек билан Болибек» достонлари бунинг ёрқин намунасидир.

Китобий дostonлар ҳам аслида оғзаки куйланган ва бизгача оғзаки ҳолда етиб келган дostonлардир. Асосларигина ёзма адабий манбага бориб тақаладиган бундай дostonларни халқ бахшилари қайта ишлаб, жонли оғзаки эпик анъаналарга тўла бўйсундирганлар. Бу турдаги дostonларда соф фольклор дostonлари учун характерли бўлган қаҳрамонона жасорат, жанг-жадаллардаги жанговарлик анча суст берилган бўлиб, асосий ўринни ижтимоий ва оилавий ҳаётнинг шарт-шароитлари билан келиша олмаган завқли, кўтаринки муҳаббат мавзуси эгаллайди.

Китобий дostonларнинг бир гуруҳи классик адабиёт намуналари асосида юзага келган. Масалан, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Гуландом» Алишер Навоий дostonлари таъсирида; «Юсуф ва Зулайҳо» шу сюжетдаги форсий ва туркий асарлар таъсирида; «Рустами Дoston», «Варқа билан Гулшоҳ», «Вомиқ ва Узро» форсийдан озарбайжончага қилинган таржималар асосида яратилган.

Китобий дostonлар сирасида шундай намуналар ҳам борки, уларнинг яратилишига асос бўлган манбани топиш қийин, аммо уларнинг услуби ёзма адабиётга анча яқин. «Санобар», «Зевархон» каби дostonлар шулар жумласидандир.

Хоразм дostonчилигида, шунингдек, «Маликаи Дилором», «Тоҳир ва Зухра» каби бир қанча дostonларда эса ҳам оғзаки, ҳам ёзма адабиёт анъаналарининг чатишиб кетганлигини кўрамиз.

Тарихий дostonлар

Тарихий ўтмишда содир бўлган воқеалар, айрим тарихий шахслар фаолияти асосида яратилган дostonлар бўлиб, фольклоршунос олимларнинг қайд этишларига, бундай дostonлар бахшилар репертуарида унчалик кўп эмас. Ушбу турдаги дostonларда тарихий ҳақиқат билан афсона, факт билан бадиий тўқима чатишиб кетади ва уларнинг мавзуси, образлари, талқин қилинган ғоялари конкрет тарихий шароитдаги курашлар билан боғланади.

Тарихий дostonлар баъзи хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланади ва шунга кўра улар бир неча ички турларга ажратилган.

- а) тарихий-қаҳрамонлик («Ойсулув» дostonи);
- б) тарихий-фантастик («Тулумбий», «Шайбонийхон»;
- в) тарихий-конкрет ёки янги дostonлар («Тўлғоной», «Маматкарим полвон», «Жиззах қўзғолони», «Мардикор» ва бошқалар);
- г) автобиографик дostonлар. Бундай дostonлар лиро-эпик характерда бўлиб, бахшиларнинг ўз ҳаёт йўли тасвирланади. Эргаш Жуманбулбулнинг «Таржимаи ҳол», Фозил Йўлдошнинг «Кунларим» каби дostonлари шулар жумласидандир.

«Алпомиш» дostonи

«Алпомиш» эпоси ўзбек халқи ўтмишининг бадиий қомусидир. Ушбу дoston оғзаки адабиётнинг туб маъносини, образли тафаккурнинг буюк

вазифасини, бадий сўзнинг қудрати ва ўлмаслигини минг йиллардан бери исботлаб келмоқда.

«Алпомиш» достонидаги тинчлик ва бирликка, адолат ва ҳақиқатга интилиш каби азалий ва абадий муаммолар, улуғвор поэтик умумлашмалар уни дунё фольклорининг тенгсиз намуналари – ҳинд «Маҳабхарата»си, қирғиз «Манас»и, юнон «Илиада»си, хуллас, Ғарб ва Шарқнинг улкан эпослари қаторига қўйди.

«Алпомиш» достони қаҳрамонлик, мардлик, ватанпарварлик, турли элатлар ва халқларнинг биродарлиги, севги ва садоқат, оила мустаҳкамлиги ва уруғ бирлигини куйловчи улкан сўз обидасидир. Достонда умумбашарий муаммолар талқини билан бирга кейинги барча замонларга тегишли бўлган, ибрат олишга арзигулик даъватлар, огоҳлантиришлар ҳам сезилиб туради. Шунинг учун ҳам достоннинг минг йиллик тантаналарида республикамиз президенти И.А.Каримов: «Алпомиш» достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўрғонини кўриклашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади» деган эди.¹

Профессор Ҳ.Т.Зарифов ва бошқа фольклоршунос олимларнинг маълумотларига қараганда «Алпомиш» достони кўчманчи – чорвадор қўнғирот уруғи орасида патриархал-уруғчилик муносабатлари емирила бошлаган даврда, Сирдарёнинг қуйи оқимлари ва Орол денгизи атрофларида X-XI асрларда юзага келган. Қўнғирот қабиласи турли ҳудудларга силжиши натижасида достон бошқа уруғ ва элатларга ҳам тарқалган.

Достон қўнғирот уруғи бошлиқлари – ака-ука Бойсари ва Бойбўриларнинг фарзандсизлигини ҳикоя қилиш билан бошланади. Кейинчалик яратганга илтижолар қилиб тилаб-тилаб олинган фарзандлар Алпомиш ва Барчинларнинг туғилиши, Алпомишнинг етти ёшида паҳлавонлик кўрсатиб, алпларга қаторига қўшилиши, Бойсарининг Бойбўридан аразлаб Қалмоқ юртига кўчиб кетиши, Алпомишнинг Барчинни, иккинчи марта Бойсарини қутқариш учун бўлган сафари машаққатлари, етти йиллик тутқунлик, ва ниҳоят оти Бойчибор ва ўзининг ғайрат-шижоати билан асирликдан қутилиб, ҳар иккала юртда зулм-зўравонликка барҳам бериб, ўз ҳокимиятини ўрнатиши воқеалари тасвирланади.

Достонда ака-ука Бойбўри ва Бойсариларнинг закот масаласида бир-бирини яхши тушуна олмай гина ва адоватларга берилиши, бунинг оқибатида битта уруғнинг иккига бўлиниб кетиши, Қўнғирот уруғи ўртасидаги бўлиниш эса хунук оқибатларга, беҳисоб кулфатларга сабаб бўлганлиги ниҳоятда таъсирчан ва ҳаётий акс эттирилган.

Достон воқеаларидан маълумки, закот ҳақидаги хабар Бойсари руҳиятида кескин туғён уйғотади. У ўзини таҳқирланган ва камситилган киши ҳисоблаб «ўз акамга ўзим закот бергунча Қалмоқ бориб жузья бериб

¹ Президент Ислам Каримовнинг «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. «Халъ сўзи» газетаси, 1999 йил, 9 ноябр.

юраман» деб Ёртибой оксоқолнинг маслаҳати билан Қалмоқ юртига кўчиб кетади. Лекин барча кўргуликлар бегона юртга боргандан кейин бошланади.

Бойсари мусофирликнинг аччиқ аламларини бошидан кечиради. Ўз юртини ташлаб кетиб катта хато қилганини тушунади.

Достон бош қаҳрамони Қўнғирот уруғининг умиди ва ишончи Ҳакимбек – Алпомишдир. У ўз қариндошларининг, ўз уруғининг тарикдек ҳар томонга сочилиб кетишига, бегона юртларда хор-зор бўлиб юришларига бефарқ қараб туролмайди. Фавқулодда куч-қудратга эга бўлган Алпомишда бутун бир халқнинг орзу-умидлари, келажакка бўлган ишонч ва интилишлари мужассамлашган. Алпомиш севимли ёри Барчин учун, бўлиниб кетган Қўнғирот уруғининг бошини бириктириш учун ор-номус курашини олиб боради. Кашалда Тойчихон, Бойсун – Қўнғиротда Ултонтоз зулми авж олиб турган бир даврда ҳар иккала элда ҳам адолат ва ҳақиқат тантана қилишига камарбаста бўлади. Мана шу сифатлари билан Алпомиш достонда фақат миллий қобикда ҳаракат қилувчи шахс эмас, балки оламшумул аҳамиятга молик сиймо сифатида талқин қилинади.

Достонда Барчин билан боғлиқ воқеалар алоҳида меҳр билан тасвирланган. У ақл-заковат ва жасоратда Алпомишга муносиб ёр эканлиги қалмоқ элига кўчиб кетаётганда норози бўлиб онасига айтган гапларида, Сурхайлнинг ўғиллари қизингни ё биримизга, ё баримизга берасан, деб Бойсарини ҳақоратлаб турганларида қалмоқ баҳодирларининг ҳолини танг қилиб муносиб жавоб қайтарганида яққол намоён бўлади. Сурхайлнинг ўғиллари Барчинга олти ой муҳлат беришга мажбур бўладилар. Барчин Алпомишнинг келишини интизорлик билан кутади, барча мушкулотлар тугуни фақат унинг жасорати билан ечилишини сезади. Аммо Алпомиш Қалмоқ юртига келганида турмушга чиқиш учун қўйган шартларини унга ҳам қўллайди. Барчин ўз шартларини айтар экан, бу бир-биридан қийин шартларни фақат Алпомишгина бажара олишини билади. Шартларни бажариш билан боғлиқ мусобақаларда Алпомишни ғалаба сари ундайди. Алпомиш билан Кўкалдошнинг кураши чўзилиб кетганида ҳатто йигитнинг нафсониятига тегадиган гаплар айтиб баҳодирнинг кучига куч қўшади:

Бу душманни кўкка отсанг, не бўлар?

Иш кўрсатсанг, менинг кўнглим топилар.

Қизлар сизни нар-мода деб атайди,

Қизларнинг айтгани менга ботади,

Мардлар олишмайди, силтаб отади,

Майдон бўлса, иш кўрсатиб кетади,

Бўш одамнинг иши кейин кетади.

Бинобарин, пойга тасвирида, кураш эпизодида Алпомишнинг ғолиб чиқишида Барчиннинг ҳиссаси катта. Зеро, Барчин достоннинг марказий қаҳрамони Алпомиш образининг мукамал ва таъсирчан чиқишини ҳам таъминлаган.

Достонда дўстлик, биродарлик, эзгулик ва ҳақиқат йўлидаги ҳамкорлик ғоялари кўпроқ Қоражон образи орқали мужассамлаштирилган. Қоражон маккор Сурхайлнинг ўғли бўлишига қарамасдан, достон воқеалари

давомида фақат ҳақиқат томонидан туриб ҳаракат қилади. Кароматли туш кўриб, тушида Алпомиш билан дўст тутиниши лозимлигига ишора бўлганидан кейин умрининг охиригача садоқатли дўст бўлиб қолади. У онаси Сурхайл ва оғаларини Қўнғирот элидан келганларнинг тинчини бузмасликка ундайди. «Алпомиш»нинг содда ва оққўнғиллилигини, тенгсиз паҳлавонлигини билган Қоражон у билан оға-ини тутинади, аҳдига содиқ қолиб мушкул дамларда ёрдам беришга интилади. Алпомиш тутқунликда эканида уни кутқариш учун боради. Хуллас, Ўзбек халқ достонларидаги анъанавий дўстлик мотиви Қоражон образи орқали талқин қилинган.

«Алпомиш» достонида Бойбўри, Бойсари, Қалдирғоч, Култой, Қайқубод, Ултонтоз, Тойчихон, Товка ойим каби қатор образлар яратилганки, булар ҳам воқеалар давомида Ўз ёрнида иштирок этиб асар марказида турган ғоявий мақсадни амалга оширишда муҳим роль ўйнайдилар.

Хуллас, «Алпомиш» достони минг йиллар қаъридан бизга қадар етиб келган асрлар нидоси, аجدодларимиз орзу-армонларининг шонли қўшиғидир. Бу қўшиқ шундай ҳаётий ҳақиқат билан йўнғрилганки, у бизни бўлинган элнинг бошига тушажак кулфатлардан огоҳ этади, фақат элга қўшилиб эш топиш саодатини шууримизга сингдиради. Таассубки, Ўтмишда Турон заминнинг асрлар давомида неча марталаб чет эл босқинчилари зулми остида топталишига, туркий қавмлар Ўртасида бирлик ва ҳамжиҳатлик йўқолиб, Ўзаро ички низо ва адоватлар сабаб бўлгани ҳам тарихий ҳақиқатдир.

Она Ватанисининг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қўнғирани қалқон қилиб майдонга тушган, душманларнинг додини бериб, жонларини фидо қилган шерюрак ватан ўғлонлари Муқанна, Темур Малик, Жалолиддин Мангубердилар Ўз замонасининг Алпомишлари эдилар.

Бинобарин, «Алпомиш» эпоси фақат муҳолағали қаҳрамонликлар мадҳ этилган ҳаёлий тўқималар мажмуидан иборат эмас. Балки достоннинг бутун моҳияти ҳаётий ҳақиқат асосига қурилганки, бу ҳаётийлик халқнинг чексиз ҳаёлот олами ва гўзал идеаллари билан қоришиб кетган ҳолда намоён бўлган.

«Алпомиш» эпоси аجدодларимизнинг бизга мерос қилиб қолдирган Ўзига хос панд-ўғити, ибратли насиҳатномасидир. Достоннинг ҳар бир лавҳаси, достон қаҳрамонларининг қисмати ўқувчини ўйлашга, қиссадан ҳисса чиқаришга даъват этади, келажак наслларни элу юртни севишга, Она-Ватанни эъзозлашга ўргатади.

«Гўрўғли» туркуми

«Маънавият тарбиясининг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка

ўргатиш керак бўлади!»¹ - деган эди нутқларидан бирида республикаимиз президенти И.А.Каримов.

Асрлар давомида умумбашарий орзу-умидларни, ватанпарварлик, адолат, ҳақсеварлик ғояларини тараннум этиб келган «Гўрўғли» туркумидаги дostonлар ҳам халқимиз маънавий меросининг ажралмас бир қисмини ташкил этади.

«Гўрўғли» дostonлари кўпгина халқлар орасида жуда кенг тарқалган. Бу дostonлар ўзбек, тожик, туркман, озарбайжон, турк, қозоқ, қорақалпоқ, арман, грузин, қрд халқлари эпик ижодиётида ўзига хос туркумларни ташкил этадилар. Гўрўғли Сибир татарлари, Булғор туркларининг севимли эпик қаҳрамонларидан биридир. Туркумнинг айрим лавҳалари Ўрта Осиё (Бухоро) арабларидан ҳам ёзиб олинган. Бундай кенг ҳудудда, асосан, туркий элатлар ва қисман туркий бўлмаган халқлар орасида кенг тарқалган, туркумлашишнинг барча хилларини ўз ичига олган бунчалик кўп тармоқли бирор бир эпик асарни дунё фольклорчилиги билмайди.²

Дарҳақиқат, Гўрўғли ҳақидаги дostonлар турли миллатлар орасида шу қадар кенг ҳудудда тарқалган. Лекин ҳар бир халқ унга ўз миллий қаҳрамони сифатида қарайди. Ўзбек бахшилари ҳам Гўрўғлининг ўз халқига бўлган чексиз муҳаббати, ватан тинчлиги йўлидаги буюк қаҳрамонликларини самимият ва ифтихор туйғулари билан куйлаб келганлар.

Гўрўғли номи билан боғлиқ бўлган дostonларнинг пайдо бўлиши ва Гўрўғли шахсияти ҳақида фанда баъзи маълумотлар мавжуд бўлиб, бу маълумотларнинг деярли барчасида Кўрўғли Эрон шоҳи Аббос I нинг (1585-1628) замондоши қилиб кўрсатилади. Арман тарихчиси Аракел Тавризийнинг (XVII) аср кўрсатишича, шоҳ Аббос ва ва Туркия султониға қарши қўзғалон кўтарганларнинг бошлиқларидан бири Кўрўғли бўлган. «Бу – ҳозир ошиқлар куйлаётган жуда кўп қўшиқларни тўқиган Кўрўғлининг худди ғзи», - дея аниқлик киритади арман тарихчиси.¹

Ҳн саккизинчи аср турк тарихчиси Авлиё Чалабийнинг «Саёҳатлар китоби» асарида ҳам мазкур қўзғалоннинг асосий ташкилотчиларидан бири сифатида Кўрўғли номи зикр этилади.

Хуллас, Кўрўғли дастлаб маълум бир тарихий воқеа, тарихий жой, тарихий шахс номи билан боғлиқ бўлса ҳам, кейинчалик у тарих саҳифасидан чиқиб, турли туман халқларнинг озодлик, эрк, адолат ҳақидаги орзу-умидларини ифодаловчи ғз идеал қаҳрамониға айланиб кетган.

Озарбайжон ва арман версиясига мансуб дostonларда Кўрўғли қирқ йигитға бош бўлиб, золимларға қарши исёнкорлик ҳаракатларини олиб боради. Кўрўғлининг жасорати ва мардликлари ҳақидаги ҳикоялар ярим тарихий ва ярим афсонавий характерға эға.

¹ Каримов И. Ёзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва илғтисодий истилболининг асосий тамойиллари. Т.: «Ёзбекистон», 1995, 53-бет.

² Мирзаев Т. Дostonлар зубдаси – сўзбоши. //Кўрўғлининг туғилиши. 4 жилдлик, 1-жилд. Т.: «Ёзувчи», 1996, 3-бет.

¹ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекской народный героический эпос. М.: ГИХЛ. 1947, стр. 180.

Ўрта Осиё версиялари, хусусан, Ўзбек «Гўрўғли» достонларида қаҳрамонна ўтмиш конкрет тарихий воқеалар сифатида эмас, балки мислсиз романтик лавҳаларда, халқнинг бекиёс идеаллари кўламида тасвирланади.

Ўзбек халқ достонларида Гўрўғли турман ва Ўзбекларнинг беги, қонуний ҳукмдор, ўз халқи ва юрти учун жонини фидо қилувчи қаҳрамон, доно йўлбошчи, кўплаб халқ ботирларини тарбиялаб етиштирган енгилмас баҳодир сифатида тасвирланади. Чамбил юртининг афсонавий ҳукмдори Гўрўғлининг баҳодир қирқ йигити билан биргаликда она юртининг даҳлсизлиги ва тинчлиги учун олиб борган ватанпарварлик курашлари, ўзи ёки ўғилларининг кўнгил қўйган ёрларини олиб келиш билан боғлиқ бўлган қаҳрамонлик сафарлари «Гўрўғли» туркумидаги силсила достонларнинг асосийини ташкил қилади.

Ўзбек «Гўрўғли» достонлари бир-биридан фарқ қилувчи икки версияда тарқалган. Бу версияларнинг бири Хоразм «Гўрўғли» достонлари бўлиб, улар туркман версиясига ўхшаш, озарбайжон «Кўрўғли»сига анча яқин туради.

Гўрўғли ҳақидаги йигирмадан ортиқ Хоразм достонлари сюжети, ҳажми ва ижро усули жиҳатидан ҳам жиддий тафовутларга эга.

Ўзбекистоннинг Хоразмдан бошқа ерларда тарқалган «Гўрўғли» достонлари алоҳида мустақил версияни ташкил этиб, бу достонлар ҳажмининг катталиги ва ижро усули билан, сюжетнинг ўзгачалиги билан ажралиб туради.

Фольклоршунос олимлар халқ бахшиларида «Гўрўғли» достонларининг юздан ортиқ вариантларини ёзиб олишган. Ушбу туркумга қуйидаги достонлар киради: «Гўрўғлининг туғилиши ва болалиги», «Зайдиной», «Юнус пари», «Мисқол пари», «Гулнор пари», «Райҳон араб», «Бектош араб», «Шоҳдорхон», «Холдорхон», «Замонбек», «Хидирали», «Элбеги», «Бердиёр оталиқ», «Эломон», «Шодмонбек», «Дониёрхўжа», «Ойдиной», «Холдор буви», «Ҳасанхон», «Чамбил қамали», «Далли», «Авазхон», «Балогардон», «Интизор», «Гуликиромон», «Бўтакўз», «Қундуз билан Юлдуз», «Зулфизар билан Аваз», «Аваз билан Ойзайнаб», «Машриқ», «Маликаи айёр», «Сирдоб», «Синсулув пари», «Хонимой», «Олтин қовоқ», «Авазнинг арази», «Хушкелди», «Авазнинг ўлимга ҳукм этилиши», «Балхувон», «Нурали», «Малла савдолар», «Нуралининг ёшлиги», «Равшан», «Жаҳонгир», «Эрўғли» ва бошқалар.

Мустақиллик йилларида проф.Т.Мирзаев ва З.Ҳусаиновалар томонидан Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги «Гўрўғли» туркуми достонларининг йигирма еттитасти тўплаб нашрга тайёрланди ва бу достонлар 1996, 1997, 2006 йилларда тўла Чоп этилди. Шунингдек, проф.С.Рўзимбоев, С.Рўзимбоев, Т.Эшжоннова каби олимлар томонидан нашрга тайёрланган Хоразм «Гўрўғли» туркуми достонлари ҳам 2004 йилда чоп қилиниб халқ оммасига тақдим этилди.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Халқ достонлари фольклорнинг бошқа жанрларидан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?
2. Халқ достонларининг асосий мавзуси нималардан иборат?
3. Бахшичилик санъати ҳақида сўзланг.
4. Бахшиларнинг ҳаммасига ҳам шоир атамасини қўллаш мумкинми?
5. Халфачилик санъатига хос хусусиятлар ҳақида тушунча беринг.
6. Достончилик мактаблари деганда нимани тушунаси?
7. Қўрғон достончилик мактаби ҳақида маълумот беринг.
8. Фозил Йўлдош ўғли ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзланг.
9. Пўлкан шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот беринг.
10. Нарпай достончилик мактабига хос хусусиятлар ҳақида сўзланг.
11. Хоразм достончилик мактабининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
12. Ўзбек халқ достонлари қандай турларга бўлинади?
13. Қаҳрамонлик достонларининг ўзига хос хусусиятлари нималаридан иборат?
14. Романик достонларга қандай достонлар киради?
15. Тарихий достонларнинг ўзига хос жиҳатлари нимада?
16. «Алпомиш» достонининг ғоявий мазмунини тушунтиринг.
17. Достоннинг оламшумул аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?
18. «Гўрўғли» туркуми достонлари қайси халқлар орасида тарқалган?
19. Ўзбек «Гўрўғли»си улардан нимаси билан фарқ қилади?
20. «Гўрўғли» туркуми достонларида қандай ғоялар қўлланган?
21. Достонларнинг маърифий, ахлоқий-эстетик аҳамияти ҳақида гапиринг.
22. Мустақиллик йилларида нима учун маданий меросга бўлган эътибор кучайди?

Адабиётлар

1. К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Ўқитувчи», 1990.
2. Т.Мирзаев, Халқ бахшиларининг эпик репертуари. Т.: «Фан», 1979.
3. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекской народной героический эпос. М.: ГИХЛ. 1947.
4. Т.Мирзаев, «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари. Т.: «Фан», 1968.
5. С.Рўзимбоев, Хоразм достонлари. Т.: 1985.
6. Б.Саримсоқов, Ўзбек адабиётида сажъ. Т.: 1978.
7. О.Мадаев, Т.Собитова, Халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Шарқ», 2001.
8. С.Мирзаева, Ўзбек халқ романик достонлари поэтикасит. Т.: «Фан», 2004.
9. «Алпомиш». Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. Т.: «Шарқ», 1998.
10. «Гўрўғлининг туғилиши». 4 жилдлик, 1-жилд. Т.: «Ёзувчи», 1996.

ЛАТИФА ВА ЛОФЛАР

Латифа арабча сўз бўлиб, латиф, гўзал, ёқимли маъносини билдиради. Латифа – халқнинг нозикфаҳмлиқ билан айтган кулгили кичик ҳикояси маъносида қўлланилади.

Латифа жанр ива унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда Р.Муқимов, Ҳ.Раззоқов, Ф.Йўлдошева, О.Собиров, Б.Саримсоқов, К.Имомов каби фольклоршунос олимларнинг тадқиқотларида диққатга сазовар фикр-мулоҳазалар мавжуд. Фольклоршуносларнинг аниқлашича, латифаларнинг жанр хусусиятларини бешта бандга келтириш мумкин:

- 1) эпик;
- 2) қисқа;
- 3) ҳазил ва ҳажвга асосланган жанр;
- 4) тугалланган сюжет;
- 5) кутилмаган якундан иборат.

Латифанинг жанр сифатида шаклланишида эртак, ривоят, лоф, аския ва мақолларнинг таъсири кучли бўлган. Уларнинг баъзи бир белгилари ва тасвирий воситалари латифанинг ўзига хос хусусиятларининг ташкил топишида етакчи роль ўйнаган.

Латифани бошқа жанрларга қийёслаганда унинг реалистик характери, ихчамлиги ва кўзланган нишонга тез тегувчи хушчақчақ руҳи билан тубдан фарқ қилишини кўриш мумкин. Ҳажвий эртак ва ҳикоятлардан ҳажми, мавзу, сюжет ва композициясининг қисқа ва сиқиклигида фарқланади. Унда учрайдиган метонимия, киноя, мажоз, ҳозиржавоблик ва аскиягўйлик бу фарқни янада ойдинлаштиради.

Афанди образи халқ китобларида тип даражасига кўтарилиб, умумлашма образ бўлиб гавдаланади. Латифаларда у ниҳоятда зийрак ва ҳозиржавоб.

«Афанди бир ялқовдан сўради: - Ҳолинг қалай? – Топсам ейман, топмасам сабр-қаноат қиламан, - жавоб берди ялқов. Ундай бўлса, худди бизнинг шаҳар итларига нҳшар экансан, - дейди Афанди».

Ушбу латифадаги енгил кулги ва кесатиқ дангасалик ва ялқовликни қоралашдан иборат.

Латифаларда ҳаётнинг кичик бир лавҳаси кўрсатилиб, унда бир-бирига зид фикрни ифодаловчи икки хил характер тўқнашади. Бу тўқнашувлар асосан ҳаёт ва унинг ҳодисалари туфайли содир бўлган зиддиятлар, маиший турмуш – оила, турли табақа вакиллариининг ўзаро муносабатларини

ифодалаб, латифанинг мазмуни комик қаҳрамон характерининг бирор белгисини намоиш қилиш билан якунланади.

Латифаларнинг бош қаҳрамони Насриддин Афанди образининг энг характерли хусусияти шундаки, у доим кўпчилик омма томонида, у халқнинг ҳимоячиси, оғирини енгил, узоғини яқин қиладиган маънавий таянчи: Ўзбек халқи орасида у бормаган жой, у кирмаган хонадон йўқ.

Афанди характерига хос хусусиятлар шундаки, у ҳамиша тўғри сўз, тап-тортмас, баъзан бироз девона феъл, баъзан ниҳоятда донишманд, баъзан эса тентакнамо. Шу сабабли унинг қалтис ҳазилларини ҳатто шоҳлар ҳам кўтаради, уни жазолашга ботина олмайди.

«- Балли шоҳим, - деди Афанди, - Сиз ҳозир, менинг кўзимга тўрт оёқли бўлиб кўриняпсиз».

Бу билан Афанди подшони ҳайвонга ўхшатди. Сўз билан мўлжални аниқ нишонга олиб, қақшатқич жавоб билан уни камситмоқчи бўлган томонни мулзам қилди.

Латифаларнинг яратилиш тарихи халқ ижодининг тарихи сингари жуда қадимий.

Латифалар халқ ҳаёти заминида юзага келади. Шу туфайли ёзма адабиётга халқ оғзаки ижодидан кириб келган ва ёзувчилар томонидан ривожлантирилган. Ўз навбатида ёзма адабиётда яратилган латифалар замонлар ўтиши билан аста-секин халқ оғзаки ижодига кириб келиб, комик қаҳрамон номи билан боғланиб, латифалар миқдорини орттира борган.

Латифалар узоқ замонлардан бери халқ орасида орасида айтилавериб мақолларга ўхшаб қуйма ҳолга келган, бир эшитган кишининг ҳеч қачон эсидан чиқмайдиган бадиий юксак асар бўлиб қолган.

Хуллас, латифаларда Ўзбек халқига хос кулгусеварлик, донолик ва ҳозиржавоблик сингари хусусиятлар мужассам бўлган.

Лофлар. Лоф жанри, асосан, қизиқчи ва аскиябозлар орасида шаклланган ва ижро этилган. Лофнинг ўзига хослиги шундаки, унда нотабиий воқеалар, салбий белгилар кулги остига олинади. Лоф айтиш муболағали эпизодга мантиқий жавоб қайтариш, сўзга чечанлик мусобақаси шаклида ўтади.

«Бир лофчи иккинчи лофчига: - Хабарингиз борми, биз томонда лайлак қор чинакам ёғибдики, асти қўяверинг, ҳатто у ҳозир осмонга тегай-тегай деб қолди.

- Ҳўш, шунга нима бўлибди? Биз томонда ёққани осмонга тегди. Ҳозир товуклар қор устига чиқиб юлдузларни чўқиб юрибди, - дебди иккинчи лофчи».

Лофларнинг мавзуси турли-туман бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олади. Бир ўринда салбий белгилар фош этилади.

«Совғахўр лофчи ҳасрат қиладди: - Шу десангиз, бир танишим духобага ўроғлиқ совға келтирган эди. Бола-чақа билан очиб қарасак тугундаги нарса ўн тўрт кунлик ой экан, осмонга усди-кетди».

- Меникига ҳам бир меҳрибоним тугун ташлаб кетибди, очиб қарасам, олов экан, уйимизни ёндириб юборди.

Порахърлик, кърганнинг кнлига караш, таъмагирлик, бировлар хисобига яшаш энг ярамас иллат.

Ушбу лофда ана шу хусусият порахър қиёфасида ҳаракат қилган лофбозлар суҳбатида фош этилган.

Воқеликни муболаға асосида баён этиш лоф жанрига хос бадий-тасвирий усул ҳисобланади. Чунки муболаға у ёки бу нарса ёки ҳодисани ошириб, бърттириб тасвирлашнинг нзига хос усулидир. Лофнинг кнпчилигида реал воқеа ва ҳодисаларни бърттириб тасвирлаш даражаси ҳаётда бнлиши мумкин бнлмаган даражага олиб чиқилади. Бърттирилган воқеа ҳаётдан узоқ, унга қарши кнйилган лофнинг жавобидаги муболағали тасвир эса тасаввурга ҳам сиғмайди:

«Тасодифни қаранг, - деди Салим лофчи, - кеча эрталаб тракторим билан каналга тушиб кетдим. Бир катта наҳанг балиқ келиб тракторимни ютиб юборса бнладими? Мен чакқонлик қилиб қутилиб қолдим.

- Гапингга ишонса бнлади, - деди Ҳалим лофчи бнш келмасдан. – Кеча пешин вақти канал ёқалаб юрсам, сувдан «тир-тир» деган товуш келади. Таваккал деб қармоқ ташлаган эдим, катталиги гараждай келадиган балиқ илиниб чиқди. Бечоранинг оғзидан бурқситиб тутун чиқарди. Дарҳол қорнини ёриб қарасам, ичидан мотори ишлаб турган трактор чиқса бнладими? Нша сенинг тракторинг экан-да?»

Муболағали тасвирнинг бу даражада реал ҳаётда бнлиши мумкин эмас. Бинобарин, муболағали тасвир, асосан, ҳаёл қилиш ва тасаввурга йнъл очади. Шунинг учун ҳам лофлар ҳозиржавобликни синаш, киши тасаввурини бойитиш вазифасини адо этади.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Латифаларга хос асосий хусусиятлар нималардан иборат?
2. Латифаларнинг шаклланишида бошқа жанрларнинг таъсири бнлганми?
3. Афанди образига хос хусусиятларни айтинг.
4. Латифаларда кулги яратиш усуллари изохланг.
5. Лоф жанрига хос хусусиятлар нималардан иборат?
6. Муболаға санъатининг лофлардаги нрнига баҳо беринг.
7. Лоф ва латифаларнинг муштарак жиҳатларини аниқланг.

Адабиётлар

1. К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Ўқитувчи», 1990.
2. Аския. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.
3. Б.Сувонкулов, Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2007.

ХАЛҚ ТЕАТРИ

Маънавий маданиятда муҳим нрин эгаллаган ўзбек халқининг театр ва мусиқа санъати узоқ даврларга бориб тақалади.

Археологик ва этнографик тадқиқотлар Ҳалкамизда рақс ва театр санъати илк намуналари ибтидоий жамиятда пайдо бўлганлигини исботлайди. С.П.Толстов кашф қилган неолит даврига оид Хоразмдаги Калтаминораликлар маданияти манзилгоҳида жамоа майдонида ибтидоий рақслар ва театрлаштирилган маросимлар ғтказилган деб фараз қилинади.

Сурхондарё ва Зарафшон вилоятларининг тоғли туманларидан топилган минглаб қадимий расмларда тош даврида яшаган аجدодларимизнинг махсус ниқобланган овчилик маросимларини бажараётганлигининг тасвирланганлиги ҳам халқ театри ва рақслари тарихи ниҳоятда қадимий эканлигини кўрсатади.

Туркий халқларнинг оммавий театрлаштирилган сайлларида, айниқса Наврўз каби йирик халқ байрамларида ғтказиладиган тантаналарда халқ ижодининг барча намуналари кенг намоёиш қилинган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, халқнинг энг севимли ба йрами ҳисобланган Наврўз эрамиздан аввалга XI-X асрларда вужудга келган бўлиб, ғша даврлардан бутун ғрта асрларда Хоразм, Фарғона, Тохаристонда ниҳоятда катта тантана ва дабдабалар билан ғтказилган.

Њзбек халқ театри асосан икки хилда номаён бўлган: масхарабоз-қизикчилар ҳамда қўғирчоқ театри.

Масхарабоз-қизикчилар таркиби саҳналаштирилган чиқишларни бажарувчи аскиябоз, дорбоз, муаллақчи, найрангбоз (фокусчи), ёғоч оёқ ва мусикачилардан иборат бўлган.

Масхарабоз-қизикчилар одатда ҳаётнинг, айрим тоифа ёки шахсларнинг салбий жиҳатларини, қусурларини кулгули вазиятларда намоёиш қилади, унинг сўзи ва хатти-ҳаракатларида ҳажв ва ҳазил уйғунлашади. Моҳир масхарабоз томошабинларнинг таркиби, савияси, ёши, касб-кори ва бошқа жиҳатларига қараб репертуар танлайди, эҳтиёжига қараб экспромт – бадиҳа йғли билан репертуарга ғзгартириш киритади, бошқа вазиятда айтиш қийин бўлган фикр-мулоҳазани кулгига сингдириб юборади.

Масалан, Ҳасан ва Ҳусан номли кичик пьесада қизғанчиқ бой, бир молнии икки марта пуллашга ҳаракат қилган алдамчи савдогар образи тасвирланган.

«Тол савдоси» номли пьесада эса халқнинг оғир аҳволи, баъзи мансабдорларнинг зғравонлиги ва мунофиқлиги танқид қилинади.

Бундан ташқари, масхарабозлар таркибидаги тақлидга уста актёрлар турли қушлар, ҳайвонлар овози, хатти-ҳаракати орқали маълум шахсларнинг характери, хулқ-атворида тақлид қилиб пантомималар кўрсатган. Айниқса, «Юмронқозиқ», «Бедана», «Ҳўроз билан товук» пантомималари машҳур бўлган.

Халқ театрида «Њлик ювиш», «Судхўр бой», «Намоз» каби ғткир ҳажв ва кулги асосига қурилган томошалар ҳам севиб ижро этилган ва халқ олқишига сазовор бўлган.

Масхарабозлик томошаси ҳордиқ чиқариш, дам олиш ва хушчақчақ кайфият бағишлашга хизмат қилиши билан бирга, кишиларнинг қалби ва шуурига ҳам таъсир этади, уларга билим беради, диди ва дунёқарашини

шакллантиради. Халқ тўйи, сайили ва бошқа тантаналари масхарабозларсиз бўлмаган, халқ уларни севиб эъзозлаган.

Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир, Восифий, Сафий, Бобур каби машҳур зотларнинг асарларида XV аср масхарабозлик санъати, масхара ва муқаллидлар, ҳазил-мутойиба – бадиха ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Қўғирчоқ театрининг пайдо бўлиши жуда қадим замонларга бориб тақалади. Ибтидоий жамиятда кишиларга нотабиий кўринган ҳадисларни таърифлаш мақсадида ясалган рамзий шаклларга топиниш кабилар қўғирчоқбозликнинг генетик асослари ҳисобланади.

Қўғирчоқ театрининг дастлаб «Чодир жамол», «Чодир ҳаёл», «Фокус ҳаёл» каби уч тури мавжуд бўлган.

«Чодир жамол» театрида қўғирчоқлар ҳаракати бармоқлар воситасида юзага келади, яъни қўлга кийдирилган қўғирчоқлар бармоқлар ҳаракатида жонланади. Қўғирчоқ театрининг бу турида асосан «Қачал Полвон саргузаштлари» бўлган.

«Чодир ҳаёл» театрида қўғирчоқлар ҳаракати иплар ёрдамида амалга оширилган. Бу турда кўпинча «Саркардалар» комедияси бўлган.

«Фокус ҳаёл» турида эса томоша қўғирчоқ ва қўл бармоқлари ёрдамида турли хил шакллар соясини тушириш орқали кўрсатилган.

XV асрнинг машҳур алломаларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг «Футувватномаи султоний» асарининг VI бобини «Қўғирчоқбозлар шарҳида» деб номлаган. Муаллиф ушбу бобда тасаввуфнинг «вужудия» таълимоти ҳақида фикр юритар экан, оламдаги барча мавжудотни Аллоҳ яратгани, Аллоҳсиз бу яратилганларнинг ҳеч қайси бири бирон моҳиятга эга бўла олмаслиги, Аллоҳ уларга моҳият бериб, ҳаракатга келтириши, ишга солиши ҳақида фалсафий ҳулосалар чиқаради. Шу жиҳатдан қараганда барча мавжудот, чунончи, инсон ҳам бир шакл, сурат, қўғирчоқдир, Аллоҳ худди қўғирчоқбоз каби уларга жон киритади, ҳаракатга келтиради дер экан, Ҳусайн Воиз Кошифий инсонларни қўғирчоққа, Аллоҳни қўғирчоқбозга ўхшатади. Ушбу фикрлар Ҳусайн Воизнинг кузатган мақсадидан қатъий назар XV асрларда ҳам қўғирчоқбозлик томошаси кенг тарқалганлигидан далолат беради.

Хуллас, қўғирчоқ театри ҳам, қизиқчи ва масхарабозлар театри ҳам халқнинг тарихий тараққиёти билан узвий боғланган санъат тарихининг ажралмас саҳифаларини ташкил қилади.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Халқ театри деганда нимани тушунаси?
2. Ўтмишда халқ театрининг вазифаси нималардан иборат бўлган?
3. Қизиқчи ва масхарабозлар репертуарида қандай асарлар бўлган?
4. Қўғирчоқ театри деганда нимани тушунаси?
5. «Чодир жамол», «Чодир ҳаёл», «Фокус ҳаёл» каби қўғирчоқ театри турларининг бир-биридан фарқи нимада?
6. Қўғирчоқбозларнинг репертуарида қандай асарлар бўлган?

Адабиётлар

1. К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: «Ўқитувчи», 1990.
2. М.Қодиров, Масхарабоз ва қизикчилар. Т.: «Фан», 1971.
3. И.Жабборов, Ўзбек халқи этнографияси. Т.: «Ўқитувчи», 1994.

МУНДАРИЖА

1. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳақида умумий маълумот.....	3
2. Ўзбек фольклоршунослиги тарихи.....	11
3. Энг қадимги даврлар фольклори.....	23
4. Ўзбек фольклорининг жанрлар тизими.....	40
5. Ўзбек халқ мақоллари.....	45
6. Топишмоқлар.....	61
7. Халқ олқишлари ва қарғишлари.....	71
8. Маросим фольклори.....	80
9. Ўзбек халқ кўшиқлари.....	95
10. Афсона ва ривоятлар.....	108
11. Ўзбек халқ эртаклари.....	126
12. Ўзбек халқ дostonлари.....	134
13. Латифа ва лофлар.....	161
14. Халқ театри.....	165

1. Общее сведение об узбекском устном народном творчестве.....	3
2. История узбекской фольклористики.....	11
3. Устное народное творчество древности.....	23
4. Система жанров узбекского фольклора.....	40
5. Узбекские народные пословицы	45
6. Загадки.....	61
7. Восхваления и порицания.....	71
8. Обрядовый фольклор.....	80
9. Узбекские народные песни.....	95
10. Легенды и притчи.....	108
11. Узбекские народные сказки.....	126
12. Узбекские народные дастаны (эпосы).....	134
13. Анекдоты и небылицы.....	161
14. Народный театр.....	165

1. General information about uzbek folk creation.....	3
2. The history of uzbek country study.....	11

3. Pre-historic filmes folklore.....	23
4. The system of uzbek folk genre.....	40
5. Uzbek folk sayings.....	45
6. Riddles.....	61
7. Praises and damnation.....	71
8. Solemn folklore.....	80
9. Uzbek national songs.....	95
10. Myths and legends.....	108
11. Uzbek folk tales.....	126
12. Uzbek national dastans.....	134
13. Anecdotes and humor.....	161
14. Folk theater.....	165